В Узбекистане в последние годы вопросам инновационной активности и создания четко очерченной инновационной системы уделяется все большее внимание. Значимый элемент этой политики – переход к инновационному типу развития, в том числе это касается и научно-технологической области. В Постановлении Президента Республики Узбекистан №916 «О дополнительных мерах по стимулированию внедрения инновационных проектов и технологий в производство» от 15 июля 2008 года, которым открываются реальные возможности для развертывания масштабных работ по активизации инновационной деятельности, усилению интеграционных процессов между наукой и производством. Тем самым государство провозглашает, что повышение уровня производительных сил и благосостояния нации связано не только с реализацией своих природных, но и интеллектуальных ресурсов.

В Постановлении Президента Республики Узбекистан от 15 декабря 2010 года за №1442 «О приоритетах развития промышленности Республики Узбекистан в 2011-2015 годах» важнейшим приоритетом реализации экономической программы на было определена политика дальнейшего углубления структурных преобразований экономики для обеспечения роста конкурентоспособности страны, включающая высокие темпы модернизации, технического и технологического обновления производства, расширение выпуска наукоемкой продукции с высокой добавленной стоимостью, в том числе ориентированной на экспорт. Выбранная стратегия подтверждает безусловный факт, что Узбекистан выбрал инновационный путь развития экономики.

Указ Министерство Высшего и Среднего Специального Образования Республики Узбекистан “О дальнейшем совершенствовании механизма инновационного сотрудничества высшего образования, науки и производства” от 17 апреля 2010 года подтверждает, что ВУЗы, научные институты, бизнес-инкубаторы и центры трансфера инноваций при них являются генерирующими и поддерживающими инфраструктурными элементами формирующейся национальной

инновационной системы. В созданных в ФерГУ и ФерПИ центрах трансфера инноваций по проекту "UnIvEnt"-"*Усиление роли университетов в трансфере инноваций в производство*" для проведения учебных курсов для предпринимателей подготовлены 6 учебных программ и подготовлены 3 дополнительных курса, исходя из потребностей предприятий и предпринимателей. На их основе согласно графику проводятся тренинги для целевых аудиторий (для предпринимателей, фермеров, преподавателей, студентов). Всего проведено 27 тренингов.

10 мая 2012 года в ФерГУ проведён международный научно-практический семинар, материалы которого опубликованы в сборнике «Активизация деятельности университетов в создании инновационной среды в национальной экономике» (120 авторов из Германии, Испании, Португалии, Азербайджана, Южной Кореи, Узбекистана). В ФерГУ и ФерПИ сформированы и функционируют инновационные группы (77 групп). В июле 2012 г. осуществлены тренинги для студентов активистов Центра молодёжных инициатив (ЦМИ) «Келажак овози» в Германии (Лейпциг (HTWK), 6 человек,). Полученные знания, навыки и опыт они используют на тренингах и семинарах, организуемых для молодых предпринимателей, рационализаторов, студентов по линии «Келажак овози».

Для участников поездки в Португалию для академических (8 человек) и неакадемических (7 человек) партнёров декабре 2012 года осуществлены тренинги в Португалии (г. Порто). Они были приглашены на международную конференцию в рамках программы Темпус «Кооперация между университетами и производством», где были представлены презентации партнёров проекта из Испании, Португалии, Германии, Азербайджана. Узбекские партнёры подготовили презентацию на тему «Деятельность Центров трансфера инноваций в университетах Узбекистана».

Информация, полученная из презентаций, сделанных на конференции дополнительно изучена в Центрах трансфера инноваций (ЦТИ) ФерГУ и ФерПИ и доведена до 5 соответствующих кафедр. Информация, полученная в ходе знакомства с деятельностью ЦТИ, обобщена и используется в усовершенствовании действующей модели ЦТИ. Неакадемические партнёры используют полученную информацию в целях оптимизации своей деятельности по направлениям: представитель торгово-промышленной палаты разрабатывает пути модернизации технопарка; представитель ЦМИ «Келажак овози» разрабатывает эффективные способы привлечения молодёжи к научным исследованиям (например, проведение маркетинговых исследований для определения потребностей в инновациях); представитель Ферганского отдела Научно-производственного центра сельского хозяйства осуществляет эксперименты по адаптации экзотических культур к местным условиям, а также модернизирует информационное содержание тренингов для фермеров; представитель Ассоциации деловых женщин также улучшает информационное содержание тренингов для женщин-предпринимателей.

Ферганский Областной Хокимият проводит целенаправленную деятельность по укреплению связей между высшими учебными заведениями Ферганской области и производственными предприятиями, субъектами малого бизнеса и частного предпринимательства, фермерскими хозяйствами.

Начиная с декабря 2011 года в ФерГУ организуются встречи между профессорско-преподавательским составом ФерГУ, ФерПИ, Фф ТАТУ, ФфТМА, КГПИ с руководителями производственных предприятий, финансовых учреждений, представителями малого бизнеса и частного предпринимательства. Были составлены специальные группы по укреплению связей между наукой и производством и конкретизированы мероприятия по улучшению этого вида деятельности.

В марте 2012 года в Ферганском филиале ТАТУ состоялась очередная встреча участников, где были подведены первые итоги проведенной работы по продвижению инноваций и научных разработок из ВУЗов в производство.

Именно такие встречи представителей науки с представителями бизнеса под руководством Ферганского областного хокимията создают благоприятную среду для создания инновационной среды в регионе, что является необходимым условием для поэтапного формирования национальной инновационной системы.

I ШЎЪБА. ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА ИННОВАЦИЯЛАР ЯРАТИШ ВА УЛАРНИНГ ТРАНСФЕРИ ЖАРАЁНИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

ROLE OF INNOVATIONS IN DEVELOPMENT OF EDUCATION

Jamalov Kamal Hassan oghlu
Nakhchivan State University
Ph.D in Pedagogy, associate professor

Мақолада таълим тизимини ривожлантириш ва унда инновацияларнинг роли, шунингдек, таълим тизимида инновацияларнинг асосий йўналишлари кўриб чиқилган ва таклифлар берилган.

В статье рассматриваются пути развития образования и роль инноваций в этой области, так же затронуты основные направления инноваций в педагогической системе и даны предложения.

The term “Innovation” comes from latin origin “innovato” and means, “modernization” and “approaching ”.

Innovation is the application of news with high efficiency and is stated as the final result of invention of human’s intellectual activities. The result of innovation activity is considered to be new or updated product (work, service), technological process, as well as organisational and technical, finacial and economical and etc in social relations. The realization of innovation in the education is mainly related with the application of above-mentioned features in this field.

As long as the society develops, like in every field, new demands are set forward in education. This, in its turn, makes necessary to develop pedagogical process and to apply new content, forms and methods.

The development of pedagogical system is carried out in two ways: a) intensive and b) extensive. Intensive way is related with activation of inner resources. Extensive way means attracting extra force, time and resources to pedagogical process. For instance, it is possible to extend the teaching period and programmes in order to give stronger knowledge to young generation. This is an extensive way. However it is possible to achieve this goal without it too. For example, by applying new methods, developing the existing form and content, teaching independent working skills to students are the ways of their attracting to self-education.

The scale of innovations in pedagogical process can be different: development of certain method and form, applying new working technologies or upgrading education-upbringing system.

Now in our Republic educational reforms are under way. Great changes are happening in material basis of education and up-bringing, in the methods, in teacher-student relations and in the management.

The main directions of innovations in pedagogical system are as folllows:

- democratization of the school;
- humanization of pedagogical process;
- application of cooperation pedagogy;
- privatization of educational and upbringing process;

- widening the content of education and upbringing;
- optimization of education and upbringing process;
- application of new pedagogical technologies;
- development of school management system;
- reformation of improvement of professional skills system;
- organization of education according to world standards.

The realization of inner school evaluation with application of new subject curriculum is one of the valuable innovations in the education. The teacher, parents, family and all the sides concerned must be closely aware of the new approach system in realization of evaluation.

Here the inner school evaluation, monitoring of student's progress, diagnostic, formative summative, small and large summative evaluation, calculation of half year and full year marks and achievement of systematical observation of a change of a number of quantities and qualities, definition of the results, carrying out analysis are the innovations related with successful realization of reforms in education. The modern teacher must learn closely innovations in education, know, understand and apply them.

ROLE OF NAKHCHIVAN STATE UNIVERSITY IN TRANSFER OF INNOVATIONS

Kazimov Anar Altay oghlu
vice-rector on international affairs of Nakhchivan State University,
local coordinator for "UnIvEnt", Ph.D in Mathematics

Мақолада Нахчиван давлат университетида таълим, фан ва ишлаб чиқаришга йўналтирилган инновациялар трансфери тадбирлари ТЕмпус дастурининг "Ишлаб чиқариш корхоналарида инновацияларни татбиқ этиш борасида университетларнинг ролини кучайтириш» лойиҳаси натижалари асосида кўриб чиқилган.

В данной статье рассматриваются мероприятия, проводимые в Нахчыванском государственном университете, нацеленные на трансфер инноваций в образование, науку и производство. В работе предлагаются результаты осуществления проекта Темпус «Усиление роли университетов в трансфере инноваций в производство».

We are all aware of the highest importance of innovations in education, enterprise and in general life. Education is considered to be one of the best places where innovations are introduced. Promoting creativity and incentivizing innovations through our educational institutions is a first step towards broadening and deepening the impact of innovations in our society and economy.

At the same time, with rapid advances in new technologies, changing needs of the economy, and the very presence of the challenges identified above, the sector itself presents a fertile ground for pioneering innovations.

Recognizing the fundamental role of education in nurturing and fostering innovation, through international and local expertise Nakhchivan State University is engaged in a series of activities in transfer of innovations, as well as promoting new educational models and innovative platforms for knowledge creation, dissemination and application.

In this regard successfully coordinated by Leipzig University of Applied Sciences (HTWK) TEMPUS Project "Enhancement of role of universities in transfer of innovations into enterprise" has been playing a sustainable and important role.

To enhance training of entrepreneurs and scholars, enable them to become facilitators of creativity and innovative thinking by tapping local and international creative talent on part-time basis Center for Transfer of Innovations was established in November of 2011. The CTI is also expected to help leveraging of academic and industry resources and give a boost to design capacity in the region.

Since the establishment of CTU, Nakhchivan State University has launched online trainings with GABA-another project partner. The trainings were delivered to the teachers, students and entrepreneurs.

Oriented for increase of potential capacity in the region, CTI started to play an active role in trainig regional potential from Cabinet of Ministers and students and staff of Nakhchivan State University in different fields. In this regrad cooperation of "UnIvEnt" TEMPUS project "Increase of potential capacity in state investment" with International Development Association has been essential. The team of CTI at NSU undertook the realisation of this project in Nakhchivan region and 13 trainig courses covering important topics such as international standarts (ISO), human resources management, energy efficiency, quality management, public private partnership (PPP), management of ICT, environmental management planning, labour legislation, procrument, financial management under IFI standards etc. have been organised so far. Along with the local trainers, courses have been delivered by experts from UK, Turkey, Russia, Italy, Poland, Pakistan and other countries. NSU pays special attention to involvement of local teaching staff. The courses "Innovation management", "Consumerism policy", "Innovations in Agriclture" have been delivered by local staff. Now there is planned another training in September for local enterpreneurs and small businnes owners in environmental issues.

The CTI of NSU will also assist in identifying talented students who think creatively and innovatively on issues that they perceive as important in their local environment.

In this combination it is expected to have a multiplier effect of creativity and innovation. For instance "Dried Mulberry" project by Enactus team of CTI. In 2013 headed by one supervisor the team managed to get the product "Dried Mulberry" locally produced.

For this purpose the team members, mostly students determined the target group of villagers, collected mulberries, presented to "Gamigaya" LTD for production. Later on the team obtained certificates from relevant authorities for the hygienic purposes and license permitting the production.

In addition to increase of participation of students, NSU pays special attention to practical training of students. In this regard different field trips have been organized by CTI to get acquainted with real production process.

In august of 2012, team of CTI have developed project with "Gain and Sustain Association" of Austria "Opportunities in the countryside" under Youth in Action Programme funded by European Commission. The project was directed to encourage of students participation in member countries in enhancement of tourism opportunities.

The project gained success- a team of students from NSU selected by CTI participated in 10- day-workshop in Graz, Austria getting to know winter tourism in Austria. Students developed a separate project for development of winter tourism in Nakhchivan.

In respect to transfer of innovations Nakhchivan State University is organizing international conferences. The international conference "Application of innovations:

development and modernizing" held at NSU in November 2011 was attended by local specialists as well as from coordinating country Germany and partners from Uzbekistan.

In March, 2013 CTI of NSU held a biggest event "Bee-keeping: current situation and development strategy" with participation of about 100 specialists in this field, bee-keepers and local scholars. Memory sheets have been prepared and distributed in large numbers for bee-keepers and local fields have been visited by conference attendees.

In April 2013, international conference on "Environmental protection and provision of the population with ecologically pure products" was held in Nakhchivan State University. The event was attended by specialists from Penza State University.

NSU considers important for increase of potential capacity and training staff by attending international events organized by partner universities. In this respect it is of high appreciation to mention the conferences and workshops held in Germany, Uzbekistan, Spain, Portugal and local partner Ganja.

Another task of CTI set forward by the project is establishment a database of innovations for the use of staff, students and business owners. In this regard the research results have been collected by the CTI and innovative research materials have been selected and placed in CTI's web site (www.univent-nsu.com) in two languages Azeri and Russian. Besides the innovation research materials have been presented to Scientific Innovation Center of Azerbaijan National Academy of Sciences and received registration.

No doubt ICT is the very important tool to achieve an effective application of innovations. This fact made NSU find the ways to increase ICT potential of the University. In 2012 the project team of CTI was challenged with this matter and a big project covering sharp increase of ICT level at NSU developed and presented to Korean International Cooperation Agency (KOICA). The project named "Electron education network for Nakhchivan State University and establishment of digital multimedia infrastructure" will cover years 2013-2015 and with the budget of 3.5 million US dollars will change it to highly world standards.

Because of strong involvement in regional business issues local coordinator of project "UnIvEnt" was selected associate advisory board member for Central Asian Productivity and Research Center in the USA (www.caprc.org).

The primary goal of the Center is to concentrate on the needs for economic development in Eurasia and the Caucasus Regions.

The CTI of will continue to provide a platform for the university and its partners to forge linkages between various stakeholders from industry and academia, initiate and assist innovation activities, encourage innovations in curricula and act as a catalyst and facilitator. It will also continue to work closely with government and industry clusters in the region.

УНИВЕРСИТЕТЛАРДА ИННОВАЦИОН ФАОЛЛИКНИ ОШИРИШДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИДАН ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ

А.Асрақулов, А.Тожалиев – ФарДУ

В статье рассмотрены некоторые вопросы использования зарубежного опыта в повышении инновационной активности в ВУЗах и НИИ.

The article considered some problems of using foreign experience on increasing innovative activity in high schools and scientific-research organizations.

Жаҳон мамлакатларининг ривожланиш тенденцияларини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, айрим мамлакатлар ривожланган мамалакатлар томонидан босиб ўтилган босқичларда эришилган натижалардан фойдаланган ҳолда тезлик билан ўз тараққиётини сифат ўзгаришлари ва янгиликлар асосида ўзгартиришга ҳаракат қилмоқдалар. Бундай тараққиётнинг асослилигини яқин ўтмишда жаҳон миқёсида юз берган молиявий-иқтисодий инқироз исботлаб берди.

Ривожланган мамлакатларда янгиликларга асосланган тараққиётнинг амалга ошишида илмий-тадқиқот муассасалари ва янгиликларнинг буюртмачиси хисобланган ишлаб чиқариш тармоқлари ўртасидаги боғланишнинг тўғри йўлга қўйилганлиги муҳим омил хисобланади. Бунда илмий-тадқиқот муассасалари (университетлар) ўз фаолиятини бевосита ишлаб чиқариш тармоқлари томонидан талаб қилинган инновацияларни яратиш асосида ташкил этмоқда ва бу ўз навбатида, яратилган инновацияларнинг маълум бир вақт ҳаракатсиз қолиб кетишининг олдини олади.

Илмий-тадқиқот натижаси сифатида олинган инновацияларнинг қисқа вақт ичида амалиётга жорий этишнинг энг самарали воситаси бу интеллектуал мулкларни тижорийлашувини таъминловчи тизимнинг шакллантирилиши ҳисобланади. Европа Иттифоқи таркибидаги мамлакатларнинг барчасида ҳам инновацияларнинг амалиётга жорий этилиш тизими бир хил эмас, масалан, Германиядаги олий ўқув юртларида инновациялар бевосита корхоналарнинг буюртмаси асосида иқтидорли талабалар ва магистрлардан иборат инновацион гуруҳлар томонидан яратилиб, адресли йўналтирилса, Испаниядаги олий ўқув юртларида инновацияларни яратиш жараёнида асосан тадқиқотчилар фаолият кўрсатади ва улар яратилаётган янгиликка бозорнинг талабини ўрганган ҳолда мустақил фаолият олиб борадилар, олинган натижа эса университетлар маблағи ҳисобига кичик ишлаб чиқариш корхоналари кўринишини олади.

Инновациялар трансферининг Испания модели ўзининг мустақиллиги ва университетларни бевосита тадбиркорлик жараёнига тортиши билан бошқа мамлакатлардаги моделлардан фарқланади.

Албатта, олий таълим муассасаларида инновацион жараёнларни ривожлантириш ҳар бир мамлакат таълим тизимидаги ўзига хос хусусиятлар ва қонунчилик базасига таянган ҳолда амалга оширилади.

Мамлакатимиздаги олий ўқув юртларида инновациялар яратилиши ва трансфери жараёнини ягона тизим шаклида ривожлантиришда, бизнинг фикримизча, қуйидаги омилларни эътиборда тутиш муҳим:

• яратилган интеллектуал мулкнинг фақатгина уни яратган муаллиф эгалигини таъминлаш;

• тадқиқотларни амалга оширувчи муаллифларнинг яратилган интеллектуал мулкдан манфаатдорлигини юқори даражада таъминлаш;

• илмий-тадқиқотларнинг муваффақиятини юқори даражада таъминлаш учун, асосан реал сектор корхоналари буюртмаси асосида ташкил этилишини йўлга қўйиш;

• университетларда (илмий-тадқиқот муассасаларида) яратилган инновациялар трансферини амалга оширувчи бўлинмалар (Инновациялар трансфер марказлари) ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини мавжуд қонунчилик асосида мувофиқлаштириш.

Сўнгги йилларда Европа Иттифоқининг ТЕМПУС дастури доирасида мамлакатимиз олий таълим тизимини модернизациялаш борасида амалга оширилаётган лойиҳалар ичида айнан шу йўналишдаги лойиҳалар кўпаймоқда. Жумладан, Фарғона давлат университети ва Фарғона политехника институти ҳамда

вилоятдаги қатор йирик ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотлари ҳамкорлигида Европа Иттифоқининг Германи, Испания, Португалия каби мамлакатлардаги университетлар билан ҳамкорликда амалга оширилаётган UnIvEnt лойиҳаси университетларнинг инновацияларни ишлаб чиқариш корхоналарига трансфери жараёнини кучайтиришни асосий фаолият йўналиши сифатида танлаган. Лойиҳани амалга ошириш жараёнида тадбиркорларни инновацияларни қидириб топиш ва амалда қўллашга ўргатиш билан бир қаторда университетлардаги инновацияларни яратиш ва уларнинг трансфери жараёнларининг самарали моделини яратиш ҳам кўзда тутилган.

Юқоридаги омилларни ҳисобга олган ҳолда миллий инновацион тизим фаолиятини ташкил этиш олий ўқув юртларида инновацияларни яратиш ҳамда уларнинг трансфер жараёнларини самарали ташкил этиш имконини беради.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКА САНОАТ КОМПЛЕКСИ БИЛАН ИНТЕГРАЦИОН АЛОҚАЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Г.Ш. Хонкелдиева, и.ф.н., доцент - ФарДУ

В данной статье особое внимание уделено вопросам совершенствования интеграционных связей промышленных предприятий с высшими учебными заведениями

This article is about ways of improvement the links of integrations between industry and high educational establishments.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Фан ва технологиялар марказининг инновацион дастурлар ва лойиҳалар бўйича кўп йиллик иш тажрибаси шуни кўрсатадики, олий мактаб мамлакат инновацион жараёнларида, илм-фан ва илмий хизмат кўрсатиш соҳасидаги инновацион фаолиятни ривожлантиришда, шубҳасиз, етакчи ролни эгаллайди.

Бунда олий мактаб ютуқлари фундаментал табиатга эга бўлиб, у ўз тасдиғини қуйидаги амалий натижаларда топган:

- илмий тадқиқотларни ташкил қилишда – инновацион дастур ва лойиҳаларни шакллантириш ва амалга оширишнинг дастурий-мақсадли усулларини жорий этиш;
- янги инновацион инфратузилмаларнинг самарали моделларини тадқиқ этиш ва синовдан ўтказишда - турли шаклдаги илмий-технологик парклар, бизнес-инкубаторлар, кичик илмий-техник тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи инновацион марказларнинг яхлит тизимини яратиш ва амалга ошириш;
- рақобатбардош илмталаб маҳсулотларни илгари сурувчи инфратузилмаларни яратиш.

Назарий тадқиқотлар ва амалий тажриба таҳлили асосида, биз, таълим тузилмаларининг инновацион салоҳияти базасида республика инновацион тизимини яратиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқдик. Бунда мамлакат инновацион тизимининг модели қуйидаги асосий элементлар ва уларнинг таркибий бўғинларидан иборат бўлади: Республика ҳукумати, Инновацион-технологик мажмуа, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Фан ва технологиялар маркази.

Мамлакат инновацион тизимининг марказида инновацион-технологик мажмуа туриши лозим. У таълим-тарбия тузилмаларининг ресурс салоҳияти асосида

яратилиб, кенг доирадаги турли функцияларни бажаради.Бизнинг фикримизча, юқоридаги мақсадлардан келиб чиқиб, Давлат инновация сиёсати қуйидаги тамойиллар асосида амалга оширилиши лозим:

- инновацион фаолиятнинг ижтимоий аҳамиятини ва унинг иқтисодий ривожланиш даражаси ҳамда суръатларига муайян таъсирини тан олиш;
- олий мактаб илмий ресурсларидан кенг фойдаланиш, унинг Давлат саноат мажмуаси билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш;
- инновацион фаолиятнинг устувор йўналишларини танлаш, инновацион дастур ва лойиҳаларни шакллантириш ва амалга ошириш механизми мамлакат иқтисодиёти манфаатларидан келиб чиққан ҳолда бажарилиши шарт;
- илмий-таълим, илмий-техник ва инвестицион-инновацион фаолиятни реал ишлаб чиқариш билан интеграциялашуви;
- инновацион фаолиятни солиққа тортиш тизимини тартибга солиш, маъмурий ресурслардан фойдаланиш ҳамда давлат таъсир этишнинг бошқа чора-тадбирлари ва усуллари орқали рағбатлантириш;
- илмий-инновацион салоҳиятни ривожлантиришни жадаллаштириш;
- инновацион соҳани шакллантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш.

Стратегик ҳамкорликнинг юқорида келтирилган белгилари рўйхати ҳали тўлиқ даражада эмас. Ҳар бир аниқ ҳолатда у иккитомонлама манфаатлардан келиб чиқиб шакллантирилиши ва охир-оқибат “ОЎЮ - корхона” тизими ўзаро ҳаракатининг мажмуавий дастурини ташкил қилиши лозим. У ташқи омиллар, масалан, корхона ёки тармоқнинг таркибий ўзгаришига қараб ўзгартирилиши ёки тузатилиши мумкин.

Таълим тузилмаларининг инновацион салоҳиятини шакллантириш механизмини мажмуавий амалга ошириш бўйича асосий вазифалардан келиб чиқиб ҳамда республикада ОЎЮларининг ишлаб чиқариш соҳаси билан интеграцион алоқаларини ўрнатиш мақсадида, биз, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар ва савдо вазирлиги назорати остида фундаментал тадқиқотлардан бошлаб, инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ва истеъмолчига сотишгача бўлган логистик оқимни бирлаштирувчи ва мувофиқлаштирувчи тузилмани яратишни таклиф қиламиз.

Бизнинг томонимиздан ОЎЮларининг инновацион фаолиятини оптималлаштириш моделларини қуриш ва уларни баҳолаш, ОЎЮ ва реал ишлаб чиқариш соҳаларининг ўзаро муносабатларини такомиллаштириш бўйича қилинган иш жараёнида олинган натижа ва таклифлар республика ОЎЮлари илмий-инновацион фаолиятини фаоллаштириш ва такомиллаштириш ишига салмоқли ҳисса қўшади, деб умид қиламиз.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА ИННОВАЦИЯЛАРНИ АМАЛИЁТГА ЖОРИЙ ЭТИШ ЖАРАЁНИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

Д.А.Ўринов, катта илмий ходим-изланувчи - ФарДУ
А.А.Орипов, ўқитувчи - ФарДУ

В статье рассматривается вопросы внедрения инноваций в производства в университетах и факторы, влияющие модернизации процесса внедрения.

In the article analyzed factors influencing to the modernizing innovation implementation process in the universities.

Жаҳон миқёсида глобаллашув ва рақобатнинг тобора кучайиб бориши реал сектор корхоналарини модернизация қилишни, юқори интеллект ва технологияга асосланган, юқори қўшимча қиймат яратувчи соҳаларни ривожлантиришни талаб қилади. Ушбу масалаларни ҳал этишда асосий эътиборни хорижий инвестицияларни жалб қилишга қаратиш билан биргаликда, миллий ва хорижий илм-фан ютуқларини ишлаб чиқариш жараёнига жорий этилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу эса мамлакатда инновацион фаолият билан шуғулланувчи муассасаларни, хусусан, олий ўқув юртлари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, яратилаётган инновацияларни ишлаб чиқариш жараёнига жорий этиш бўйича самарали механизмни яратиш, ушбу механизмнинг самарали ишлашига таъсир этувчи омилларни ҳисобга олиш заруриятини вужудга келтиради.

Олий ўқув юртларида яратилган инновацияларнинг ишлаб чиқариш жараёнига трансферига бир қатор омиллар таъсир кўрсатади Бу омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин.

1. Олий ўқув юртлари инновацион потенциали (олий ўқув юрти илмий салоҳияти, уларнинг инновацион бизнес соҳасида билимларга эгалик даражаси, илмий-тадқиқотларга жалб қилинган талабалар сони, олий ўқув юртида замонавий жиҳозлар билан таъминланган лабораторияларнинг мавжудлиги ҳамда улардан фойдаланиш самарадорлиги ва ш.к.);

Олий ўқув юрти илмий салоҳияти унда олиб борилаётган илмий- тадқиқот натижаларининг сифати ва сонига таъсир этувчи энг асосий омиллардан бири ҳисобланади. Профессор-ўқитувчиларнинг ўз соҳалари бўйича чуқур билимга, замонавий фан-техника ютуқларини тезкорлик билан ўзлаштира олиш қобилиятига эгалиги, турли соҳаларда мавжуд муаммоларни аниқ кўра билиши ва ўз билимларини ана шу муаммоларни ҳал этишда қўллай олиши олий ўқув юрти инновацион фаоллигини, яратилган инновацияларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилиш имкониятини оширади.

Инновацион бизнес соҳасида билимларга эгалик даражаси деганда инновация яратувчи-ихтирочиларнинг ушбу инновацияларни амалиётга жорий этиш бўйича кичик корхоналарни ташкил этиш ва бошқаришда етарли билимга эга эканлиги тушунилади.

Илмий-тадқиқотларга талабаларни жалб этиш уларда илмий-тадқиқот олиб бориш бўйича билим, малака ва кўникмаларни шакллантириб, олий ўқув юрти инновацион потенциалини кенгайтириш учун хизмат қилади. Талабалар томонидан инновацион жараённинг айрим мураккаб бўлмаган қисмларини бажаришлари инновациялар яратилиши ва амалиётга жорий этилиш жараёни муддатининг қисқаришига ижобий таъсир кўрсатади.

Олий ўқув ўқув юртларида замонавий техник жиҳозлар билан таъминланган лабораторияларнинг мавжудлиги илмий-тадқиқотларнинг мавжуд реал ҳолатга максимал даражада яқинлигини таъминлаш, мураккаб илмий ҳисоб-китобларни ўта юқори аниқлик билан амалга ошириш имконини беради.

2. Олий ўқув юртлари жойлашган ҳудудлар иқтисодий потенциали (фаолият юритувчи корхоналар сони, улар ўртасида рақобат муҳитининг шаклланганлиги, уларнинг инновацияларни ўзлаштира олиш имкониятлари ва ш.к.).

Инновациялар трансфери жараёнига олий ўқув юртлари жойлашган ҳудудлар иқтисодий потенциали ҳам таъсир кўрсатади. Ҳудудларда фаолият юритувчи корхоналар сонининг кўплиги ва улар ўртасида рақобат курашининг кучайиши фойдани максималлаштиришда рақобатнинг нархсиз усулидан фойдаланиш, инновацияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш заруриятини келтириб чиқаради.

Инновацияларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилиши корхоналарда юқори билим даражасига эга бўлган, янгиликларни тез ўзлаштира оладиган кадрлар мавжудлигини талаб қилади. Бу эса, олий ўқув юртлари ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида кадрлар малакасини ошириш, кадрлар алмашинуви бўйича ҳамкорликнинг кучайишига олиб келади.

Корхоналарнинг инновацияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш билан боғлиқ бўлган ҳаражатларни амалга ошириш учун етарли молиявий маблағга эга бўлиши инновацияларга бўлган талабнинг ошишига хизмат қилади.

Рақобат муҳити етарли даражада шаклланмаган шароитда, асосий эътибор олий ўқув юртларида олиб борилаётган илмий-тадқиқотлар, уларнинг натижалари, яратилган инновациялар тўғрисидаги ахборотни ишлаб чиқарувчи корхоналарга етказиш усулларидан самарали фойдаланишга қаратилиши лозим. Чунки, ишлаб чиқариш корхоналарида инновацияларга нисбатан қизиқишнинг пастлиги, рақобатчи корхоналар сонининг камлиги уларни инновацияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш билан боғлиқ қўшимча ҳаражатларни амалга оширишига тўсқинлик қилади.

3. Олий ўқув юртининг йўналишлари (техника йўналиши, тиббиёт-фармацевтика, қишлоқ хўжалиги, енгил саноат, кимё саноати ва ҳ.к.)

Республикамизда ҳар йили ўтказиб келинаётган “Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар Республика ярмаркаси”га олий ўқув юртлари томонидан тақдим этилган инновацияларни йўналишлар бўйича тақсимланиши таҳлил қилинадиган бўлса, инновацияларнинг асосий қисми саноат йўналишига тўғри келишини кўриш мумкин. Жумладан, 2008 йилда 127 та, 2009 йилда 77 та, 2010 йилда 125 та, 2011 йилда 126 та, 2012 йилда 94 та, жами 549 та инновация саноат йўналиши бўйича тақдим этилган бўлиб, бу олий ўқув юртлари томонидан таклиф этилган жами инновацияларнинг 45,4 фоизини ташкил этади. Шунингдек, олий ўқув юртлари томонидан қишлоқ хўжалиги йўналиши бўйича 356 та, тиббиёт ва фармакология йўналиши бўйича 137 та, ахборот технологиялар бўйича 82 та, фан ва таълим йўналиши бўйича 86 та инновациялар тақдим этилган.

Юқорида фикрлардан келиб чиқиб, мамлакатимиз олий ўқув юртларида инновациялар яратилиши ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш жараёнини янада такомиллаштиришда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш муҳимлигини таъкидлаш мумкин:

1. Олий ўқув юртларида асосий эътиборни кадрлар тайёрлаш билан биргаликда, мавжуд илмий потенциални ривожлантириш, улардан самарали фойдаланган ҳолда инновацияларни яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этишга қаратиш, ушбу жараёнларга талабаларни кенг жалб этиш;

2. Олий ўқув юртларининг улар жойлашган минтақада фаолият юритувчи ишлаб чиқариш корхоналари билан алоқаларини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

3. Олий ўқув юртларидаги лабораторияларни техник жиҳатдан тубдан янгилаш чора-тадбирларини амалга ошириш, алоҳида олинган минтақаларда олий ўқув юртлариаро фойдаланиладиган юқори техника-технология билан таъминланган илмий лабораторияларни ташкил этиш;

4. Олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ва талабаларга бизнесни бошлаш ва уни самарали юритиш билан боғлиқ ўқув курсларини ташкил этиш.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ХОРИЖ ТАЖРИБАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ

А.А.Ўринов, и.ф.н., доцент - ФарДУ
Д.А.Ўринов, катта илмий ходим-изланувчи - ФарДУ
А.А.Орипов, ўқитувчи - ФарДУ

В статье рассматриваются проблемы в процессе трансфера инноваций в Узбекистане и зарубежный опыт их решение.

The article described the problems of innovation transfer process in Uzbekistan and role of foreign experience in solution of these problems.

Глобаллашув жараёни жадал суръатлар билан бораётган, рақобат кураши кучайган ҳозирги шароитда мамлакатлар ўз иқтисодиёти рақобатбардошлигини таъминлаш, унда афзалликларга эга бўлиш мақсадида иқтисодий тараққиётнинг инновацион йўлига таянмоқда. Дунёнинг ривожланган ва жадал ривожланаётган давлатларида асосий эътибор илм-фанни янада ривожлантиришга, мамлакат иқтисодиётини таркибий жиҳатдан ривожлантириш, унда фаолият юритаётган корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилишда илмий-тадқиқот натижаларидан кенг фойдаланишга, юқори интеллект ва технологияга асосланган, юқори қўшимча қиймат яратувчи соҳаларни яратиш ва мавжудларини ривожлантиришга қаратилмоқда. Ушбу мақсадларга эришиш мақсадида ушбу давлатлар ҳукуматлари томонидан илмий-тадқиқот фаолиятини олиб борувчи ва унинг натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, уларни самарали бошқариш билан боғлиқ бўлган инновацион фаолиятни олиб борувчи субъектлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Айниқса, бунда инновацион фаолиятни молиявий маблағлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сўнгги йилларда дунёнинг ривожланган ва жадал ривожланиб бораётган мамлакатларида илмий-тадқиқот ишларига қилинаётган ҳаражатларнинг ушбу мамлакатлар ялпи ички маҳсулотидаги улуши ортиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Бу мамлакатларда илмий-тадқиқот ишларига ҳаражатлар ҳажмига боғлиқ ҳолда патентларга аризалар сони йилдан-йилга ҳам ортиб бормоқда. Жумладан, сўнгги йилларда энг юқори иқтисодий ўсиш кўрсаткичига эришиб келаётган Хитойда резидентлар томонидан патент учун аризалар сони 2010 йилда 2008 йилга нисбатан 50 фоизга, 2009 йилга нисбатан эса 31 фоизга ўсганлиги ва у 293060 тани ташкил этганлигини кўриш мумкин. Шунингдек, АҚШда бу кўрсаткич 2010 йилда 2008 йилга нисбатан 4,5 фоизга, 2009 йилга нисбатан 7 фоизга ошган бўлиб, 241977 тага тенг бўлган.

Санаб ўтилган давлатларнинг бу каби юқори кўрсаткичларга эришишида қуйидагилар ҳал қилувчи омил бўлганлигини кўрсатиш мумкин:

- инновацион фаолиятни ташкил этиш борасида самарали ҳуқуқий базанинг мавжудлиги;
- инновацион фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган инфратузилманинг яратилганлиги;
- фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасида алоқаларнинг мустаҳкамлиги;
- инновацияларни яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этишга саноат корхоналари қизиқишининг юқорилиги;
- инновацион фаолиятни молиялаштириш механизмининг самарали ташкил этилганлиги;

- инновацион фаолият билан боғлиқ ахборот базасининг етарлилиги ва шаффофлиги;
- кичик инновацион бизнес субъектларининг фаоллиги ва ш.к.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий асослар, имкониятлар ва муҳит мавжуд.

Мамлакатимиз ҳукумати томонидан инновацион фаолиятни ташкил этиш борасида қатор меъёрий-ҳуқуқий хужжатлар қабул қилинган. Улар жумласига 2006 йил 7 августдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2008 йил 15 июлдаги "Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 19 январдаги "Халқаро илмий-техникавий алоқаларни ривожлантиришни, халқаро ва хорижий ташкилотлар ва жамғармалар грантлари бўйича илмий дастурлар ва лойиҳаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги қарори, 2009 йил 2 апрелдаги "Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар Республика ярмаркасини ўтказиш тўғрисида"ги №141-Ф фармойиши, 2009 йил 24 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги "Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг "Хўжалик бошқарув органлари ва корхоналарнинг модернизация ва янги технологиялар жамғармаси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори, 2009 йил 29 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг "Илмий ходимларни моддий рағбатлантириш жамғармасини шакллантириш ва маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 12/97/60-КК-сонли қарори каби ҳужжатларни киритиш мумкин.

2008 йил 15 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-№916-сонли қарори қабул қилинди. Қарорда инновацион маҳсулотлар ва технологияларни ривожлантириш бўйича ўрта муддатли истиқболга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, унга кўра ҳар йили "Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар Республика ярмаркаси" ўтказилиши белгиланди.

Шу билан биргаликда, қарорда илмий-амалий ишланмалар ва инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга кенг татбиқ этилишини таъминлаш мақсадида вазирликлар, идоралар, ассоциациялар, компаниялар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг хўжалик бошқарув органлари ва корхоналарнинг модернизация ва янги технологиялар жамғармасини ташкил этиш ва тармоқ ва корхоналарнинг инновацион ривожланиши учун жавоб берадиган таркибий бўлинмаларни, зарурий ҳолларда лойиҳа-конструкторлик бюроларини ташкил этишда кўмаклашиши белгиланди. Хўжалик юритувчи субъектлар соф фойдаси ва амортизация ажратмасининг бир қисми, шунингдек буюртмачилардан мақсадли тушумлар

модернизация ва янги технологиялар жамғармасини ташкил этишнинг молиявий манбаси сифатида белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг "Илмий ходимларни моддий рағбатлантириш жамғармасини шакллантириш ва маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорига мувофиқ фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновация ишларининг илмий-техник дастурларини амалга оширишда қатнашувчи бажарувчи-ташкилотлар учун календарь йилда кўзда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасининг 5 фоизи миқдоридаги бюджет маблағлари жамғарма маблағларини шакллантириш манбаалари этиб белгиланди.

Жамғарма маблағлари илмий-техник дастурлар бўйича лойиҳаларни амалга оширишга аниқ меҳнат ва илмий ҳиссасини қўшган алоҳида фарқланган илмий ходимларни уларга бир марталик мукофот белгилаш йўли билан моддий рағбатлантиришга йўналтирилиши кўрсатиб ўтилди.

Илмий-техник ва саноат соҳасида инновацияларни солиқлар бўйича рағбатлантириш инновацион жараёнларни бошқаришнинг бозор механизмини тўлдирмоқда ва кенгайтириб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига асосан бюджет маблағлари ҳисобидан илмий-техник ва инновацион лойиҳаларни бажарувчи ташкилотлар ҚҚС тўлашдан озод қилинди.

2013 йил бошига республикамизда илмий тадқиқотлар олиб борувчи 400 дан ортиқ ташкилотлар рўйхатга олинган. Сўнгги 10 йил давомида давлат илмий-техникавий дастурларини амалга оширишда 224 та илмий-тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртлари, тажриба-конструкторлик ташкилотлари, илмий-ишлаб чиқариш корхоналари, кичик инновацион марказлар қатнашди.

Ўзбекистоннинг илмий потенциали 36 минг кишидан ортиқни ташкил этиб, уларнинг 2549 нафари фан доктори, 9254 нафари фан номзодлари ва 15,7 мингдан ортиғи тадқиқотчилардир. Илмий-тадқиқот ишлари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига қарашли 45 та илмий-тадқиқот институтларида, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига қарашли 36 та олий ўқув юртида, Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли 34 та илмий муассасасида, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли 30 та илмий муассаса ва олий ўқув юртларида, юқорида санаб ўтилмаган вазирликлар таркибига кирмайдиган 79 та илмий ва инновацион марказлар, шунингдек, лойиҳа, тажриба- конструкторлик ташкилотларида олиб борилмоқда.

Давлат илмий-техникавий дастурларини молиялаштириш учун давлат бюджетидан ажратилаётган маблағ суммаси ҳар йили 25-30% га ошириб борилмоқда. Ушбу дастурларни амалга оширишда ҳар йили 150 га яқин илмий, таълим муассасалари ва тажриба-конструкторлик ташкилотлари иштирок этмоқда. Айни вақтда, ажратилган бюджет маблағларининг 35% га яқини фундаментал, 56% га яқини амалий дастурлар ва 9% га яқини инновацион ишланмаларга тўғри келади.

Бизнингча, республикамизда илмий-техникавий соҳада эришилган ютуқлар билан биргаликда ҳали ўз ечимини кутаётган қатор муаммолар мавжудки, уларнинг ҳал этилиши мамлакатимизда инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш учун хизмат қилади. Ушбу муаммолар қаторига умумлашган ҳолда қуйидагиларни киритиш мумкин:

- инновацион фаолиятнинг барча босқичларини амалга ошириш учун ҳуқуқий базанинг тўла шакллантирилмаганлиги;

- ички бозорда юқори технология ва янгиликларга бўлган тўловга қобил талабнинг чекланганлиги, инновацион бозорнинг шаклланмаганлиги;
- инновацион инфратузилма алоҳида элементлари, инновацион тадбиркорлик ва мустақил инновацион лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаш механизмининг ривожланмаганлиги;
- илмий ташкилотлар, таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги кооперацион алоқаларнинг заифлиги;
- илмий-техникавий янгиликларни инновацион бошқаруви ва тижорийлаштиришнинг замонавий шаклларининг ривожланмаганлиги;
- республикадаги илғор саноат корхоналари инновацион фаоллигининг пастлиги;
- инновацион соҳа информацион шаффофлигининг пастлиги;
- кичик инновацион тадбиркорликнинг паст даражада ривожланганлиги.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз реал сектор корхоналарини модернизация қилиш ва техник янгилашда асосий эътибор хорижий инвестицияларга қаратилмоқда. Рақобатнинг кучайиб бориши, техника-технологияларнинг модернизациялашуви, янги товар ва хизматларнинг қисқа муддатларда яратилиши импорт қилинган техника-технологияларнинг тезкор маънавий эскиришига сабаб бўлади. Шу сабабли, инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш борасида юқорида санаб ўтилган муаммоларнинг самарали ҳал этилиши мамлакатимизда инновациялар импортини камайтирган ҳолда, мамлакат миқёсида инновацияларни яратиш ва амалиётга жорий этиш жараёнларини янада ривожланиши учун хизмат қилади.

ИННОВАЦИЯЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

И.Н. Исманов, Ж.Х. Камбаров - ФарПИ

В данной статье описывается то, что основным условием активизации инновационной деятельности в Республике является финансирование фундаментальных научных исследований.

In this article presents that the main condition for activation of innovative activity in the Republic is financing of fundamental scientific researches.

Маълумки, фан соҳаси ижтимоий ҳаётнинг илмий манбалар асосидаги тараққиёти моделини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга тадбиқ этиш жараёнидаги устивор вазифаларни бажаради. Уни ривожланиши кўп томонлама манфаатларнинг тўқнашуви натижасида содир бўлади. Фанни ривожига ҳисса қўшишдаги ҳар қандай таъсирлар манфаатлар доирасида амал қилади.

Илм-фан тараққиётини географик, тарихий ва ҳамкорлик алоқалари орқали ўрганиш асосида динамик таҳлил этилса, қайси мамлакатда, кайси даврда ёки қайси ҳамкорлик алоқаларида унга кўпроқ инвестиция киритиш натижасида уни тез суръатларда ривожланиб борганлигини кўриш мумкин.

Осиё мамлакатларида инсон капитали малакасини оширишга сарфланаётган кўплаб инвестицияларнинг самарадорлигини ўсиши натижасида инновация маҳсулотлари интенсив ошиб бормоқда. Жанубий Корея, Япония ва Хитой мамлакатларидаги корхоналар томонидан ишлаб чиқилаётган инновацион маҳсулотларнинг жаҳон бозоридаги мавқеи ушбу мамлакатларнинг иқтисодиётини

ривожланишида асосий омиллардан бири ҳисобланади. Автомобил бозорида Хитой, АҚШ, Германия ва Япониянинг, планшетли алоқа воситалари бозорида Samsung ва Apple трансмиллий корпорацияларнинг кучли рақобатлари мазкур бозорларни инновациялар бозорига айланишига олиб келди. Жаҳон бозоридаги ушбу ҳолат халқаро ва маҳаллий инновациялар бозорини шаклланиши ва савдо айланмасини ошиб боришини таъминлаб келмоқда.

Инновация маҳсулотларини кўпроқ фойда келтирадиган қисминигина ривожланиши баъзи тармоқларни бошқа тармоқларга нисбатан тезроқ ўсишига, бошқаларини эса ортда қолишига олиб келади. Бу жиҳат тармоқлар, мамлакатлар ва жаҳон иқтисодиётидаги номутаносибликни вужудга келгириши мумкин. Чунки, жаҳон бозори иштирокчилари ҳамда бошқа манфаатдор шахслар инновация маҳсулотларини истеъмолчиларда тез қизиқиш ўйғотувчи ва кўп фойда келтирувчи қисмини қўллаб-қувватлайди. Янги маҳсулот ёки хизмат турига бўлган талаб паст рентабел ва риски кўпроқ бўлса, бундай инновация маҳсулотларини ва тадқиқотларни молиялаштириш сустлашади. Бу жараён бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиёти ривожланаётган давлатларда фундаментал тадқиқотларга бўлган талабни кўплигига қарамай уларни молиялаштириш ҳолатини пассив бўлишини таъминлайди.

Шунинг учун, иқтисодиёти ривожланаётган давлатларда фаннинг секин ривожланаётган соҳаларида фундаментал тадқиқотларни ташкил этиш ва жонлантириш келажакда инновация маҳсулотларини ассортиментини янада ортишига олиб келади.

Бугунги кунда, фундаментал тадқиқотларни хусусий доирада кам даражада амалга оширилаётганлигини ҳам асосий сабаби, уларнинг натижаси иқтисодий фойда эмас, балки ижтимоий тусга эга бўлган самарани келтиришидир. Фундаментал тадқиқот лойиҳаларини молиялаштиришнинг устувор манбалари сифатида давлат грантлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар маблағи ҳамда турли фонд грантларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Айниқса, ижтимоий-гуманитар, иқтисодий характерга эга фундаментал тадқиқотларни молиялаштиришга бўлган хусусий секторнинг қизиқиши давлат ва нодавлат секторга нисбатан кам улушни ташкил этади. Шу сабабли, Республика миқёсида донор давлат ва халқаро ташкилотлардан, давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлардан лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилган танловларни фундаментал тадқиқотларга қаратиш ва уни такомиллаштириш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Чунки, амалий тадқиқотларга ва кўп фойда келтирадиган рисксиз инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқишдан аввал, фундаментал тадқиқотларни амалга ошириш орқали фаннинг асосий негизини ишлаб чиқиш лозим бўлади. Шу ўринда савол туғилади. Хозирда Республикамизда фундаментал тадқиқотларни амалга оширишда нималарга эътибор қаратиш лозим?

Республикамизда сўнгги йилларда бу соҳада амалга ошириб келинаётган ишлар ўзининг ижобий самарасини кўрсатмоқда.

1-жадвал

Иқтисодиёт тармоқлари кесимида ишлаб чиқарилган инновацион товарлар, ишлар ва хизматлар хажми, млн.сўм[1]

Кўрсаткичлар	**2009 й**	**2010 й.**
Жами	**1660432,0**	**1849026,5**
шу жумладан:		
Саноат	1648601,0	1762157,7

қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	-	3874,8
транспорт ва алоқа	7205,9	61810,1
Қурилиш	18,8	281,7
савдо, умумий овқатланиш ва тайёрлов	1070,2	14310,0
турар-жой хўжалиги	-	95,1
коммунал хўжалиги	-	35,7
соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, ижтимоий таъминот	76,1	149,8
таълим, маданият, санаът, фан ва илмий хизмат кўрсатиш	2487,8	3826,7
бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари	972,2	1007,9
бошқа ноишлаб чиқариш тармоқлари	-	1476,9

[1] *Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан тайёрланди.*

Жадвал маълумотларидан кўринадики, Республика иқтисодиёти тармоқлари кесимида жами ишлаб чиқарилган инновацион товарлар, хизматлар ва ишлар ҳажми йилдан-йилга ошиб бормоқда. Аммо инновация фаолиятига сарфланаётган харажатлар ҳажми ЯИМга нисбатан олиб қараганда, 2010 йилда қарийиб 0,4 фоизни ташкил этган холос. Ушбу кўрсаткич иқтисодиёти риожланган давлатлар қарийиб 1-3 фоиздан иборат бўлади. Шу сабабли, инновация фаолиятига сарфланаётган харажатларни давлат ва хусусий сектор ҳиссасига тўгри келадиган қисмини ошириб бориш илмий тадқиқот фаолиятини ривожлантирибгина қолмай, мамлакатни жаҳон иқтисодиётидаги мақеини янада тикланишига олиб келади.

Инновация маҳсулотлари ёки хизматлари чуқур илмий тадқиқотлар олиб борилиши натижасидаги хулосаларга таянган ишланмалар кўринишида вужудга келади. Бунинг учун аввало, Республикамиз корхоналари ва илмий тадқиқот билан шуғулланувчи бошқа муассасалар учун зарур мавзуларда муаммоларни шакллантириб олиш талаб этилади.

Ҳозирда Республикамизда амалга оширилаётган фундаментал тадқиқотларни молиялаштиришнинг асосий манбаси хорижий фондлар ва Давлат улушига тўгри келмоқда. Бу борадаги хусусий секторнинг улуши жуда ҳам кам ҳисобланиб уни шакллантириш учун бир қатор устивор вазифаларни белгилаб олишга тўғри келади. Шундагина олиб борилаётган фундаментал тадқиқотларнинг самарадорлиги янада ошади. Чунки, ўз молиявий маблагини бу фаолиятга фойда олиш мақсадида сарфлаган инвестор унинг самарадорлигини оширишдан манфаатдор ва уни доимий мониторингини олиб боради.

Фундаментал тадқиқотларнинг самарадорлигини ошиши фақатгина хусусий секторнинг талаби ёки инвестицияси билан ривожланиб қолмайди. Тадқиқотларни амалга оширишни биринчи устивор вазифаси, ушбу соҳада фаолият олиб борувчи тадқиқотчиларнинг малака даражасига ва мутахассислигига қўйиладиган талабаларни жиддийлаштириш зарур. Ҳар қандай фундаментал тадқиқотни самарали амалга ошириш асосланган режа ва муносиб гуруҳни шаклланиши натижасида намоён бўлади.

Фундаментал тадқиқот лойиҳаларини молиялаштиришнинг навбатдаги устивор вазифаси икки томонни манфаатдорлигини таъминловчи ва аниқ ечимга эга бўлган аммо чуқур илмий изланишлар талаб қиладиган муаммолар ва масалалар базасини шакллантириш зарур. Бу борада, давлат миқёсида очиқ муаммолар базасини ташкил этиш ва ҳар бир муаммони ҳал қилиш лойиҳаларининг танловини

мунтазам ўтказиш лозим. Шунда, фундаментал тадқиқотларнинг савияси янада ошган бўлар эди. Чунки, битта муаммони ечими бўйича танловларни эълон қилиниши энг оптимал лойиҳани танлаш имкониятини беради. Агар ҳар бир изланувчилар гуруҳи ўз изланишлари бўйича ишларни амалга ошираверса, баъзи тадқиқотлар умуман самара бермаслиги мумкин. Агар муаммолар базаси ишлаб чиқарувчиларнинг талаб ва истаклари асосида шакллантирилса, инновациялар ва тадқиқотлар бозори ҳам ривожланади ҳамда фундаментал тадқиқотларни молиялаштиришда хусусий секторни ҳам жалб этиш имкониятлари ошади.

Лойиҳаларни молиялаштиришнинг кейинги устивор вазифаси лойиҳа объектини таълим муассасаларидан саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги корхоналарига кўчириш лозим. Ҳозирда халқаро ва ички миқёсда амалга оширилаётган кўплаб фундаментал тадқиқотлар таълим муассалаларида туриб амалга оширилмоқца. Агар муаммони ҳал қилишнинг назарий усуллари ишлаб чиқариш корхоналарининг ўзида синовдан ўтказилса ва тажрибали амалиётчилар билан маслаҳатлашилса, фундаментал тадқиқотларни истиқболда битта йўналишда узлуксизлигини таъминлаган ҳолда амалий тадқиқотларга айлантириш ва самарадорлигини тез вақт ичида ошириш имконияти ҳосил бўлади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, кўплаб ишлаб чиқариш корхоналари фундаментал тадқиқотларни молиялашдан кўра, бор маҳсулотни ишлаб чиқаришни молиялашни афзал биладилар ва натижада инновация фаолиятини ривожланиш даражаси сустлашади. Шу сабабли, инновация фаолиятини Республикамизда янада фаоллаштиришнинг шартларидан бири фундаментал тадқиқот лойиҳаларини молиялаштириш масалаларини янада кучайтириш ҳисобланиб, бунда хусусий секторнинг улушини ошириш лозим. Ҳар қандай инновация маҳсулоти чуқур фундаментал илмий тадқиқотларсиз юзага келмайди. Бунда эса албатта бир қатор устивор вазифаларни ҳал этишга эътиборни қаратиш лозим бўлади.

Шунинг учун мамлакат иқтисодиётини ривожланишига беғараз ўз ҳиссасини қўшиб келаётган Европа иттифоқининг ТЕМПУС дастури фаолиятида ҳам иновацион ва фундаментал тадқиқотларни қўллаб қувватлашга йўналтирилган лойиҳаларни молиялаштириш салмогини оширишга устиворликни бериш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

РАЗВИТИЕ ИННОВАЦИЙ В СИСТЕМЕ УПРАВЛЕНИЯ ПЕРСОНАЛОМ

И.Т.Ёрматов, к.э.н., доцент - ФерПИ

Мақолада персонални бошқаришда ходимларни ташкилот ижтимоий ва иқтисодий барқарорлиги, унумдорлиги ва рақобатбардошлигини таъминлашга хизмат қилувчи аниқ тавсифлар асосида мансабларга белгилаш бўйича инновацияларни ривожлантириш масалалари ёритилган.

The development of innovation in the management of HR and the need for their intended use, with specific characteristics which contributes to social and economic stability, productivity and competitiveness of organizations are described in the article.

Проведенные нами исследования показали, что всовременной национальной экономике Узбекистана концепция инновационного развития имеет многомерный характер, вобравший в себя многие другие идеи: трансформации, рационализации, эволюции, конструктивизма, постмодернизма. Она получила широкое распространение и стала общим местом в ряде социально-экономических наук, в том

числе и в управлении персоналом. В условиях рыночных отношений на любом иерархическом и горизонтальном уровне национального хозяйства также становится очевидной необходимость внедрения инноваций, поскольку дальнейшее развитие базируется именно на качественных преобразованиях. При этом значимость приобретения и применения знаний по природе инноваций, управлению инновационной деятельностью, исследованию систем управления, управлению инновационными системами является весомой составляющей, определяющей конкурентоспособность организаций.

Исследуя инноватику как отрасль знаний, охватывающих широкий круг вопросов от создания новых знаний до их коммерциализации и трансфера, можно выделить 6 ключевых видов деятельности:

- Основы теории инноватики, управление инновациями, управление инновационным бизнесом.
- Управление человеческими ресурсами, управление интеллектуальным трудом, управление знаниями.
- Управление инновационными проектами: создание, маркетинг, логистика и обслуживание инноваций.
- Управление инвестициями и инвестиционными проектами, управление коммерциализацией инновационных продуктов.
- Управление стратегическим развитием и изменениями.
- Управление инновационными рисками.

Изучение сущности категории инновации выявило, что суть данного термина менялась с течением времени, а также в зависимости от цели исследования, и, наиболее успешным на наш взгляд является определение энциклопедического словаря, так как оно наиболее точно отражает инновацию с точки зрения управления. С точки зрения направленности статьи, уточнено определение инновации – это нововведение в области техники, технологий, организации труда или управления, основанное на использовании производственной системы или качества продукции. Однако опыт отечественных предприятий свидетельствует о том, что часто развитие научно-технического прогресса опережает развитие управления персоналом, что требует уточнения понятия инновации. Хочется отметить, что даже, если организация будет внедрять инновации, это не значит, что она достигнет успеха. Данная ситуация связана с отсутствием системного подхода в управлении, а именно в управлении персоналом.

В настоящее время необходимо качественное преобразование деятельности персонала на основе совершенствования системы управления и подходов к организации труда, изменения методов и приемов управления персоналом, оказывающих непосредственное влияние на эффективность труда. Если считать персонал основным элементом организации, то изменение и усовершенствование системы управления персоналом во многом поможет решению проблемы развития организации. Оптимальное использование персонала с точки зрения «управления персоналом» достигается за счет выявления положительных и отрицательных мотивов индивидуумов и групп в организации и соответствующего стимулирования положительных мотивов и погашения отрицательных мотивов, а также анализа таковых воздействий. Управление персоналом является неотъемлемой частью качественных систем управления в концепции контроллинга. Имеет место уточненное понятие инновационной системы, которая представляет собой упорядоченную совокупность звеньев и уровней управления, объединенных единой целью и взаимосвязанных и взаимообусловленных по средствам инновационных потоков и доведением

продуктов (услуг) в заданное место в нужном количестве и качестве. Вместе с этим инновационным развитием системы управления персоналом в организации следует считать гибкую систему управления персоналом, которая учитывает и формирует потребности в работе кадров, которые способны разрабатывать, внедрять и широко использовать инновации.

По нашему мнению, для создания и управления инновационной системой управления персоналом необходим человек, который будет управлять данным процессом. Предполагается, что это должен быть менеджер инновационной системы персонала, реализующий все функции управления. Содержание понятия «менеджер инновационной системы персонала» существенно отличается до сих пор общеупотребительного понятия «управляющий». Современной экономике требуются менеджеры инновационной системы персонала, которые одновременно являются: своеобразными изобретателями, которые преодолевают препятствия, связанные с использованием новых решений, причем не только технических, но и организационных и коммерческих; предпринимателями, которые пользуются монополией на результаты умственного труда, предоставленной ему благодаря приобретению патента, берётся за реализацию чужой идеи, инициирует её практическое осуществление; активными консультантами, которые ориентируют общественное мнение на применение нововведения. Менеджер инновационной системы персонала должен осуществлять все функции управления персонала, а именно планировать, организовывать, мотивировать, адаптировать, оценивать, анализировать и т.д.

Таким образом, стала очевидна роль инновационного развития системы управления персоналом, которая является важным элементом в управлении всей организации и обеспечивающее улучшение качества предоставляемых услуг, необходимых для нормальной жизнедеятельности предприятия, воспроизводства и реализации его рабочей силы. Развитие инноваций в системе управления персоналом поможет добиться стабильности в организации, повысить уровень конкурентоспособности и результативности, что будет способствовать росту экономики страны в целом.

НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ ГОСУДАРСТВЕННОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ ИННОВАЦИОННЫХ ПРОЦЕССОВ

К.И.Курпаяниди, к.э.н., доцент - ФерПИ

В работе проведено исследование влияния государства на инновационные процессы в экономике. Анализируются финансирование государством затрат на НИОКР. Выявлена тенденция между размером государственного сектора и эффективностью инноваций.

In the paper author researches the influence of the sate to innovative processes in economy. Analyzes of state financing of R&D costs are made. A trend was found between the size of the public sector and the effectiveness of innovation.

Активное участие государства в инновационном процессе играет значимую роль в экономическом развитии любой страны. От величины государственного сектора, его текущего состояния, политики и эффективности зависит как состояние экономики страны в целом, так и реализация ее инновационной стратегии. При этом государство влияет на частный сектор через четыре основных инструмента: создание

нормативно-правовой базы; налогообложение; государственные расходы на образование, НИОКР и создание инфраструктуры; регулирование, эффективность и модернизацию государственных услуг.

В проведенном исследовании Института социального и экономического анализа (ЕС) подчеркивается, что государственный сектор определяет успех или неудачи инновационного процесса в той же степени, что и частный сектор[1]. Государственный сектор может быть платформой для частных инноваций предприятий, выступая регулятором, инвестором, покупателем и партнером. Большое влияние здесь оказывают инвестиции государства в фундаментальную науку и инфраструктуру, политику в области образования, защиту интеллектуальной собственности.

В Евросоюзе сегодня на НИОКР тратится примерно 3,3 евро в расчете на жителя, для сравнения в 2000 году эта цифра составляла 1,8 евро. Расходы на НИОКР стран ЕС составляют 1,91% от ВВП (2010 год), США – 1,77%. При этом доля государственных бюджетных расходов и ассигнований на научные исследования в ЕС составляют 1,47% (2011 год), в США – 2,51%, в Японии - 1,83%, в Узбекистане менее одного процента. Доля правительственных исследований в общем числе исследований (2010 год) в Европе является неоднородной и варьируется от 3,1% (Ирландия) до 26,4% (Словения). По данным Евростата количество занятых в науке и разработке технологий в ЕС в общем количестве занятых составляло в 2011 году 42,3% и постепенно увеличивается (в 2006 году было 38,6%). При этом значение сильно варьируется по странам: от 54% в Швейцарии и Норвегии до 25-27% в Румынии и Португалии. Неуклонно растет число студентов-докторантов в научных и технологических областях: число таких студентов в возрасте 20-29 лет с 2000 по 2009 год в среднем выросло на 17,5%. Средняя годовая зарплата научно-педагогических кадров в государственных вузах ЕС составляет 42470 дол., в США – 48446 дол[2]. Количество занятых в высоко и средне высокотехнологичной индустрии в общем объеме занятых составляло по ЕС в 2007году – 6,67%, в Германии – 10,72%, во Франции – 5,92%.За патентами на науку и изобретения в 2010 году в среднем по странам ЕС обратилось 109,2 человека (в расчете на миллион жителей), в том числе в Германии – 267,48, во Франции – 135,27.

Производительность труда в Узбекистане, так и в странах СНГ на порядок ниже, чем в развитых странах. Внутренние затраты на развитие и инновации в Узбекистане не превышают 1% от ВВП и в основной массе финансируются за счет государственного бюджета. При этом государство не является основным исполнителем НИОКР.

В настоящий момент, финансовая поддержка со стороны государства научно-исследовательских организаций и работ ведется по следующим направлениям: в виде грантов; налоговых льгот; открытой политики государственных закупок; государственно-частное партнерство. Основная проблема при этом заключается в создании эффективных конкурентных механизмов распределения государственного финансирования. Несмотря на значительные средства, выделяемые государством, вопрос о достаточности финансирования научных исследований и разработок не теряет своей актуальности. По нашему мнению, существует связь между размерами государственного сектора и эффективностью инноваций и модернизации экономики страны. Однако характер этой связи не является четко установленным. С одной

[1] Sanchez A.M., Bermejo L.R. Public sector performance and efficiency in Europe the role of public R&D/ Institute of Social and Economic Analysis. № 1, 2007.

[2] http://epp.eurostat.ec.europa.eu/portal/page/portal/government_finance_statistics.

стороны, проведённые в странах Европы исследования, показали, что страны с меньшей долей государственного сектора (государственные расходы менее 40% ВВП) показывают лучшее экономическое состояние, чем страны с большой (более 50%) и средней долей государственного сектора (40-50%). С другой стороны, большое влияние здесь оказывают эффективность самого государственного сектора, сложившиеся институциональная структура и среда.

Особенности инновационного процесса в национальной экономике Узбекистана проявляются не только в преобладании государственных источников финансирования НИОКР, но также в:

- наличии резкого контраста между передовыми высокотехнологичными предприятиями и предприятиями с очень низкой производительностью труда и слабым стремлением к инновациям;
- направленности инновационной политики «сверху-вниз» и с одновременной раздробленностью инновационной структуры.

Эксперты отмечают, что у нас есть все элементы инновационной системы, необходимые для ее функционирования, однако они слабо связаны между собой, либо вообще не связаны. Не построена «тройная спираль» - эффективное взаимодействие государства, науки и бизнеса по горизонтали и обмен функциями.

С точки зрения поощрения инноваций в малом бизнесе, первоочередным шагом в этом направлении должно быть пробуждение интереса данного сектора экономики к внедрению инноваций на основе спирали: «разработка и внедрение инноваций – снижение себестоимости продукции – увеличение прибыли». Вторым шагом должно стать паритетное участие государства в финансировании инновационного процесса и максимальное облегчение доступа малого и среднего бизнеса к государственным финансовым ресурсам. Целесообразно применять здесь такие инструменты как долгосрочный лизинг оборудования и государственные заказы. Для облегчения привлечения внешнего финансирования путем размещения акций на бирже могут использоваться инструменты налоговой политики.

В части финансирования ВУЗов и НИИ наряду с другими мерами необходимо разработать методику оценки эффективности действующих программ финансирования НИОКР и сопоставлять величину затрат на финансирование с результативностью исследовательской деятельности.

При объективно необходимой определяющей роли государства на современном этапе развития экономики Узбекистана, осуществление инновационной стратегии возможно лишь совместными усилиями государства и частного капитала, потенциал которого как минимум не уступает государственному сектору.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

К.Р.Хонкелдиева, талаба - ФарДУ

В данной статье особое внимание уделено вопросам повышения эффективности связей производства, научных инноваций и развития высших учебных заведений.

In this article a specific attention is given to issues of improvement of efficiency of cooperation between production, scientific innovations and development of higher educational establishments.

Илм-фан ва замонавий технологияларни ривожлантириш Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини амалга ошириш борасида ҳал этилиши лозим бўлган устувор вазифалардан бири саналади.

Олий ўқув юртларининг инновацион фаолияти учун зарур потенциални шакллантириш механизмини яратиш ва уни амалиётга татбиқ этиш учун назаримизда бир қатор масалаларни ҳал этишга тўғри келади. Жумладан олганда, олий ўқув юртларининг инновацион потенциалини характерловчи турли хилдаги маълумотлар банкини ташкил этиш; таълим муассасаларининг инновацион потенциалини шакллантиришга йўналтирилган лойиҳаларни молиялаштириш; инновацион фаолият учун зарур ресурслар билан таъминлаш жараёнлари қандай амалга оширилишини аниқлаб олиш; айни пайтда мавжуд бўлган информацион, иннновацион лойиҳаларга дахлдор информациялар базасини яратиш; олий ўқув юртининг инновацион фаолиятини тизимли таҳлил қилиш; мамлакатимиз миқёсидаги инновацион фаолиятларни ривожлантиришнинг комплексли дастурларини ишлаб чиқиш; амалга оширилиши мўлжалланган ва реализация қилинаётган инновацион лойиҳаларнинг мониторинг тизимини шакллантириш ва ниҳоят, конкурс асосида танлаб олинган инновацион дастурларнинг амалга оширилишини ташкиллаштириш.

Республикамиз иқтисодиётини такомиллаштириш ва жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялаштириш учун мамлакатимиз олий ўқув юртларининг илмий потенциалидан ўринли фойдаланиш зарур. Ўз навбатида, бу масала регионал миқёсларда амалга ошириладиган инновацион ва илмий-техник сиёсатни юритиш борасида қилиниши лозим бўлган ишлар тизимида олий ўқув юртларининг инновацион потенциали тутган ўринни белгилаб беради.

Олий ўқув юртида амалга ошириладиган инновацион фаолият негизида учрайдиган ва келгусида бартараф этилиши лозим бўлган асосий камчиликларни қуйидагича таърифлаш мумкин:

- олий ўқув юртларида амалга оширилаётган илмий-техник, инновацион лойиҳа ва дастурларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ишларни мувофиқлаштириш яхши йўлга қўйилмаган;
- олий ўқув юртларида амалга оширилаётган инновацион фаолиятнинг пировард натижалари қанчалик самарали эканлигини аниқ билиб олиш учун керакли информациялар тўлиқ эмас;
- амалда аниқ мақсадга йўналтирилган маркетинг фаолияти ривожлантирилмаган;
- олий ўқув юртларида интеллектуал мулкни ҳимоялашга қаратилган муносабатлар тизими қарор топмаган;
- олий ўқув юртларида инновацион лойиҳаларни амалга ошириш ва инфратузилмани ривожлантириш ишларини молиялаштириш учун бюджетдан ташқари манбаларни излаб топишга йўналтирилган конкрет ҳаракатлар етарли эмас.

Юқорида санаб ўтилган мақсадларга эришиш учун қуйидаги вазифаларни ҳал этишимиз лозим бўлади:

- Республикамиз олий ўқув юртлари ва айрим регионларининг ўқув-илмий-ишлаб чиқариш потенциалини тўлиқ намоён бўлишига эришиш ҳамда маҳаллий даражадаги муаммоларнинг ечимини топиш мақсадида олий ўқув юртларида яратилган устувор аҳамиятли инновацион лойиҳалар ва дастурларнинг реализациясини таъминлаш учун қулай шарт-шароитлар яратилишига, инновацион фаолиятни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланишига эришиш;

• олий ўқув юртлари негизида шакллантирилган кичик кўламли илмий-инновацион тадбиркорлик инфратузилмаси асосида ўзаро боғланган, хатти-ҳаракатлари мувофиқлаштириладиган технопарклар, инновацион-технологик марказлар, бизнес-инновацион марказлар, савдо уйлари, бизнес инкубаторлар, турли хил жамғармалар, банклар ва корхоналарнинг корпоратив тизимини ривожлантириш;

• олий ўқув юртлари негизида амалга оширилган илмий-техник ҳамда интеллектуал фаолият натижаси сифатида вужудга келадиган инновацияларнинг энг рақобатбардошлиги ва фойдалилигини саралаб олиб бозорга чиқариш учун танловлар тизимини татбиқ этиш.

• олий ўқув юртлари негизида инновацион фаолият билан шуғулланувчи барқарор меҳнат жамоаларининг региондаги корхоналар, ташкилотлар, тадбиркорлик ва бошқа турдаги иқтисодий тузилмалар билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳакамлаш.

Олий ўқув юртининг илмий инфратузилмаси доимий равишда ривожлантирилиши ва такомиллаштирилиши лозим. Бу жараёнларни баҳолаш учун олий ўқув юрти негизида ташкил этилган ва амал қилаётган илмий мактабларнинг салмоғини ҳисоблаб чиқиш даркор.

ФАН–ТАЪЛИМ–ИШЛАБ ЧИҚАРИШ УЧЛИГИДА ТАЪЛИМНИНГ ЎРНИ

М.Уралова - ФарДУ

В статье дан анализ роли образования в треугольнике наука-образование-производство.

The analyses of role of education in triangle «science-education-production» is described in the article.

Ҳар қандай инновация яратилишига объектив эҳтиёжларнинг шаклланиб қолиши туртки бўлади. Юқори технологиялар асрида инновациялар трансфери ғояси, механизмини яратилиши ҳам объектив зарурат бўлиб қолди. Глобаллашув жараёнининг жадал кечиши, кўплаб мамлакатлар иқтисодий инқирозга юз тутиши жаҳон иқтисодиётида рақобатнинг янада кучайишига олиб келмоқда. Бу рақобатда юқори самарадорликни таъминловчи илғор технологияларга эга бўлган ишлаб чиқаришгина ғолиб чиқиши мумкин. Айнан шу сабабдан дунёда инновацияларга бўлган эҳтиёж тобора ошмоқда. Бу эҳтиёжни қондириш учун турли мамлакатларда турлича механизмлар ихтиро қилиниб, амалиётга татбиқ қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан ишлаб чиқилган ва изчил олиб борилаётган иқтисодий сиёсат мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ривожланишини таъминламоқда. Мамлакатдаги ишлаб чиқариш корхоналар самарадорлигини ошириш учун инновациялар трансферини тўғри йўлга қўйиш ушбу сиёсатнинг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

2010 йилдан бошлаб Фарғона давлат университети, Фарғона политехника институти қошида Инновациялар трансфери марказларининг очилиши Ўзбекистонда бу соҳадаги ишларнинг изчил олиб борилаётгани, инновацион ривожланиш ғоялари халқ онгига тобора кенгроқ кириб бораётганидан далолат беради. Инновациялар трансфери марказларининг асосий мақсади инновацияларни яратиш ва татбиқ этишда бевосита қатнашувчи учлик: фан – таълим - ишлаб чиқаришни ўзаро боғлаш ва уларнинг ўзаро ҳамкорлигини самарали ташкиллаш, барқарорлигини таъминлаш.

Фан – таълим - ишлаб чиқариш учлигида таълим компонентни махсус ўрин эгаллайди. Европа ҳамжамиятининг TEMPUS дастури доирасида амалга оширилган UnIvEnt ҳалқаро лойиҳаси фаолияти давомида:

- инновацияларни яратиш ва татбиқ этишда таълим компонетининг вазифаси, имкониятлари ва хусусиятларини ўрганиб чиқиш;
- таълим соҳаси вакилларини инновациялар яратиш фаолиятига жалб қилиш йўлларини излаб топиш;
- инновацион фаолият олиб бориш учун зарурий кўникмаларни ривожлантиришнинг самарали йўлларини аниқлаш устида мақсадли изланишлар олиб борилди.

Ушбу изланишларнинг дастлабки босқичида Инновациялар трансфери ҳодимлари талабаларнинг илмий тадқиқотларга бўлган қизиқишлари даражаси, уларда тадқиқотчилик кўникмаларини ривожланганлик даражаси таҳлилини ўтказдилар ва бу борада Марказ томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган фаолият стратегиясини ишлаб чиқдилар. Бу йўналишдаги ишлар тренинг, иқтидорли талабаларни бевосита чет эл тажрибаси билан таништириш, кичик инновацион гуруҳдаги ишлар, якка тартибдаги консультациялар шаклида олиб борилиши белгиланди ва лойиҳа давомида белгиланган барча ишлар режа асосида бажарилди.

UnIvEnt лойиҳасида иштирок этувчи барча олий таълим муассасаларида таркиби тадқиқотчи олим - ишлаб чиқариш вакили - талабадан ташкил топган кичик инновацион гуруҳлар шакллантирилди. Инновацион гуруҳлар ишлаб чиқаришда мавжуд эхтиёжни қондиришга қаратилган илмий муаммони аниқлаб, унинг ечимини топишга қаратилган фаолиятни олиб бордилар.

Тадқиқотчиларда изланишлар доирасида ўтказилиши лозим бўлган амалий тажрибалар бевосита ишлаб чиқариш корхонасида, фермерлик хўжалигида, реал таълим муассасасида амалга оширилилди. Бу тадқиқот натижаларини юқори даражада ишончли бўлиши, иқтисодий ҳаражатларни талаб қилмаслигини таъминлади. Бундай тадқиқот ишларига жалб қилинган талабаларда тадқиқотлар ҳақида реал тасаввур ҳосил бўлди. Изланишлар натижалари Республика ҳамда халқаро нашрларда чоп этилган илмий мақолалар тўпламлари, талабаларнинг битирув малакавий ишлари, мустақил таълим ишларида ўз аксини топди.

Инновациялар трансфери марказлари ҳодимлари тадқиқотчиларни ишлаб чиқариш вакиллари билан боғлаш, илмий тадқиқотни самарали ташкиллаш вазифаси билан бир қаторда талабаларда илмий тадқиқотларни самарали олиб бориш учун зарурий кўникмаларни ривожлантириш, уларнинг ижодий қобилиятларини ўстириш мақсадида махсус тренингар ташкилладилар.

Тренинглар мақсади қуйидагича белгиланган: талабаларда илмий изланишлар олиб бориш, инновациялар яратиш ва уларни татбиқ этиш учун керак бўлган билимларни кенгайтириш ҳамда зарурий кўникма, малакаларни шакллантириш. Тренинглар интерфаол таълим технологияси асосида ташкилланиб, магистрантлар берилган вазифаларни мустақил бажардилар.

Тренингларни UnIvEnt халқаро лойиҳаси консультантлари олиб бордилар, машғулотларда табиий ва аниқ фанлар мутахассислиги магистрантлари уларга таълим берувчи профессор-ўқитувчилар қатнашдилар. Тренинглар бир неча босқичда ўтказилиб, талабаларни илмий журналлар билан самарали ишлаш, маълумотларни таҳлил қилиш, ҳамкорликда илмий муаммоларни аниқлаш ва шакллантириш, тадқиқотларни режалаштириш, муаммолар ечишнинг муқобил йўлларини ишлаб чиқиш бўйича малакаларини оширдилар.

Тренинглар магистрантларда илмий изланишлар натижаларини акс эттирувчи тақдимотларни яратиш ва уларни тақдим этиш кўникмаларини ривожлантириш учун ҳам аҳамиятли бўлди.

Тренинг мониторинги натижалари таҳлили магистрантлар ҳамда тренингда иштирок этган профессор–ўқитувчиларнинг ушбу тадбирларни университетда инновацион фаолиятни такомиллаштиш учун юқори аҳамиятга эга, деб баҳолаганлигини кўрсатди.

ЗАМОНАВИЙ ИННОВАЦИЯЛАР ТРАНСФЕРИ МАРКАЗЛАРИ ФАОЛИЯТИ ХУСУСИЯТЛАРИ

М.Уралова, Х.Саттарова - ФарДУ

В статье приведены результаты изучения Центров трансфера инноваций ряда европейских стран, Узбекистана и Азербайджана, проведённого в процессе деятельности международного проекта UnIvEnt программы TEMPUS.

The article presents results of analysis of Centres of Transfer of Innovation in some European countries, Uzbekistan and Azerbaijan. This analysis was a part of activity of international UnIvEnt TEMPUS project.

Кучли рақобат шароитида инновациялар ўртасида ҳам рақобат мавжуд. Шундай экан ўз инновацияси орқали даромад олмоқчи бўлган кашфиётчи ҳамда у билан ҳамкорликда иш олиб бораётган корхона ўз инновацион маҳсулотини кенг тарғиб қилишга ва уни имкон борича тезроқ бозорга олиб чиқишга мажбур. Бунинг учун инновация яратувчилар тарғибот фаолиятини ким ва қайси тартибда амалга ошириши кераклигини аниқ тасаввур қилишлари лозим.

Одатда инновацион фаолиятга бир неча иштирокчилар жалб қилинган бўлади: илмий-тадқиқот институтлар, ишлаб чиқариш корхоналари ва технологиялар трансфери билан шуғулланувчи воситачи-ташкилотлар. Воситачи-ташкилотлар сифатида давлат марказлари, ишлаб чиқариш корхоналарининг махсус бўлинмалари, Инновациялар трансфери марказлари (ИТМ) ҳамда консалтинг ёки ахборот хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар фаолият юритиши мумкин.

Инновацияни яратиш ва уни маълум бир мантиқий якунга етказиш узоқ муддатли, кўп босқичли, мураккаб жараёндир. Унинг якуний босқичида инновацион маҳсулотни ўтказиш тизимларини яратиш, қўшимча маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, реклама кампанияларини ташкиллаш зарурати вужудга келади. Бу ишларни айнан юқорида кўрсатилган воситачи ташкилотлар – Инновациялар трансфери Марказлари амалга оширади.

TEMPUS дастури UnIvEnt халқаро лойиҳаси фалияти давомида лойиҳада вакиллари иштирок этувчи барча мамлакат, яъни Германия, Испания, Португалия, Ўзбекистон, Озарбайжондаги ИТМлар фаолиятини яқиндан ўрганиб чиқилди. Бу фаолият натижасида ҳар мамлакатдаги ИТМларнинг ўзига хосликлари борлиги аниқланди ва илғор тажрибалари умумлаштирилди. Ушбу маълумотлар барча мамлакатлар, шу жумладан, ҳозирда Ўзбекистонда иш юритаётган ҳамда ўз фаолиятини янги бошлаётган ИТМлар учун фойдали бўлади. Шу боис мақоламизни илғор тажрибаларни ёритишга бағишладик.

ИТМларнинг асосий мақсади турли мулкчилик шаклидаги корхоналарга инновацион технологияларни татбиқ этишда юқори малакали мутаҳассисларни жалб

этган ҳолда консалтинг, маркетинг, ахборот хизматлари ва эксперт ёрдамини кўрсатишдир.

ИТМлар билан ҳамкорлик турли шаклларда амалга оширилиши мумкин. Бугунги кунга кўп учрайдиган шакллар бу инновация эгасидан ишлаб чиқариш корхонасига лицензия ҳамда "ноу-хау"ни ўтказиш. Бундан ташқари, ИТМлар инновацион ғоя, лойиҳаларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш бўйича инжиниринг, муҳандислик-техник хизматларни ҳам амалга оширадилар.

ИТМларда:

- жиҳозлар ҳамда илғор технологияларни етказиб берувчи компаниялар, банк ва лизинг компаниялар билан ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлади;
- минтақа корхоналари ҳақида маълумотлар банки яратилади;
- татбиқ қилиш учун аниқ бизнес-режалари ишлаб чиқилган инвестицион лойиҳалар банки мавжуд бўлиб, у узлуксиз тўлдириб борилади;
- бу ерда иқтисодий таҳлил, маркетинг ва ахборот технологиялари соҳаси мутаҳассислари фаолият олиб борадилар;
- ИТМларда амалга оширилувчи хизматлар моделаштириш, статистик таҳлил ва прогноз, молиявий-иқтисодий таҳлил усуллари қўлланилади.

ИТМлар инновациялар ҳақидаги маълумотларни турли нашрларда чоп эттириш, истак билдирган мутаҳассисларга инновацион корхонада стажировкадан ўтиш, турли семинар ва кўргазмаларда иштирок этиш бўйича ҳам хизматларни амалга оширади. Бу инновация яратувчиларни нашриёт қидириш ва кўргазмадаги иштирок билан боғлиқ ишларга кетадиган вақтини тежайди.

ИТМ хизматларининг яна бир тури бу инновация ҳақида ахборот варақалари ва шунга ўхшаш воситаларни қўллаган ҳолда инновацион маҳсулотни тарғиб қилиш. Бу фаолият нафақат истеъмолчиларга маълумотни етказиб беришга хизмат қилади, балки келгусида ушбу маълумот асосида бошқа инноваторлар томонидан янада такомиллашган инновацияларни яратилишини келтириб чиқариши мумкин.

Инновациянинг даромад олишга йўналтирилган тарғибот шакли фойда олишни назарда тутади. Бундай трнсфернинг энг оддий йўли бу технология, интеллектуал мулк, патент, инновацион маҳсулотнинг қўшимча техник жиҳозини сотиш ҳамда уни ишга тушуриш билан боғлиқ маълум пулли хизматларни амалга оширишдир (масалан, янги технологияни ҳарид қилиб олувчи корхона ишчиларини уни ишлатишга ўргатиш).

Бугунги кунда ИТМларнинг жадал ривожланаётган ҳамда муҳим йўналишларидан бири бу илмий-тадқиқот билан шуғулланувчи институтлари ҳамда ишлаб чиқариш корхоналарининг ўзаро боғлаш. Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати инновацияларни яратиш ва татбиқ этиш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари ҳамда илмий-тадқиқот институтларини ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда.

Фарғона давлат университети ва Фарғона политехника институтида ташкилланган ИТМлар "Фарғона-Азот", "Фарғона Ёғ-Мой" ОАЖлари каби йирик корхоналар ҳамда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш Маркази Фарғона вилоят бўлими, Ўзбекистон республикаси Савдо-саноат Палатасининг Фарғона вилояти бошқармаси, Фарғона вилоят "Тадбиркоа аёл" уюшмаси ва "Келажак овози" ташаббускор ёшлар Маркази Фарғона бўлими билан ҳамкорлик ишларини олиб бормоқдалар. Келажакда ҳамкорлар сонининг ортиши, хизматлар кўламини кенгайиши кутилмоқда. Шубхасиз, бу лойиҳа барқарорлигини таъминлайди ва минтақамиз иқтисодиётини янада ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

ВОПРОСЫ ЭФФЕКТИВНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИННОВАЦИОННОГО ПОТЕНЦИАЛА В РАЗВИТИИ РЕГИОНА

Муслум Джаббарзаде
доктор философии по экономике, доцент -
Нахчиванский Государственный Университет, Азербайджан

Мақолада Озарбайжон минтақаларининг иқтисодий ривожланиш даврида инновацияларнинг роли ва аҳамиятини асослаб берувчи илмий таҳлил амалга оширилган.

In the article scientific analyses proving the role and importance of innovations in the modern stage of economic development in Azerbaijan's regions have been conducted. Scientific views on solving problems in the direction of formation of innovative economics were put forward. Based on scientific analysis the importance of effective employment of the scientific potential for activation of innovation processes have been valued.

За 22 года независимости страны продолжительное улучшение экономической ситуации создает новые возможности и перспективы в экономике. В то же время в мире ускоряется процесс создания информационного общества. Поэтому формирование нового типа экономики, эффективное использование креативного труда и инноваций в республике, которая ускоренно интегрируется в мировую экономику, считаются важными направлениями.

Сегодня уже нет сомнений, что технологическое развитие и инновации превратились в длительную движущую силу экономического роста. Учет этого фактора в экономическом и социальном развитии страны в четкой форме выражается в важных государственных программах и документах, принятых в последние годы.

В Распоряжении Президента Азербайджанской Республики господина Ильхама Алиева о разработке Концепции Развития «Азербайджан 2020: взгляд в будущее» от 29 ноября 2011-го года говорится: «В настоящее время Азербайджан вступает в новую стадию развития. Основная цель этой стадии формирование разветвленной, эффективной и инновационной экономики, обеспечение опережающего тренда развития в социальной сфере, доведение благосостояния населения до уровня соответствующего достойным, передовым международным стандартам, а также приобретение новых достижений в развитии науки, культуры, во всех направлениях общественной жизни».

Создание информационного общества и устойчивой к конкуренции, высокотехнологичной национальной экономики превратилось в приоритетное направление экономической политики ряда государств. В настоящее время все развитые с экономической точки зрения страны, в том числе европейские страны считают очень важным стабильное сохранение достигнутых в своей экономике высоких показателей и использование возможностей инновации для перспективного экономического развития.

Все это факторы, подтверждающие повышение роли и значения инноваций в экономике. Считаем, что на современном этапе развития нашей экономики при разработке программ регионального развития, в ряду возможностей сбалансированного развития регионов, рассматривание вопросов эффективного использования их инновационного потенциала также играет важную роль. При разработке программ регионального развития анализ практики различных стран и

просматривание внедренных региональных инновационных программ увеличивает вероятность эффективности исполнения этих программ.

В современных условиях в нашей стране и в его регионах препятствия для инноваций делятся на внешнюю и внутреннюю части. Внешние препятствия состоят из недостаточно развитой инфраструктуры, недостаточности знаний в имеющейся области, отсутствия возможностей овладения ими, устаревшего законодательства, общей невнимательности к талантам в обществе. К внутренним препятствиям относятся серьезные организационные требования и процедуры, консерватизм, недостаточность кругозора, интерес к сохранению старых порядков, неприятие идей других людей, отсутствие желаний и мотиваций к риску.

При разработке региональных инновационных программ необходимо учитывать то, что созидательные разработчики и итоги их деятельности могут оцениваться лишь в долгосрочной перспективе. Менеджеры, управляющие инновационной деятельности не должны надеяться на серьезный, всесторонний контроль. Методы, внедряемые для повторяющихся, охраняемых операций при контроле над созидательной деятельностью могут быть полностью неадекватными. Поэтому для достижения успешного исполнения инновационной политики очень важно выполнение принципов приоритетности, комплексности, эффективности, экологической безопасности, регионального подхода.

Цель в управлении инновациями в масштабе всей организации состоит в выдвижении новых идей, генерировании, в контролировании и вынесении на рынок итогов, полученных путем оценивания. В основе управления инновациями стоит сбалансированное сотрудничество ответственных за итоги деятельности новаторов и организации. Для эффективного управления созидательными процессами менеджеры должны найти и устранить препятствия на пути использования инноваций, а также, защищая индивидуальную, групповую инновационную предприимчивость, создавать в организации отношения сотрудничества в направлении инноваций. С этой точки зрения показатели региональной эффективности национальной инновационной системы разрабатываемых в будущем программ, а также разработка и проверка стойкого развития инноваций посредством индикаторной системы могут дать возможность в достижении серьезных итогов.

Всесторонняя инновация – стремление проведения в жизнь содержательных, целенаправленных изменений в экономическом и социальном потенциале предприятия за счет создания и внедрения новых идей. Инновации могут появиться как итоги требований к продукции и процессам, имеющихся несоответствий, изменений в отдельных областях экономики, демографического развития и новых знаний. Поэтому должны быть определены все приоритетные направления региональной инновационной программы, влияющие на стойкое развитие, а также должны быть учтены мероприятия, считающиеся необходимыми для претворения в жизнь.

Глобальные призывы, связанные с развитием экономики знаний требуют превращения высших учебных заведений в активные субъекты инновационного развития страны и регионов. Из деятельности высших учебных заведений в традиционных сферах – образование и научно-исследовательские работы, кроме внедрения их в экономику на современном этапе имеют еще одну ответственность, другими словами «третья миссия» университетов исходит из необходимости формирования современной инновационной инфраструктуры.

На современном этапе мировые университеты наряду с традиционными функциями как претворение в жизнь подготовки кадров, выполнение научно-исследовательских работ, выполняют также функцию распространения инноваций.

Учитывая это необходимо отметить, что активирование инновационной деятельности возлагает на университеты страны, а также на университеты расположенные в регионах важные задачи. На самом деле современные университеты должны выполнять такие функции, как поиск и реализация целенаправленных инновационных проектов; создание на основе научных работ высших учебных заведений полосы малых инновационных предприятий; передача научных достижений и новых технологий предприятиям страны; разработка привлекательных проектов для привлечения в страну международных и местных венчурных капиталов; оказание научной и идейной помощи в создании инфраструктуры, поддерживающей инновационную деятельность; обеспечение инновационной деятельности кадрами.

Действующие в нашей стране передовые высшие учебные заведения в центре и регионах должны в активной форме осуществлять деятельность в направлении создания и внедрения инноваций. Широкая материально-техническая база университетов и большой научный потенциал уже позволяет выполнять фундаментальные научно-исследовательские работы с высоким качеством. Самые последние достижения в образовании и в технологии внедряются в аудиториях. Одним словом, развитие в университетах инновационной среды играет важную роль в формировании нового поколения креативного мышления, а это дает возможность использования этого потенциала в разработке региональных инновационных программ.

По нашему мнению, укрепление в последние годы экономического, социального и интеллектуального потенциала страны, построение экономики, опирающейся на информацию и знания и устойчивой к конкуренции, проведение в стране широкомасштабных работ в направлении создания рынка информации и знаний формируют прочную базу для расширения инноваций. Целенаправленные мероприятия, проводимые в жизнь в направлении стимулирования широкого внедрения инноваций в государственном и частном секторах экономики, в том числе методические средства, служащие созданию научных основ инновационных программ, подготовка рекомендаций и указаний может дать толчок формированию новой, инновационной структуры экономики.

МАДАНИЯТ РИВОЖЛАНИШИДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ЎРНИ

Р.Хасанова, катта илмий ходим-изланувчи - ЎзМУ

Мустақиллик йилларида давлатимиз раҳбарияти томонидан миллий маданиятимизни ривожлантириш масалаларига алоҳида аҳамият қаратилди. Жумладан, тарихий обидаларимизни сақлаш ва уларни келгувси авлодга етказиш, урф-одат ва анъаналаримиз моҳиятини ёш авлод онгига сингдириш ва уларга қадриятли муносабат билдириш руҳида тарбиялаш, ота-боболаримиз томонидан бизга қолдирган моддий ва маънавий меросини сақлаш ҳамда таълим тизимини ислоҳ қилиш жараёнида улардан унумли фойдаланиш каби масалаларига эътибор кучайтирилди.

Мазкур харакатлар миллий маданиятимизни ривожлантириш, миллийликни сақлаш ҳамда моддий ва маънавий меросимизни асраб авайлашга хизмат қилади десак муболаға бўлмайди.

Мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб, республикамизда миллий маданиятимизни ривожлантириш учун таълим тизимида илк ислоҳотлар олиб борилди. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисидаги” қонуни “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг ишлаб чиқилиши бунга мисол бўлади.

Бу қонун ва дастурларнинг ишлаб чиқилишига сабаб, биз яшаётган тизимнинг ўзгариши, ижтимоий ишлаб чиқариш ва мулкка бўлган муносабатнинг ўзгариши, эски мафкура ва қарашнинг янги шароитга жавоб бермаслиги ҳамда таълим муассасаларида олиб борилаётган тадбирлар жаҳон андозаларига мос равишда ташкил қилинмаганлигидир.

Шу боис, талабаларга миллий ва умуминсоний қадриятлар, ҳис-туйғуларини сингдирган ҳолда уларни ҳар томонлама баркамол, чуқур билимга эга мутахассис этиб тайёрлаш мақсадида ушбу қонун ва дастурлар ишлаб чиқилди.

Ҳозирги кунда республикасидаги барча олий таълим муассасалар томонидан хорижий давлат олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик ўрнатиш ва уларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш мақсадида икки давлат олий таълим муассасалари ўртасида шартнома ва Англашув меморандумлари имзоланмоқда. Мазкур шартнома ва Англашув меморандумлар профессор-ўқитувчи ва талабаларнинг хорижий давлатларда малака ошириш, тажриба алмашиш мақсадига қаратилган бўлиб, таълим тизимини ислоҳ қилишнинг бардавомийликда амалга оширилаётганлигидан далолат беради.

Ҳар бир амалга оширилаётган ислоҳотлар замирида албатта миллий маданиятимизни ривожлантириш масалалари ётибди. Чунки, маданиятни ривожлантириш босқичлари аввало уч босқичда амалга оширилади.

Биринчи босқич, мамлакатимиз аҳолиси, айниқса, ёшларни маърифатли бўлишга чорлаш. Китоб ва газеталар ўқиш, тил ўрганиш, касб-ҳунар танлаш каби харакатлар инсонларни маърифатли бўлишга етаклайди. Маърифат тушунчаси арабча “арафа” феълидан олинган бўлиб, у билиш, билим, маълумот, таниш, танишиш маъноларини англатади. Умуман унинг луғавий маъноси билимдир. Атама сифатида эса у табиат, жамият ва инсон моҳияти ҳақидаги турли туман билимлар, мажмуасини билдиради. Маърифатли билимли, муайян соҳада маълумоти бор, дегани бўлиб, инсонпарварлик маънавияти заминидагина ўз моҳиятига эга бўлади.

Иккинчи босқич, ёш авлодларни баркамол инсон қилиб тарбиялаш. Яъни: таълим тизимига аҳамиятни кучайтириш. Маънавият тушунчаси арабча (маънолар мажмуи) сўзидан олинган бўлиб, кишиларнинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадиий, аҳлоқий, диний тасаввурлари ва тушунчалари мажмуидан иборат. Президентимиз И.А.Каримов ўзининг “Юксак маънавият-енгилмас куч” китобида “Маънавият инсониятнинг руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, оламнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир” дея таъриф беради.

Учинчи босқич, ёш авлодларни маданиятли бўлишига чорлаш. Ота боболаримиздан қолган урф-одат ва анъаналармизни тарғиб қилиш ёрдамида тарбиялаш. Мазкур уч босқич маданиятни янада ривожлантиришга ёрдам беради. Маданият тушунчаси юқорида таърифлаб ўтганимиздек, арабча “мадина” ва “ият” сўз ясовчи қўшимчасининг бирикмасидан олинган бўлиб, айнан шаҳарга оид деган маъносини англатади.

Масалан, мамлакатимиз аҳолиси қанча кўп китоб ўқиса, тил ўрганса, яъни маърифатли бўлишга интилса, албатта у маънавиятли инсон сифатида камол топади. Ҳар қандай юксак маънавиятли инсон юксак маданият чўққисига эришади.

Шу ўринда савол туғилади маданият ўзи нима?

Маданият бу-инсонларнинг ақл идроки ва тафаккури билан қўлга киритган маънавий маърифий бойликлар йиғиндисидир. Дунёдаги барча халқлар маданиятнинг моҳияти ва маданият тушунчасига тўғри таъриф бера олсагина маданиятда ворисийлик қонунияти янада ривожланади.

Демак, юқоридаги фикрларимиз маданиятни ривожлантиришда аввало, таълим тизимида ислоҳотлар олиб, ёш авлодларни баркамол инсонлар сифатида камол топтириш, уларни кўпроқ китоб мутоала қилиш, кучли билим олиши учун чорлаш, чет тилларни ўрганиш ва хорижий давлат тажрибаларни ўрганган ҳолда миллийлигимизга уйғун ҳолда ҳар бир соҳани ривожлантириш каби вазифаларни амалга ошириш лозим. Маданиятни ривожлантиришга қаратилган ушбу вазифалар амалга оширилиши бардавом бўлсагина миллий маданият ривож топади.

ИННОВАЦИЯЛАР ТРАНСФЕРИ МАРКАЗЛАРИНИНГ ТРЕНИНГ ФАОЛИЯТИ ХУСУСИДА

Х.Сатторова - ФарДУ

В статье кратко излагается содержание тренингов, посвящённых управлению инновационной деятельностью предприятия, проведённых в ЦТИ.

The article is devoted to the content of trainings on management of innovative activity of enterprises.

TEMPUS дастури UnIvEnt халқаро лойиҳаси доирасида ташкилланган Инновациялар трансфери Марказларининг (ИТМ) фаолиятлари йўналишларидан бири – тренинг фаолиятидир. Бунда ИТМ ходимлари ҳамда лойиҳага жалб этилган ишлаб чиқариш вакиллари билан ҳамкорликда тадбиркорлар, фермерлар, талабалар учун инновация масалаларига бағишланган қатор тренинглар ўтказдилар. Ушбу тренинглар учун махсус услубий кўрсатмалар, тарқатма материаллар тайёрланди. Тайёрланган методик материаллар ўзининг илмийлиги, амалий йўналганлиги, инновациялар яратилиш механизмини аниқ ифодаловчи энг сўнгги маълумотларни ўзда акс эттириши билан ажралиб туради. Мазкур мақолада услубий материаллар ҳақида қисқа тасаввур хосил қилувчи корхонанинг инновацион фаолиятини бошқариш бўйича материаллар таҳлили берилган.

Инновацион фаолият бу – тўпланган билим, технология ва жихозларни тижоратлаштиришга қаратилган илмий, технологик, ташкилий, молиявий ва савдо билан боғлик тадбирлар мажмуасидир. Инновацион фаолиятни натижаси бўлиб яратилган янги ёки қўшимча маҳсулот ва хизматлар ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда инновацион фаолиятга инновацияларни яратиш, ўзлаштириш, тарқатиш ва қўллаш каби фаолиятларни киритиш мумкин.

Маълумки[10], $p>-1$ бўлганда (7) тенглама саноқли сондаги ҳақиқий илдизга эга бўлади. Буни эътиборга оладиган бўлсак хосил қилган тенгламамиз қуйидаги саноқли сондаги ҳақиқий илдизларга эга бўлади

$$\nu_n=\frac{2\lambda_n}{2-\alpha}l^{\frac{2-\alpha}{2}}, \qquad n=1,2,\ldots\cdot$$

Буни (6) тенгликка қўядиган бўлсак (0,1) да (4) ва (5) масаланинг тривиал бўлмаган қуйидаги хос функциялар кетма кетлигига эга бўламиз

$$X_n(x)=c_{1n}x^{\frac{1-\alpha}{2}}J_p\left(\nu_n\left(\frac{x}{l}\right)^{\frac{2-\alpha}{2}}\right),\qquad n=1,2,\ldots. \tag{8}$$

Энди ўрганилаётган масаланинг ечимини қуйидаги

$$u(x,y)=\sum_{n=1}^{\infty}Y_n(y)X_n(x), \tag{9}$$

кўринишда қидирамиз, бу ерда $X_n(x)$ - функция (8) тенглик орқали аниқланади.

$f(x,y)$ функцияни ҳам (9) функциялар системаси бўйича қаторга ёйиб, сўнгра уни ва (9) функцияни (1) тенгламага олиб бориб қўйсак қуйидаги

$$\operatorname{sign}y\left(y^{\beta}Y_n'\right)'-\lambda_n^2Y_n(y)=f_n(y),\qquad n=1,2,...$$

тенгламаларга эга бўламиз, бу ерда $f_n(y)$ – $f(x,y)$ функциянинг (9) функциялар системасига ёйилмасидаги Фурье коэффициентлари. Бу тенгламаларнинг (2) шартларни қаноатлантирувчи ечимини топамиз.

Маълумки бу тенгламаларга мос бир жинсли тенгламанинг ечими

$$Y_n(y)=x^{\frac{1-\beta}{2}}\left[C_1I_{-p}\left(\frac{2\lambda}{\beta-2}x^{\frac{2-\beta}{2}}\right)+C_2K_p\left(\frac{2\lambda}{\beta-2}x^{\frac{2-\beta}{2}}\right)\right],\qquad y>0,$$

$$Y_n(y)=x^{\frac{1-\beta}{2}}\left[C_1J_{-p}\left(\frac{2\lambda}{\beta-2}x^{\frac{2-\beta}{2}}\right)+C_2Y_p\left(\frac{2\lambda}{\beta-2}x^{\frac{2-\beta}{2}}\right)\right],\qquad y<0,$$

бўлади, бунда $p=(\beta-1)/(\beta-2)$.

Бунинг учун ўзгармасни вариациялаш усулидан фойдаланиб ечадиган бўлсак унинг ечими қуйидагича: $y<0$ бўлганда

$$Y_n(y)=|y|^{\frac{1-\beta}{2}}\left[a_nJ_q\left(\frac{2\sqrt{\lambda_n}}{2-\beta}|y|^{\frac{2-\beta}{2}}\right)+b_nJ_{-q}\left(\frac{2\sqrt{\lambda_n}}{2-\beta}|y|^{\frac{2-\beta}{2}}\right)\right]+$$

$$+\frac{\pi}{\sin\pi q}\frac{|y|^{\frac{1-\beta}{2}}}{2-\beta}\int_{-T}^{y}|t|^{\frac{1+\beta}{2}}\left[J_q\left(\frac{2\sqrt{\lambda_n}}{2-\beta}|y|^{\frac{2-\beta}{2}}\right)J_{-q}\left(\frac{2\sqrt{\lambda_n}}{2-\beta}|t|^{\frac{2-\beta}{2}}\right)-J_q\left(\frac{2\sqrt{\lambda_n}}{2-\beta}|t|^{\frac{2-\beta}{2}}\right)J_{-q}\left(\frac{2\sqrt{\lambda_n}}{2-\beta}|y|^{\frac{2-\beta}{2}}\right)\right]f(t)dt$$

,

$y>0$ бўлганда

$$Y_n(y)=y^{\frac{1-\beta}{2}}\left[c_nI_q\left(\frac{2\sqrt{\lambda_n}}{2-\beta}y^{\frac{2-\beta}{2}}\right)+d_nI_{-q}\left(\frac{2\sqrt{\lambda_n}}{2-\beta}y^{\frac{2-\beta}{2}}\right)\right]+$$

$$+\frac{\pi}{\sin\pi q}\frac{y^{\frac{1-\beta}{2}}}{2-\beta}\int_{0}^{y}t^{\frac{1+\beta}{2}}\left[I_q\left(\frac{2\sqrt{\lambda_n}}{2-\beta}y^{\frac{2-\beta}{2}}\right)I_{-q}\left(\frac{2\sqrt{\lambda_n}}{2-\beta}t^{\frac{2-\beta}{2}}\right)-I_q\left(\frac{2\sqrt{\lambda_n}}{2-\beta}t^{\frac{2-\beta}{2}}\right)I_{-q}\left(\frac{2\sqrt{\lambda_n}}{2-\beta}y^{\frac{2-\beta}{2}}\right)\right]f(t)dt$$

кўринишда бўлади:

Топилган бу функцияларни (2) чегаравий шартларга ҳамда улаш шартларига бўй сундирадиган бўлсак, текшириб кўриш қийин эмаски

$$J_q\left(\frac{2\sqrt{\lambda_n}}{2-\beta}|T|^{\frac{2-\beta}{2}}\right)I_{-q}\left(\frac{2\sqrt{\lambda_n}}{2-\beta}T^{\frac{2-\beta}{2}}\right)+J_{-q}\left(\frac{2\sqrt{\lambda_n}}{2-\beta}|T|^{\frac{2-\beta}{2}}\right)I_q\left(\frac{2\sqrt{\lambda_n}}{2-\beta}T^{\frac{2-\beta}{2}}\right)\neq 0$$

шарт бажарилгандагина $a_n(T)$, $b_n(T)$, $c_n(-T)$ ва $d_n(-T)$ коэффициентлар бир қийматли топилиб $Y_n(y)$ функцияни мумкин бўлади:

ҚУЁШНИ КУЗАТИШ ТИЗИМИ ВА УНИ АВТОМАТЛАШТИРИШ

Ж.Иброхимов, И.Нишонов, О.Тоштемиров – ФарПИ

В статье рассматриваются система наблюдения за солнцем и её автоматизация.

In these article systems of solar observation and it automation is studied.

Кузатиш тизими қандайдир қурилманинг холатини, кириш катталигининг бурчагига боғлиқ холда ўзгартиришга мўлжалланган. Кузатиш тизимининг намунавий схемаси (1-чизмада) келтирилган.



1-чизма. Кузатиш тизимининг намунавий схемаси. 1-оптик датчик; 2-объект; 3-редуктор; 4-двигатель; 5-кучайтиргич.

Бу ерда: Δφ-қуёш билан датчик орасидаги бурчак; φ_T-датчикнинг бурчак холати; $\varphi_З$-қуёшнинг бурчак холати. Бурчакларнинг мос келмаслиги бурчаги Δυ ни датчик ишлаб кучайтиргичга узатади, унда электр сигнали кучайтирилиб, двигателга берилади, двигатель редуктор орқали қурилмани харакатлантиради. Бу харакат бурчаклар фарқи нолга тенг бўлганида қурилмани харакатлантиради.

Автоматик кузатиш системасининг асосий параметрларидан бири - керакли аниқлик хисобланади. Бу параметр, асосан гелеоқурилманинг вазифасига ва қўлланиладиган оптик қурилмаларнинг аниқлигига боғлиқ. Кузатиш аниқлигига ўта қаттиқ талаб қуёш нури оқими зичликли қурилмаларга, ўта катта бўлмаган талаб паст хароратли гелеоқурилмаларга қўйилган:

1-жадвал

Гелеоқурилмалар ўзгартириш тури бўйича	**Кузатишнинг бурчак аниқлиги**	**Кузатиш аниқлиги**
Юқори хароратли печ ва термоэмиссияли қурилмалар	2...6	Юқори
Термодинам ва термоэлектрик қурилмалар	10...30	Ўрта
Фотоэлектрик ва иссиқлик қурилмалари	30	қуйи

Кузатиш тизимида қуёш энергиясини тўплагич ҳамиша қуёшга тик қаратилган бўлиши керак. Биз биламизки Ер ўз ўқи ва Қуёш отрофида айланади. Ўша ҳаракатлар эътиборга олинса, кузатиш қурилмалари азимутал-зенит (икки теккисликли) ва экваториал (бир текисликли) ўқлари бўйича харакатлантирилиши керак. Азимутал-зенитли харакатлантирадиган кузатиш системаси бир ва кўп контурли, экватор фақат бир контурли бўлади. Иккала характерловчи кузатиш системаларининг схемалари кузатувчи ва дастурлига бўлинади. Бу схемаларнинг хар бири узлуксиз ва дискрет ростлашга асосланган. Узлуксиз бошқариладиган дастурли кузатиш системаси дастурни ифодаловчи маълумот характери бўйича амплитуда ва фазалига бўлинади. Қурилманинг дастурий таъминоти асосий функцияси кузатиш тизимини бошқаришдан беришдан иборат. Демак, дастур циклик равишда бошқарувчи микроконтроллерни ишга тушириб, бошқариб берувчи блок ҳақидаги рақамли ахборотни ўқиб олиш ва уни кузатиш тизимининг энергия таъминоти тизимига юклаб бошқаришни амалга оширади. Қурилма дастурий таминоти алгоритмининг Ассемблер ёки С алгоритмик тилларидаги реализация қилинади. ISIS дастурий мажмуасида турли микроконтроллерлар учун “АССЕМБЛЕР” тилида тайёрланган дастурни таржима қилиб берувчи трансляторлар мавжуд. Ушбу трасляторлар ёрдамида дастлабки дастур файлидан микроконтроллер учун ишчи дастурни тайёрлаш мумкин. Бунинг учун ISIS ишчи ойнасида Sourse менюси таркибидаги Add/Remove Sourse files менюси билан қурилмадаги микроконтроллерга юкланиши лозим бўлган дастур файлини ва керакли микроконтроллерни хамда трансляторни танлаш лозим. Шундан сўнг трансляция қилинса ва дастурда ҳеч қандай хато бўлмаса, трансляция натижасида ҳосил бўлган (*.hex) файл юкланади. Бу дастур С транслятори билан трансляция қилинса ва дастурда ҳеч қандай хато бўлмаса, трансляция натижасида ҳосил бўлган (*.hex) файл лойиҳадаги микроконтроллернинг дастур хотирасига алоҳида юкланиши лозим.

СПОСОБ ЗАЩИТЫ ИНФОРМАЦИОННОГО СИГНАЛА ОТ НЕСАНКЦИОНИРОВАННОГО ДОСТУПА В ВОЛОКОННО-ОПТИЧЕСКОЙ ЛИНИИ СВЯЗИ

З.Ю.Мамасадикова, Н.Ю.Мамасадикова,
А.Р.Боймирзаев - ФерПИ

Мақолада толали-оптик алоқа линиясида информацион сигналнн санкциясиз таъсирдан химоялаш усули таҳлил қилинган

In this article methods for protection of informational signals from unauthorized access to fiber-optic connection lines are analyzed.

Поставленная цель достигается тем, что в известный способ защиты информационного сигнала от несанкционированного доступа в волоконно-оптической линии связи, заключающийся в том, что на передающей стороне волоконно-оптической линии связи формируют информационный сигнал, формируют суммарный сигнал путем смешивания шумового и информационного сигнала, формируют путем модуляции суммарным сигналом подлежащего передаче оптического излучения и вводят в волоконно-оптическую линию связи, а на приёмной стороне волоконно-оптической линии связи выводят из нее принимаемое оптическое излучение, из принятого оптического излучения формируют суммарный сигнал, из которого выделяют информационный сигнал, введены следующие операции: до формирования суммарного

сигнала на приемной стороне формируют исходный и инверсный шумовой сигнал, модулируют исходным шумовым сигналом оптического излучения и вводят в волоконно-оптическую линию связи, а на передающей стороне волоконно-оптической линии связи выводят из нее принимаемое оптическое излучение, из принятого оптического излучения формируют шумовой сигнал который подлежит к смещению информационного сигнала, а выделения информационного сигнала на приемной стороне производят путем смешение задержанного инверсного шумового сигнала к суммарным сигналом причем время задержки инверсного шумового сигнала определяется выражением $t_{зад} = 2L/v$, где: L-длина оптического волокна; *v*-скорость оптического излучения в оптическом волокне. На рис.1 показана блок-схема одного из возможных вариантов устройства, реализующего предлагаемый способ защиты информационного сигнала от несанкционированного доступа в волоконно-оптической линии связи. При осуществлении предлагаемого способа защиты информационного сигнала от несанкционированного доступа в волоконно-оптической линии связи выполняют следующие операции: - на приемной стороне 8 волоконно-оптической линии 7 связи: 1) формируют с помощью генератора 15 шумовой сигнал,2) формируют с помощью инвертора 13 инверсный шумовой сигнал, 3) с помощью линии задержки 12 производят задержки инверсного шумового сигнала на время $t_{зад} = 2L/v$, 4) модулируют шумовым сигналом передаваемое шумовое оптическое излучение в источнике 14 оптического излучения, 5) вводят через вход 9-1 направленного ответвителя 9, в волоконно-оптическую линию 7 связи передаваемое шумовое оптическое излучение,
- на передающей стороне 1 волоконно-оптической линии 7 связи:
1) формируют с помощью формирователя 2 передаваемый информационный сигнал, 2) выводят через выход 6-1 направленного ответвителя 6, из волоконно-оптической линии 7 связи принятого шумового оптического излучения, 3) из принятого шумового оптического излучения с помощью фотодетектора 5 формируют шумовой сигнал, 4) формируют суммарный сигнал путем смешения с помощью смесителя 3 информационного и шумового сигнала, 5) модулируют суммарным сигналом передаваемое оптическое излучение в источнике 4 передаваемого оптического излучения, 6) вводят через вход 6-2 направленного ответвителя 6, в волоконно-оптическую линию 7 связи передаваемое оптическое излучение,- на приемной стороне 8 волоконно-оптической линии 7 связи: 1) выводят через выход 9-2 направленного ответвителя 9 из волоконно-оптической линии 7 связи принятое оптическое излучение, 2) из принятого оптического излучения с помощью фотодетектора 10 формируют суммарный сигнал, 3) смесителем 11 путем смещения к суммарного сигнала задержанный инверсный шумовой сигнал выделяют информационный сигнал.

При использовании предлагаемого способа защиты информационного сигнала от несанкционированного доступа в волоконно-оптической линии связи в котором до формирования суммарного сигнала на приемной стороне формируется шумовой сигнал, который передается к передающей стороне волоконно-оптической линии связи для смешивания к информационного сигнала.



Рис.1. Блок схема устройств реализующего предлагаемый способ защиты информационного сигнала от несанкционированного доступа в волоконно-оптической линии связи.

На приемной стороне в процессе смещения к суммарного сигнала задержанный инверсный шумовой сигнал происходит полное фазовое совпадение шумового и его инверсного сигнала. В результате чего шумовой сигнал полностью компенсируется, выделяются информационный сигнал и обеспечивается защита информации в волоконно-оптической линии связи от несанкционированного доступа.

ГАЗОАНАЛИЗАТОР НА ОСНОВЕ ОПТОЭЛЕКТРОННОГО ДВУХВОЛНОВОГО ГЕНЕРАТОРА

З.Ю.Мамасадикова, Н.Ю. Мамасадикова,
А.Р. Боймирзаев – ФерПИ

Мақолада оптоэлектрон иккитўлқинли генератор асосидаги газоанализатор схемаси ёритилган.

Scheme of gas analyzer that is based on optical-electronic two wave generator is described in the article.

При невысоких требованиях к устройствам контроля можно использовать простую схему оптоэлектронного двухволнового генератора. Двухволновые оптоэлектронные генераторы с двумя оптронами могут быть успешно применены для создания переносных газоанализаторов для непрерывного контроля степени загрязнения окружающей среды.

Конструктивно-газовая камера оптоэлектронного двухволнового генератора представляет собой полую трубку (рис.1.), внутренняя поверхность которой обладает хорошей отражательной способностью. На одном конце газовой камеры установлены полупроводниковые излучатели СД1 и СД2 соответственно с длинами волн излучения λ_1 и λ_2, а на другом конце установлен фоторезистор ФР, спектральная характеристика которого позволяет регистрировать излучение от обоих источников. Выбор типа источника с соответствующими λ_1 и λ_2 определяется спектральной характеристикой контролируемой газовой компоненты.

Принципиальная схема оптоэлектронного двухволнового генератора приведена на рис. 2. Принцип действия генератора основан на использовании в цепи обратной связи фоторезистора, оптически связанного через контролируемую среду с СИД, включенным встречно-параллельно на выходе генератора.



Рис. 1. Конструкция газовой камеры газоанализатора.

В отсутствие контролируемого вещества (газ, дым и т. п.) поворотом ручек переменных резисторов R_1 R_2 и подбором делителя R_4 и R_5 на выходе усилителя устанавливают равенство длительностей импульсов положительной и обратной полярностей. При наличии контролируемого вещества изменяется длительность импульса одной полярности. Длительность импульса другой полярности зависит от значений неинформативных параметров, так как длина волны этого СИД лежит вне полосы поглощения контролируемым параметром.



Рис. 2. Принципиальная схема газоанализатора на основе оптоэлектронного двухволнового генератора.

Таким образом, генератор непрерывно вырабатывает периодическую последовательность прямоугольных импульсов разной полярности. Длительность импульса одной полярности, например положительной, зависит от контролируемого параметра, а длительность импульса отрицательной полярности зависит от неинформативных параметров (например, при контроле загазованности, загрязнений и т.п.). Следует отметить, что при изменении фоновой засветки и температуры изменяется лишь частота повторения импульсов генератора, а отношение длительностей импульсов положительной и отрицательной полярностей зависит только от значения контролируемого параметра.

Для реализации отношения длительностей этих импульсов на выход микросхемы D_1 подключено устройство, выполненное на полевом транзисторе VT_1 и операционном усилителе D_2. Разделение импульсов отрицательной и положительной полярностей осуществляется диодами VD_3 и VD_4. Далее разделенные импульсы интегрируются цепочками R_6 C_2 и R_7 C_5. Значение контролируемого параметра регистрируется измерительным прибором ИП.

QUYOSH ENERGIYASIDAN FOYDALANIB SHAHAR KO`CHALARINI YORITISH

I.Nishonov, O.Toshtemirov, J.Ibrohimov - FarPI

В этой статье рассмотрены современные энергосберегающие осветительные системы, которые работают от солнечной энергии. Предложенная авторами современная система освещения позволяет сократить расходы энергии в 12 раз.

Modern power-saving lighting systems which are fed from solar energy are revised by the author. Proposed system allows reducing energy expenditures up to 12 times.

Jamiyat taraqqiyotining ob'ektiv qonuniyatlari mehnatning energiya bilan ta'minlash darajasi tinmay o`sib borishini taqozo etadi. Bunda texnik taraqqiytning ko`pgina yo`nalishidagi ishlab chiqarishda energiyadan foydalanishning samaradorligini oshirishga, ya'ni energiya tejamkorligiga qaratilgandir. Ishlab chiqarishning barcha sohalarida energiya tejamkorligiga erishishda fan va texnikaning roli beqiyosdir. Demak, energiya tejamkor texnologiya va jarayonlarning ishlab chiqarishda samarali ilmiy izlanishlarni amalga oshirish kerak.

Insonlarning issiqlik va elektr energiyasiga bo`lgan haqiqiy extiyoji, ularning hayot tarzi, iqlimiy sharoiti va texnik rivojlanishi darajasi bilan belgilanadi. Elektroresurslarning eng oxirgi bo`g`inidagi o`zgartiriladigan so`nggi energiyaning bevosita texnologik qurilma va majmualarda, mayishiy hayotda va transportda qo`llanilishi esa jamiyatning taraqqiy etganlik darajasi bilan belgilanadi.

Ishlab chiqarishning energiyaga bo`lgan eqtiyojini o`zgartirish uchun jamiyatning noenergetik ishlab chiqarish kuchlariga ta'sir qilmoq kerak. Iste'molchilar tomonidan energiyaning iqtisod qilinishi tom ma'nodagi energiya tejamkorligini bildirib, xalq xo`jaligining xaqiqiy energiya sarfi miqdorini kamaytirish demakdir.

Elektr energiyadan unumli foydalanish, avvalambor, yoritish tizimi faoliyatlari bilan bog`liqdir. Shahar ko`chalarini yoritishda an’anaviy usulda har bir simyog`ochga 500 w yoritish chiroqlari o`rnatiladi. Bu yoritish chiroqlari yoz va qish fasllarini hisobga olgan holda, bir kunda o`rtacha 12 soat davomida ko`chani yoritish uchun ishlasa, 6 kw/soat elektr energiyasini iste’mol qiladi. Hozirgi kunda elektr energiyasining 1 kw/soat uchun harajatlari 112.20 so`mni tashkil qiladi. Demak bir sutka davomida bitta shahar ko`chasini yoritish chirog`ining yoritishi uchun ketgan harajatlari 673.20 so`mni tashkil qiladi. Bu bir oy davomida 20’196 so`m, bir yilda esa 242’352 so`m harajatlarni tashkil qiladi.

Quyosh energiyasidan foydalanib shahar ko`chalarini yoritishning bir qancha usullari mavjud. Bunda asosan quyosh energiyasini energiya to`plovchi qurilmalarga yig`ib, uni o`zgaruvchan kuchlanishga aylantirgandan so`ng iste’molchiga yetkazib berish yo`lidan foydalaniladi. Mazkur usulni qo`llashda quyosh energiyasini elektr energiyasiga aylantirib beruvchi qurilma – quyosh batareyalari; energiya to`plovchi qurilma – akkumulyator qurilma (invertor) kerak bo`ladi.

Biz taklif qilayotgan tizim doyimiy elektr energiyasini o`zgaruvchan elektr energiyasiga aylantirib beruvchi qurilma – invertor qurilmasidan butunlay voz kechish va shu orqali invertor qurilmasi ishlashi uchun sarf bo`ladigan 5-10 foiz energiyani tejash va tejalgan energiyani iste’mol uchun sarflash imkonini beradi. Buning uchun kam sig`imli energiya to`plovchi qurilma – akkumulyator batareyasidan foydalaniladi.

Bu loyihani amalga oshirishda 500 w yoritish chiroqlari emas, yoritish darajasi shunga teng bo`lgan 30 w svetadiod, 6 kw/soat sig`imga ega bo`lgan energiya to`plovchi qurilma – akkumulyator batareyasi emas, 360 w/soat sig`imni yetkazib bera oladigan

energiya to`plovchi qurilma – akkumulyator batareyasi, 6 kw/soat elektr energiyasini to`plab berish uchun 500 w yetkazib bera oladigan quyosh energiyasini elektr energiyasiga aylantirib beruvchi qurilma – quyosh batareyalari emas, 360 w/soat elektr energiyasini to`plab berish uchun 30 w quyosh batareyalari kerak bo`ladi.

Bu loyihani iqtisodiy jihatdan o`rgansak, 30 w quyosh batareyasi - 60’000 so`m, 360 w/soat sig`imni yetkazib bera oladigan energiya to`plovchi qurilma – akkumulyator batareyasi - 60A/soat li 95’000 so`m, 3 w svetodioddan 10 tasi-12’000 so`m, qolgan harajatlar-50000 so`mni tashkil qiladi. Svetodiodning ishlash muddati 100’000 soat, bu 22 yildan ortiq muddat ishlaydi, energiya to`plovchi qurilma – akkumulyator batareyasi 8 yil, quyosh energiyasini elektr energiyasiga aylantirub beruvchi qurilma – quyosh batareyasi esa 15 yil nuqsonsiz ishlashi mumkin. 15 yil davomida akkumulyator batareyasida 2 tasidan foydalanganimiz uchun, uning narhi 190’000 so`mni tashkil qiladi. Demak, 15 yil biz taklif qilayotgan quyosh energiyasidan foydalanib shahar ko`chalarini yoritish tizimiga o`tish uchun jami harajatlar 312’000 so`mni tashkil qiladi. Bu bitta simyog`ochdagi 500 w yoritish chiroqlarining 15 oylik harajatlarini tashkil qiladi. Bu 12 barobar kam pul sarflab maqsadimizga erishishimiz mumkinligini isbotlaydi.

ФАРҒОНА ШАҲРИ РЕКОНСТРУКЦИЯСИ БЎЙИЧА КОММУНИКАЦИЯ ТАРМОҚЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

И.Алиев, А.Намозов, доц., Ў.Рахматов, доц. - ФарПИ

Статья рассматривает эффективные пути размещения системы канализации города.

The article presents effective ways of location of city sewerage system.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов 2011 йил май ойида Фарғона вилоятига ташрифи чоғида вилоят марказининг эртанги жозибадор кўриниши қандай бўлиши кераклиги, унинг ривожида шаҳарсозлик архитектураси талабларига қанчалар жавоб берадиган тарзда қуриш кераклиги бўйича қимматли маслаҳатларини берганди. Шундан келиб чиқиб, Президентнинг “Фарғона шаҳрининг Бош режасини амалга ошириш, 2012-2015 йилларда ижтимоий ва транспорт-коммунал инфратузилмаси объектларини қуриш ва реконструкция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1641-сонли қарори чиқди. Мазкур қарорни ижросини таъминлаш борасида ҳозирда Фарғона шаҳрида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Ушбу бунёдкорлик ишлардан бири ҳозирда умумий узунлиги 84,8 км бўлган умумфойдаланувдаги автомобиль йўллари, шаҳар кўчалари ва кўприклар қуриш ҳамда таъмирлаш ишларидир.

Маълумки, асосан ҳозирда катта шаҳардаги кўп қаватли уйлар, идоралар ва корхоналардан чиқаётган канализация тармоқлари ер остида асфальт кўчалари ўртасидан ўтган асосий канализация тармоғига уланган. Баъзи ҳолатларда уланган канализация қувурларида носозлик холатлари юзага келиб қолса, ушбу холатни бартараф этиш учун асфальт кўчалар кавланиб, тармоқда таъмирлаш ишлари олиб борилади. Бунга ишчи кучи ва катта маблағ жалб этилиб, иқтисодий жиҳатдан ортиқча сарф ҳаражатга олиб келинади.

Шуларни ҳисобга олиб, шаҳар асфальт йўлларини реконструкция қилиш

жараёнида ушбу муаммони ечимини топишга аҳамиятни жалб этиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Шунинг учун биз қуйидаги расмда келтирилган тарзда шаҳар кўчаларидаги асфальт йўлнинг остида жойлашган асосий канализация тармоғи (8)га кўп қаватли уйлар, идоралар ва корхоналардан келаётган канализация қувурларини улаш учун асфальт йўлининг четида маҳсус бетон конструкцияли люкли қудуқ (9) қўйилиб, келажакда барча уйлар, идоралар ва корхоналардан келаётган канализация қувурлари ушбу қудуққа уланиши ва ундан коррозияга чидамли қувурлар орқали асосий канализация (8) тармоғига уланиши бўйича ўзимизни инновацион таклифларимизни киритмоқдамиз.

Шунингдек, шаҳар асфальт йўлининг икки томонига турли коммуникация тармоқларини ўтказиш учун асфальт йўл остидан махсус тунеллар (7)ни ҳам қуриб кетиш таклифини киритмоқдамиз.

Бундай технология орқали бунёд этилган асфальт йўллари равон бўлиб, кўп йиллар давомида йўловчиларга хизмат қилади. Йўлнинг ҳар икки четида яшовчи аҳолини ҳамда янги қурилаётган уй жойларни коммуникация тармоқларига уланиши, канализация ва сув тармоқлари қувурларига уланишида қулайликлар туғилиб, уларнинг вақти ҳамда маблағлари ҳам тежалади. Бу эса шаҳарнинг иқтисодий салоҳиятини кўтариш омилларидан бири ҳисобланади.





Чизма бўйича рақамларнинг маънолари:
1- икки томонлама ҳаракатланиш асфалт йўли;
2,4,6,n - турар жойлар;
3 - тротуар (пиёдалар йўли);
5 - кўкаламлаштирилган тармоқ;
7 - ичимлик суви қувурлари, газ қувурлари ва бошқа комуникация тармоқларини икки томонга ўтказишга мўлжалланган махсус тунел;
8 - асосий канализация тармоғи;
9 - хонадонлардан чиқаётган канализация ва уни асосий канализация тармоғига улаш учун мўлжалланган қудуқ (колодец), люклар.

БЕЗОПАСНАЯ СИСТЕМА ПОЛИВА

К.Махмудов – Ферганский колледж нефтегазовой промышленности,
Б.Игамбердиев – ФерПИ

Ушбу мақолада ўсимликларни суғоришнинг янги системаси таклиф қилинган.
This article proposes the use of a new type of sprinkler for irrigation of lawns.

В условиях Средней Азии, на газоне происходит постоянная потеря влаги в результате транспирации воды листьями травы, а также прямого испарения ее с поверхности почвы. Испарение увеличивается при изреженном дерновом покрове и, соответственно, уменьшается при густом и мощном травостое, лучше притеняющем почву. Недостаточный полив в сухую погоду часто является причиной распространения на газоне сорняков. Дерновой покров на слабо известкованных кислых почвах, более чувствителен к засухе, чем на щелочных. В сухую погоду чаще приходится орошать газон, созданный на малоплодородных песчаных почвах, а также при слабом развитии корневой системы трав. Молодому газону просто необходимо постоянное искусственное увлажнение. Любой вид газона, чтобы трава хорошо развивалась и весь сезон сохраняла здоровый, сочный зеленый цвет, надо регулярно поливать.

Основной проблемой систем полива, используемых в сегодняшний день – является их небезопасность. Трубы из пластика с металлическими насадками, установленные над землей не соответствуют натуральному виду газона, ухудшают

его эстетичный вид, создают затруднения при его стрижке и являются небезопасными для основных «посетителей» газона – маленьких детей.

Зарегистрированные несчастные случаи с автоматическими спринклерами, питающимися электрическим током высокого напряжения также делают их небезопасными для жизнедеятельности.

В данной статье предлагается эксплуатация новой системы полива, которая может решить проблемы приведенные выше. Предлагаемая система полива располагается под землей и в неактивное(нерабочее) время его невидно. Она состоит из двух основных частей – неподвижной и подвижной. Неподвижная часть длиною 15-25 см соединяется под землёй с трубопроводом, по которой подается вода для полива. Во время полива подвижная часть, находящаяся во внутри неподвижной части, под гидравлическим давлением воды поднимается над почвой на 15-20 см и через полусферические форсунки тонкой струей выпускает воду. После остановки подачи воды подвижная часть возвращается в исходное положение.



Скольжение между трубами происходит за счет смазочной способности воды. Чтобы подвижная часть двигалась только по заданной линии в начальной и конечной части неподвижной части расположены блокираторы. Из-за конструкторских соображений все части сделаны из полиэтилентерефталата и полиэтилена высокого давления, которые являются нетоксичными и относительно дешевыми.

При эксплуатации данной системы газон станет безопасным, процесс ухода за ним легче и вид эстетически красивым.

ЁҒ-МОЙ ГУДРОНИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ

Л.Хўжахонова - ФарДУ
М. Ахмадалиев, к.ф.н. - ФарДУ

В статье освещены способы получения разливной продукции посредством переработки гудрона, являющегося отходным промышленным материалом.

In this article the author presents the ways of getting a casting product via tar processing, which is the waste industrial material

Заводларда ҳосил бўлаётган фурфурол, кратон альдегиди, бензальдегид, этил спиртининг куб қолдиғи, фурфурил спиртининг куб қолдиғлари ва ёғ-мой заводларида ҳосил бўлаётган ёғ-гудрони каби чиқиндилар мавжуддир. Бу чиқиндиларнинг хоссаларини ўрганиб чиқиб, қайтадан ишлатиш, биринчидан атроф муҳитнинг ифлослантиришни олдини олиб, Республикада экологик жараённинг яхшилашга олиб келади ва иккинчидан арзон янги маҳсулот

турларининг ишлаб чиқарилишига, четдан валютага сотиб олиб келинаётган маҳсулотларни махалий хом-ашёлардан олинишига сабаб бўлади.
Фарғона ёғ-мой ОАЖ корхонасида бир неча йиллардан буён тўпланиб қолган гудрон чиқиндисини қайта ишлаш учун унинг таркиби, унинг хусусиятларини хар томонлама ўрганиб чиқмасдан туриб унинг қайта ишлаш тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас.

Шу сабабдан Фарғона ёғ-мой ОАЖ корхонасида ҳосил бўлган чиқинди гудронни аввалам бор ишқор ва кислоталар билан лаборатория шароитида фракцияларга ажратиб олиш жараёнини ишлаб чиқиш бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилди:

1. Сув буғи билан таркибларга ажратиш.

2. Сув ва спирт буғи билан таркибларга ажратиш.

3. АИ-80 бензиндан ажратиб олинган (н.к-95)^{o}С ли бензин фракцияси билан ажратиш.

4. АИ-80 бензиндан ажратиб олинган (н.к-95)^{o}С ли бензин фракцияси ва ЭАФ – спирт фракцияси аралашмаси билан ажратиш.

5. ЭАФ –спирт фракцияси билан ажратиш.

6. *АИ-80 бензиндан ажратиб олинган (н.к-95)^{o}С ли бензин фракцияси ва ацетон,метилэтилкетон билан ажратиш.*

7. *Ишқор эритмаси билан госипол смоласини парчалаб ажратиб олиш.*

Юқорида келтирилган ажратиш усулларидан Фарғона ёғ-мой заводида ҳосил бўлган гудроннинг таркибидан гассипол моддасини ажратишда 4 ва 6 усул натижасида олинган маҳсулотни таркибидаги осон учувчи брикмаларини 240±20^{o}С температурада ва 180-220 босим қолдиғида ҳайдаб олинди.

Бу усул билан тозаланган ёғ-мой гудронини тўлиқ ишлатиш мақсадида унинг турли хил полимер ҳосил қилувчи моддалар билан: асфальтенлар, фурфурол-ацетон смолалари ФАСК, ФАСК-ЭД-40, эпоксид смоласи, мочевина карбамид смолалари асосида полимерзамазка, полимербетон ва лак олиш устида илмий тадқиқот ишлари олиб борилди. Бу сохадаги олиб борилган изланишларнинг дастлабки натижаси сифатида шуни таъкидлаш лозимки, нефтни қайта ишлашда ҳосил бўладиган гудрон ва асфальт асосида аралаштрилган-совмешон смолалари олиш мумкинлиги кўрсатилди. Бу олинган смолалар асосида коррозияга қарши қўлланувчи лаклар, замазкалар ва сувдан химояловчи мастика, полимер бетонлари олиш кўзда тутилмоқда, бундай маҳсулотлар қурилиш материаллари сифатида ишлатилишидан катта фойда олиш кўзланмоқда.

YOG‘- MOY GUDRONIDAN MAHSULOT OLISH

M.Ahmadaliyev - k.f.n., L.Hojahonova – FarDU

В статье освещены способы получения композиционных связочных материалов на основе гудрона.

In this article the ways of getting of composing oil on the bases of tar are presented.

Farg’ona viloyati yirik ishlab chiqarish kompleksi tashkil qilingan viloyat bo’lib, korxonalardan atrof – muhit, atmosfera, suv va tuproq muhitiga zararli tashlamalar va chiqindilar chiqariladi.

Zavodlarda hosil bo'layotgan, kraton aldegidi, benzaldegid, etil spirtining kub qoldig'i, va yog'-moy zavodlarida hosil bo'layotgan yog'-gudroni kabi chiqindilar mavjuddir. Bu chiqindilarning hossalarini o'rganib chiqib, qaytadan ishlatish, birinchidan atrof muhitning ifloslantirishni oldini olib, Respublikada ekologik jarayonning yaxshilashga olib keladi va ikkinchidan arzon yangi mahsulot turlarining ishlab chiqarilishiga, hamda chetdan valyutaga sotib olib kelinayotgan mahsulotlarni mahaliy hom-ashyolardan olinishiga sabab bo'ladi.

Bu borada korxonalarni eng daromadli sohalaridan biri – mavjud va hosil bo'layotgan ishlab chiqarish chiqindilarini qayta ishlash yo'llarini topishdan iboratdir. Farg'ona yog'-moy OAJ korxonasida bir necha yillardan buyon to'planib qolgan gudron chiqindisini ishlatishdan iborat [1,2].

Yog'-moy gudroni asosida kompozitsion materiallar olish uchun avvalam bor yog'-moy gudroni katalizatorlar bilan polimerlanish hsusiyatiga ega bo'lishi kerak. Ammo yog'-moy gudronini kislotalardan; sulfat, fosfat, xlorid va boshqa katalizatorlarda 2% qo'shib (150-180)^{o}C da ham polimerlanish kuzatilmadi. Shu sababdan yo'l qurilish bitumi olish maqsadida, bitumlarni olishda havo kislorodi bilan oksidlanib, oksidlanish jarayonini oddiy temir kurishkada aralashtirgich yordamida olib borildi. Tajribaga asosan esa yo'l qurilish bitumi olish uchun yog'-moy gudronini miqdorini bitum ishlab chiqarishda 20-25% dan oshirmaslik kerak bo`ladi. Bunga sabab yog'-moy gudroni oksidlanish jarayonini sekinlashtirishi (antioksidantlig hususiyati) kuzatildi. Bitum olish jarayonida neft gudroni va asfaltiga, qo'shib bitum olindi, olingan natija 1- jadvalda keltirilgan.

Yog'-moy gudronini 10-20 og'irlik miqdorida qo'shib bitum olinganda bitum olish vaqti deyarli ozgarmaydi. Ammo bitum olish jarayonida yog'-moy gudronini 25-30% ga ortirish, bitum olish jarayoni vaqtini 1,5-2 marotabaga ortirib yuborishi kuzatildi (1-jadval).

1-jadval

Bitumning xossalariga yog'-moy gudronining ta'siri.

Ko'rsatкichlari	**Tajriba-1**			**Tajriba-2**			**Tajriba-3**		
Yog'-moy gudroni, og'irlik miqdorda	20			40			60		
Neft gudroni, og'irlik miqdorda	120			100			80		
Asfalt, og'irlik miqdorda	60			60			60		
Oksidlanish temperaturasi,^{0}C	240±20^{0}C			240±20^{0}C			240±20^{0}C		
Oksidlanish vaqti, soat.	10	20	30	10	20	30	10	20	30
Kish, ^{0}C	38	43	55	31	36	41	27	33	37

3-tajribadagi tarkibga BSK-benzol sulfokislota 1%; 2%; 4% qo'shib oksidlaganimizda, bitumning hosil bo'lishi tezlashganini tekshirilgan.

2-Jadvalda bitum hosil bo'lishda Kishning o'zgarishiga benzolsulfokislotasining - BSK ta'siri keltirilgan, barcha jarayonlarni olib borilgan temperaturasi 240±20^{0}C tashkil qiladi. 2-jadvaldan ko'rinib turibdiki BSK ishtirokida bitum olish jarayonida BSKning miqdorini 4% ga ortishi bilan (10 soat oksidlanganda so'ng) bitumning Kishi 38^{o}C dan 57^{o}C gacha ko'tarilishi kuzatildi.

2-jadval

Bitumning Kish o'zgarishiga BSK ta'siri.

Ko'rsatgichlari	1,0 %			2,0%			4,0%		
Oksidlanish vaqti, soat.	10	20	30	10	20	30	10	20	30
Kish, ^{0}C	31	35	41	34	40	46	38	46	57

Shunday qilib, yog'-moy gudroni asosida bitum olish uchun, yog'-moy gudronini nefit bitumi olish jarayonida qo'shimcha sifatida 20% gacha qoshib ishlatish mumkin. Shuningdek neft gudroni va asfaltdan bitum olish jarayonida, yog'-moy gudronini miqdorini oshirish uchun albatta oksidlovchi katalizatorlardan foydalanish shartdir.

ФУРФУРОЛ-КУБ ҚОЛДИҒИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ НАТИЖАЛАРИ

М.А.Ахмадалиев, к.ф.н. - ФарДУ

На основе изучения влияния различных факторов на реакцию соединения альдегидов и кетонов, из остатков фурфуролового куба получен устойчивый к агрессивной внешней среде композиционный полимер-бетон и полимер замазка .

By studying the influence of various factors on the reaction of aldehydes and ketones the compound of furfural residue obtained cube resistant to aggressive external environment composite polymer and the polymer cement concrete.

Альдегидлар ва кетонларни ўзаро брикиш реакциялари асосида олинган турли хил (ФАМ, ДИФА,ФАЭД) смолаларнинг асосида, кислота ва ишкорларга чидамли лаклар, мастикалар-полимерзамазкалар, полимербетонлар ишлаб чиқарилган бўлиб, Ўзбекистон Республикасида, Россияда, Қозоғистонда, Украинада, Азарбейжонда ва бошқа Хамдўстлик мамлакатларида: нефть қудуқларининг қум босишдан сақлаш учун, тампонаж бирикмалари, ер ости иншоатлари қуришда, айниқса кислота ва ишқорлар билан ишловчи цехларнинг полларини, сиғимларни агрессив моддалардан ҳимоя килишда ишлатилиб келинмоқда.

Альдегидлар билан кетонларнинг бирикиш реакцияси ишқорий катализаторлар таъсирида конденсацияланиш йўли билан бориб, мураккаб реакциялар натижасида ҳосил бўладиган моддаларнинг йигиндисидан иборатдир. Реакциянинг бориши реакция вақти, температураси, катализатор ва альдегидларнинг сифатига боғликдир.

Олинган натижанинг кўрсатишича реакцион муҳитдаги фурфуролнинг куб қолдиғининг ортиши фурфурол билан ацетоннинг бирикиш реакцияларига салбий таъсир кўрсатиб, мономерларидаги асосий таркибий кисми бўлган ДИФА-дифурфурилиденацетон хосил бўлишини камайтиради, натижада, мономер ФАМ таркибидаги ДИФА микдори 44,0% дан 18,1% гача камайиб олинаётган мономернинг сифати бузилади.

Шунинг учун фурфурол–ацетон боғловчилари таркибида максимал микдорда ДИФА бўлишини тъминлашда а) фурфуролнинг микдори ацетонга нисбатан 3 хисса кўп бўлиши кераклиги, б) реакция жараёнини 70-90^{o}C температурада олиб бориш кераклиги, в) реакция мухитида pH=11,5-12,5 бўлиши кераклиги ва эритувчи сифатида C_2-C_6 спиртларидан фойдаланиш зарурлиги аниқланди [1,2] ва олинган ФАСК-смоласи асосидаги полимерзамазка полимербетон юқори физик-механик хсусиятлиги исботланди (1-жадвал).

1-жадвал

ФАСК асосидаги полимерзамазканинг хоссалари

№	Кўрсатгичлар	ФАСК
1.	Бузилиш даражаси, МПа босиш, эгилиш натижасида	80-110 25-40
2.	Каттикли Бринел буйича. МПа	250-360
3.	Урганда ковишкоглиги, кДж/м^2	2,0-5,0
4.	Температурага чидамлиги Мартенс буйича, ^{o}С	120-190
5.	Сув ютиши, 24 соатдан сунг. %	0,5-0,3
6.	Сульфат кислотасига чидамлиги, 4%, 30%, 60%, конц.	юкори
7.	Сирка кислотасида, 4%, 30%, конц.	юкори
8.	Хлорид кислотасида, 4%, 30%, конц.	юкори
9.	Натрий ишкорида, 20%, 40%, конц.	юкори
10.	Нефть махсулотлари ва нефтьгаз.	юкори
11.	Ҳайвонлар фермалари муҳитида	юкори
12.	Сувда ва шўр сувда	юкори

СОЕДИНЕНИЕ ТИТАНА - ТЕТРОБУТОКСИ ТИТАНАТ

М.А.Ахмадалиев, к.х.н. – ФерГУ

Разработаны бесхлорные методы синтеза высокореакционноспособного тетробутоксититана на основе сивушного масла по реакции переэтерификации.

In the article the results of the activity on development of non-chlorine syntheses methods for highly reactive tetrabutoxytitanium on bases of fusel oil on reaction of transesterification.

Полибутилтитанат - полибутиловый эфир ортотитановой кислоты получают в результате этерификации тетрахлорида титана бутиловым спиртом. Синтез тетрабутоксититана; приготовление раствора тетрохлорида титана-ТХТ в ксилоле (сольвенте); фильтрация раствора ТХТ. Синтез ТБТ проводится в четырёхгорлой колбе снабжённой механической мешалкой, термометром, обратным холодильником. В колбй загружают необходимое количество бутилового спирта и его отгона, затем подают через барботер аммиак и дозируют тетрахлорид титана (при включенной мешалке), поддерживая температуру не выше 100 ^{0}С. После нейтрализации реакционную массу подают на фильтр. Фильтрат ТБТ подают вакуумом в сборник, откуда он поступает в колбу для отгона избыточного бутилового спирта и гидролиза ТБТ. Температура массы при этом 95-115 ^{0}С. В реакторе создают разряжение 0,6кг/см ^{2}, пары бутилового спирта конденсируются в теплообменнике. В мерник дозируют дистиллированную воду и бутиловый спирт, затем эту смесь дозируют в колбу. После окончательной отгонки паров бутилового спирта смесь в колбе охлаждают до 40^o С и перемешивают с ксилолом (сольвентом). Полученный раствор ПТБ фильтруют и направляют в сборник для последующей расфасовки. Осадок (двуокись титана и хлорид аммония) также направляется на укупорку. Дополнительным положительным фактором разработанной и освоенной технологической схемы является то, что получаемый промежуточный продукт ТБТ, также является товарной продукцией - он используется в качестве катализатора при синтезе полиэфирных электроизоляционных смол и отвердителя лаковых покрытий.

ТБТ полученного на основе сивушного масла применяли в качестве катализатора при этерификации акриловой кислоты с изо-амиловыми спиртами для получения изо-амилового эфира акриловыми кислотами. А также ведётся научно-исследовательская работа по полученией акриловых полимеров изо-амилового спирта.

САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ЗАМОНАВИЙ ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

М.Абдуллаев – "Фарғонаёғмой" ОАЖ
А.Мирзаев - ФарДУ

В статье рассматривается направлении использования инноваций в промышленных предприятиях и эффективность деятельности инновационных групп вузов в модернизации и перевооружении промышленных предприятий.

In article studied efficiency of activities of the innovative groups of universities in modernisations and reequipment of the industrial enterprises.

Замонавий бозор иқтисодиёти ишлаб чиқариш жараёнларининг ҳар томонлама хавфсиз ва иқтисодий самарали бўлишини талаб этади. Бу эса тармоқда фаолият олиб бораётган ҳар бир корхонанинг ўз фаолиятини мамлакат ҳудудида белгиланган талаблар доирасида ташкил этишига ва бозор талаблари асосида иш юритишига олиб келади.

Ҳозирда экологик тоза муҳитни яратиш борасидаги энг муҳим ва долзарб масалалардан бири – шаҳарлар ҳудудида жойлашган саноат корхоналарини ҳудуддан ташқаридаги саноатлашган массивларга олиб чиқишни амалга ошириш ҳисобланади.

Фарғона шаҳрининг аҳоли зич яшайдиган марказида жойлашган «Фарғонаёғмой» очиқ акциядорлик жамияти ишлаб чиқариш жараёнида ёқимсиз ҳид ва зарарли чанг билан атроф-муҳитнинг софлиги ва озодалигига салбий таъсир кўрсатар эди.

Корхонани шаҳар ташқарисига, саноат зонасига кўчириш ишлари ҳукумат миқёсидаги ишлардан бири бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 1 июндаги «Фарғона шаҳрининг 2020 йил давргача бўлган бош режасини шакллантириш тўғрисида»ги Р-3426 сонли Фармойишига асосан Фарғона шаҳрининг бош режасини қайта тузиш ва унга асосан шаҳар марказини қайта қуриш, ободонлаштириш, шаҳар инфратузилмасини ривожлантириш, экологик ҳолатни яхшилаш бўйича чора-тадбирлар дастурига кўра «Фарғонаёғмой» корхонасини саноат зонасига кўчириш ишлари бугунги кунда амалга оширилди.

Акциядорлик жамиятининг TEMPUS дастури UnIvEnt лойиҳаси ҳамкорларидан бири бўлиши олимлар билан ўз муаммолари ечимини топишда ижобий имкониятларни бермоқда. TEMPUS дастури UnIvEnt лойиҳаси ҳамкорларидан бири бўлган Фарғона политехника институти олимлари билан биргаликда иновацион янгиликларни амалда татбиқ қилиш орқали СЖК цехида сульфат кислотасининг буғланиши оқибатида юзага келувчи атроф-муҳитга салбий таъсирни камайтиришга эришилди. СЖК цехида инновация лойиҳасига биноан сульфат кислотаси буғларини ушлаб қолиш ускунаси яратилиб, синаб кўрилди. Бу ишларни амалга ошириш бўйича 5 млн. сўмлик шартномавий ишлар олиб борилди.

Совун ишлаб чиқариш цехига инновация лойиҳаси бўйича Германиянинг «Село машинен» фирмасидан янги, қуввати 1 тн/соат совун линияси сотиб олинди. Бу линия хўжалик ва атир совуни ишлаб чиқариш имкониятига эга. Линиянинг вакуум қуритиш аппарати унумдорлиги 6 тн/соатга тенг. Янги линия «Хумо» атир совуни ишлаб чиқаради. Бу совуннинг ташқи кўриниши ўзгартирилди. Линиянинг ўраш аппарати Италиянинг «Guerze» фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган бўлиб, у «Хумо» атир совунини янгича ўрамда ўраш учун фойдаланилади.

«Фарғонаёғмой» ОАЖ нинг ТЕМПУС дастурининг UnIvEnt лойиҳасида иштирок этиши лойиҳа ҳамкори бўлган Фарғона политехника институти вакиллари билан муаммоларни жойида ўрганиш, у бўйича инновацион таклифларни биргаликда муҳокама қилиш ва назарий билимларни амалда татбиқ қилиш имкониятини берди.

«Фарғонаёғмой» ОАЖ нинг ишлаб чиқариш қолдиғи ҳисобланган гудроннинг кимёвий таркибини ўрганиш, ундан янги маҳсулот турларини ишлаб чиқариш бўйича изланишлар Фарғона давлат университети билан биргаликда амалга оширилмоқда ва ушбу тадқиқотлар учун 3 млн. сўмлик хўжалик шартномаси тузилди. Шу билан бирга «Фарғонаёғмой» ОАЖ нинг асосий ишлаб чиқариш хом-ашёси ҳисобланган пахта техник чигитига муқобил хом-ашё топиш бугунги кунда давлат миқёсидаги муаммолардан бири ҳисобланади. Бу муаммони ҳал этиш йўлида экологик тоза бўлган зайтун ёғини ишлаб чиқариш учун зайтунни маҳаллийлаштириш бўйича Фарғона давлат университети олимлари билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, TEMPUS дастури UnIvEnt лойиҳаси олий ўқув юртларида олиб борилаётган илмий-тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга татбиқ қилишда ва ишлаб чиқариш корхоналари муаммоларини ечишда олий таълим муассасалари ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида кўприк вазифасини ўтамокда.

ЁҒНИ ПАРАФИНСИЗЛАШТИРИШГА СПИРТЛИ ЭРИТУВЧИ

М.М.Ахмадалиева - ФНПЗ
М.А.Ахмадалиев - ФарДУ

В результате исследований получен спиртовый растворитель на основе 95-125^{o}С фракции каталитикного бензина из отходов спирт завода (спирт C_2 –C_5) и МЭК-метилэтилкетон.

In the article results of the researches on obtaining of an alcohol solvent for fat dewaxing for the wastes of the plant (alcohol C_2 – C_5) and methyl ethyl ketone.

Паст температурада ишловчи машина ва механизмларни эксплуатация қилишда, паст температурада қотадиган ёғлар керак бўлади. Бундай ёғларни олишда парафинсизлантириш жараёнидан фойдаланамиз. Бу ишлатилаётган эритувчиларнинг таркиби нефтни қайта ишлаш заводларида ёғни парафинсизлантириш жараёнида ва гачдан парафин олиш жараёнларида, ишлаб чиқарилаётган махсулотларнинг техникавий ва экономик кўрсатгичларини белгиловчи омил ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришда кўпроқ эритувчи сифатида кетон ва ароматик углеводородлар аралашмаси, асосан метилэтилкетон(МЭК) толуол аралашмаси, ацетон толуол аралашмаси ишлатилади.

Қайнаш харорати 480^{0}С дан кам бўлган дистиллятлар учун оптимал бўлган эритувчи МЭК-метилэтилкетоннинг миқдори 55 – 65 %, толуолнинг миқдори 35 – 45% ни ташкил қилади. Парафинсизлантириш жараёнида (C_2 – C_5) спиртларининг ишлатиш мумкин, аммо ёғлар билан аралашиши қийин бўлганлиги туфайли ароматик углеводородлар билан бирга ишлатиш тавсия этилади (1-жавал).

1-жадвал

Эритувчининг таркиби.

Эритувчининг таркиби, (масс) %											
Толуолли компонент, %	40	90	80,2	70,3	90	74,9	74,7	78,3	69,5	68,7	78,3
Метилэтилкетон, %	60	10	19,8	29,7	-	-	12,8	11,4	15,4	11,2	11,4
Спирт (C_2–C_5) %	-	-	-	-	10	25,1	12,5	10,3	15,1	20,1	10,3

Ушбу эритувчилардан фойдаланиб, рафинатнинг қуйидаги шароитда депарафинизация жараёни олиб борилади.

2-фракция – рафинатни парафинсизлантириш жараёни:

Жараённи температураси, ^{0}С + 25; –10; –35; –63; –63 (ювиш)

Рафинат билан эритувчи нисбатлари, 1:0.5 1:1 1:1 1:1 1:1

Рафинат эритувчи билан аралаштирилиб, сўнгра фильтрлаш лаборатория қурилмасига қуйилади ва минус 61-63^{o}С да 100–150 мм. симоб устинида кристалланган парафин ёғдан ажратиб филтирланади. Олинган натижалар 2-жадвалда келтирилган.

Худди шу тариқа рафинатнинг 3-фракцияси хам парафинсизлантирилади фақат бунда рафинатнинг прафинсизлантириш жараёни қуйдаги режимда олиб борилади (2-жадвал).

3-фракция - рафинатни парафинсизлантириш жараёни:

Жараённинг температураси, ^{0}С + 45; +15; –10; –30; –33 (ювиш)

Рафинат билан эритувчи нисбатлари, 1:0.5 1:1 1:1 1:1 1:1

(2-жадвал 6-7 тажриба), бунда филтирланиш тезлиги 103-108(кг/м^3)/с.гача, парафинсизлантирилган ёғнинг миқдори 3-5% гача ортганини кўрамиз.

2-жадвал

2-фракция рафинатни парафинсизлантириш натижалари.

Кўрсатгичлар номи	ТР. да	Тажрибалар						
		1	2	3	4	5	6	7
Филтирланиш Тезлиги, (кг/м^3)/с.	62	87	77	84	101	107	108	103
Парафинсизлан тирилган ёғни миқдори,%	68,4	72,0	70,0	71,9	71,0	71,9	71,5	73,0
Музлаш темпера тураси, ^{o}С	-45	-45	-47	-47	-47	-47	-49	-50
Кинематик қовишқ. $У_{50}$-сСт.	8,90	9,06	9,16	8,51	8,6	8,58	8,70	8,60
Гач миқдори,%	29,7	26,1	29,1	28,1	26,5	26,1	27,5	25,5
Гачни суюқланиш Температураси, ^{o}С	35,0	38,0	37,0	36,7	36,0	35,0	35,5	33,2
Эритувчи таркиби								
Толуол тутган компонент, %	40,0	70,3	90,0	85,0	74,9	78,3	69,5	68,7
Метилэтилкетон, МЭК,%	60,0	29,7	-	-	-	11,4	15,4	11,2

Спирт ($C_2 – C_5$),%	-	-	10,0	15,0	25,1	10,3	15,1	20,1

3-фракция – рафинатни парафинсизлантириш жараёнини 74,9 толуол компоненти ва 25,1% спирт ($C_2 – C_5$) билан олиб борилган:

Жараённи температураси, ^0C +45; +15; –10; –30; –33 (ювиш)

Рафинат билан эритувчи нисбатлари 1:0.5 1:1 1:1 1:1 1:1

Олинган натижа 3-жадвалда келтирилган, натижалар спирт ($C_2 – C_5$) билан толуол компоненти асосида олинган эритувчидаги ёғнинг парафинсизлантириш натижалари деярли бир хилдир. Демак бу жараёнга ($C_2 – C_5$) спирт тутган чиқиндиларни МЭК ўрнига ишлатса бўлади.

3-жадвал

3-фракция рафинатни парафинсизлантрилиши.

Кўрсатгичлар номи	ТР.да	1	2	3	4
Филтирланиш тезлиги, (кг/м^3)/ч.	90	107	98	104	108
Парафинсизлантирилган ёғни миқдори,%	69,9	76,0	75,0	71,0	76,0
Музлаш температураси, ^oC	-17	-17	-19	-17	-17
Гач миқдори,%	30,0	24,0	22,0	27,0	22,0
Кинемати қовишқ. $У_{50}$-сСт.	14,0	13,15	12,75	13,72	14,70
Гачдаги ёғ миқдори, %	44,5	20,4	23,5	34,6	36,2
Гачни суюқланиш температураси, ^oC	46,6	51,5	52,4	49,0	48,9

ЛАБОРАТОРИЯ ҚУРИЛМАЛАРИДА ҚИЗДИРИШ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ

Н.И.Каримов, И.Н.Каримов,
О.М.Мадаминов, А.А.Базаров - ФарПИ

В статье предложены инновационные способы расчёта нагревательных элементов лабораторных приборов.

Innovative methods for calculation for heating elements of laboratory devices are proposed in the article.

Лаборатория шароитида маҳсулотларни қиздириш учун газ горелкалари, электр плиткалар, муфелли, тигелли ҳамда трубкали электр печлар, термостат ва қуритиш шкафлари каби қурилмалар ишлатилади. Иш жараёнида ушбу қурилмаларнинг қиздириш элементлари тез ишдан чиқиш эҳтимоли катта. Шу сабабли, ушбу қурилмаларнинг қиздириш элементларининг электр ҳисобини аниқлаш ва янги қиздириш элементлари тайёрлаб, уларни тезкор ишга тушириш иш самарадорлигини оширади.

Олиб борилган изланишлар натижасида юқорида келтирилган қурилмаларнинг иситиш элементлари лойиҳаси ва ҳарорат даражалари ўрганилди. Нефт махсулотларини анализ қилишда берк чулғамли қиздириш элементидан ташкил топган электр иситкичлар ишлатилади. Одатда бу қиздириш элементлари маҳсулотнинг ҳароратини 400^oC гача қиздириш учун мўлжалланган

ва ҳароратни назорат қилиб туриш ҳамда автоматик ўчириб–ёқиш учун турли ҳарорат ўлчагичлардан фойдаланилади.

Аграр ишлаб чиқаришни табиий атроф муҳитга хаддан ташқари таъсири муаммоларини бартараф қилиш бу ишлаб чиқариш ва фаолият турларини ривожлантиришни экологик йўналтирилганлиги соҳасида ётади. Бу нарса қишлоқ хўжалиги ерларининг қатъий белгиланган экологик меъёрлар шароитида фойдаланиш билан боғлиқ. Табиийки, аграр соҳани диверсификациялашни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини экологик йўналтирилганлиги билан боғлиқ бўлган муаммоларини хал қилиш доирасида амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Диверсификация тўғрисида сўз юритилганда айтиш керакки, у қишлоқ хўжалигида нафақат бозор талаблари ва ундаги вазият ўзгариб туриши омиллари билан тақазо қилинган, балки бу тармоқда қўлланиладиган ишлаб чиқариш омиллари билан ҳам боғлиқ, яъни қишлоқ хўжалигида асосий ва ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайдиган ишлаб чиқариш воситаси бўлган ерда алмаштирмасдан сурункали бир хил қишлоқ хўжалиги экин турларини узоқ муддат (йиллар) парваришлаб бўлмаслиги.

Юқоридагилардан келиб чиқиб Фарғона вилояти қишлоқ хўжалиги субъектлари фаолиятини тахлил қилиш ўзида маълум бир қизиқиш уйғотади.

Фарғона вилоятида 1 январь 2013 йил ҳолатига 7938 та фермер хўжалиги мавжуд бўлиб, уларга ажратилган ер майдонлари 338,8 минг гектарни ташкил қилади.

Фарғона вилояти қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатаётган деҳқон хўжаликларига келсак қуйидаги манзарани кўришимиз мумкин.

Вилоятда 2012 йили деҳқон хўжаликларининг умумий сони 579,9 мингта бўлиб, уларга ажратилган ер майдони 71,3 минг гектарни ташкил қилган. Бу ер майдони фермер хўжаликларига ажратилган ерни 21,1% ига тенгдир. Бироқ, вилоят қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотида деҳқон хўжаликларининг улуши анча катта бўлиб, 63,9% ни ташкил қилади. Фермер хўжаликлари улуши эса, уларга бириктирилган ер майдони бир неча баробар ортиқ бўлишига қарамасдан, 36,1 % дан иборат холос. Бунинг сабаби айнан диверсификация доирасида ётади. Чунки деҳқон хўжаликлари етиштираётган маҳсулот турлари, фермер хўжаликлариникига қараганда, анча юқори даражада турли -тумандир. Уларда гўшт, сут, картошка, полиз, сабзавот, узум ва бошқа кўп турдаги маҳсулотлар етиштирилади.

Кўриниб турибдики, деҳқон хўжаликларида шаклланган диверсификация биринчи навбатда иқтисодий жиҳатдан сезиларли самара бермоқда, сўнг эса у экологик жиҳатдан ҳам самарага эга, чунки бундай вазиятда ерлардан олинаётган юқори ҳосил уларни (ерларни) унумдорлигига путур етказмаган ҳолда, балки уни ортиши шароитида амалга оширилмоқда.

АГРАР СОҲАНИ ЭКОЛОГИЯЛАШТИРИШ - ЕР РЕСУРСЛАРИДАН БАРҚАРОР ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИННОВАЦИОН ЙЎНАЛИШИДИР

Л.Таджибаева - ФарДУ

В статье рассматривается инновационный подход к внедрению органического сельского хозяйства.

The article covers innovative approaches in introduction of organic agriculture.

Кейинги йилларда инсоният олдида дехқончиликни янада ривожлантириш йўлларини топиш, унинг юқори унумдорлиги ва экологик хавфсизлигининг альтернатив йўлларини қидириб топиш муаммоси келиб чиқди. Чунки кимёлаштиришга асосланган анъанавий дехқончилик жонли табиатнинг ўз-ўзини тартибга солиш қобилиятига путр етказмоқда.

Қишлоқ хўжалигида кимёвий моддалардан кенг кўламда фойдаланишда салбий таъсир икки йўналишда кўринади:

1. Агрокимё воситалари қўлланилганда тупроқнинг ифлосланиши рўй бериб, унда турли хил, унга ёт бўлган унсурлар миқдори, масалан, кадмий, хром, ва шунга ўхшаш оғир металлар кўпаяди. Бунинг устига зараркунанда ва касалликларга қарши қўлланилаётган пестицидлар нафақат атмосфера ва гидросферани ифлослантиради, балки тупроқда анчагина миқдорда тўпланиб уни экологик ҳолатини бузади.
2. Кимёвий моддалар билан заҳарланган майдонларда инсон саломатлигига катта зарар етказиш қобилиятига эга бўлган маҳсулотлар етиштирилмоқда. Аграр маҳсулотлар миқдор жиҳатидан ортди, бироқ унинг сифати ёмонлашди.

Юқоридагиларга кўра аграр соҳани ривожлантиришда инновацион ёндашув зарурати келиб чиқди. Ривожлантиришни ушбу йўналишларидан бири бу органик дехқончиликдир.

Қишлоқ хўжалиги амалиётини олиб бориш шаклларидан бири бўлган органик дехқончилик концепциясининг асосчиларининг фикрича экологик агротехника қуйидаги вазифаларни хал қилиши керак:

- нафақат инсон ҳаёт фаолиятини таъминлаш учун озиқ-овқат, балки одамлар соғлигини яхшиловчи маҳсулотлар етиштириш;
- табиатда биологик мувозанатни барқарорлаштириш, маҳсулот экологик хавфсиз бўлиши, хўжалик юритишни оддий усул ва воситаларидан фойдаланиш.

Органик қишлоқ хўжалиги деганда дунёда ҳозирда шаклланган тушунча бўйича қуйидаги агроишлаб-чиқариш амалиёти тушунилади:

- синтетик химикатлардан (ўғит, пестицид, антибиотик ва шунга ўхшаш) фойдаланмаслик;
- тупроққа минимал ишлов бериш;
- генетик ўзгартирилган организмлардан фойдаланмаслик ва турли соҳаларни (дехқончилик, сабзавотчилик, боғдорчилик, чорвачилик, паррандачилик ва бошқалар) қамраб олиш.

Органик қишлоқ хўжалигини юритиш дунёда кенг тарқалиб бормоқда. Ҳозирда органик қишлоқ хўжалиги билан катта майдонлар банд: Европада-5.1 млн.га, Шимолий Америкада-1.5 млн.га, Лотин Америкасида-4.7 млн.га, Австралияда-10.6 млн.га.

Шундай экан ушбу деҳқончилик усули табиатни “табиийлигини” ошириш ҳисобига самарадорликни кўтариш бўлиб ушбу концепция моҳияти қуйидагилардан иборат:

- Микробиологик фаолият қўллаб-қувватлаш ҳисобига “жонли ва соғлом” тупроқ барпо қилиш;
- Хўжалик озуқа моддалар балансини таъминлаган ҳолда маҳсулотни такрор ишлаб чиқариш учун ички ресурслардан тўлиқ фойдаланиши;
- Фақат органик ўғитлар қўлланилади;
- Бегона ўтлар, зараркунандалар ва касалликлар билан фақат механик, профилактик ва биологик усуллар билан курашилади;
- Одатда тупроққа босим ўтказмасдан ишлов берилади;
- Тупроқ унумдорлигини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича тартибга солишнинг ҳамма тадбирлари алмашлаб экиш тизимида амалга оширилади.

Хозирча Фарғона вилоятида, бутун республикада бўлгани каби органик дехқончилик юритиш амалиёти хаттоки, тажриба тариқасида хам, қарор топмаган. Бироқ ушбу масалани кун тартибига қўйиш фурсати келиб етган ва энг долзарб масалалардан биридир. Чунки бу нарса қишлоқ хўжалиги ерларидан оқилона фойдаланиш орқали, уни истиқболба ривожлантиришни энг муҳим магистрал йўналишларидан биридир. Шунга кўра ушбу масалани ижобий хал қилмасдан аграр соҳада маҳсулот ишлаб чиқариш хажмини кўпайтириш ва ҳосилдорликни ошириш билан биргаликда ерлар унумдорлигини асраш деярли амалга ошириб бўлмайдиган масаладир.

ЭКОЛОГИЯ БИЛАН ОЗИҚ-ОВҚАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ ВА УНИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДАГИ ҲОЛАТИ

Л.Таджибаева - ФарДУ

В статье рассмотрены основные направления взаимосвязи экологии и производства продовольственных товаров на примере Ферганской области.

The article covers the main directions of links between ecology and food production in Ferghana province.

Сайёра экологияси ва озиқ-овқат ишлаб чиқариш бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Қадим замонлардан хозирги давргача аҳоли сонини ва алоҳида олинган инсонлар истеъмолини ўсиши озиқ-овқат ишлаб чиқаришни кўпайтиришни талаб қилган. Хозиргача озиқ-овқат муаммосини ҳал қилиш бир вақтнинг ўзида икки йўналиш бўйича амалга оширилган. Биринчиси - ўрмонларни кесиш ва ёқиш, чўлларни хайдаш, ботқоқликларни қуритиш, чўлларга,саҳроларга, ярим саҳролдарга дарё ва каналлар қазиш хисобига сув чиқариш. Инфратузилма объектлари учун ҳам (йўллар, омборлар, техника парклари, чорвачилик фермалари, турар-жойлар ва х. к.) анчагина ерлар ажратилган.

Озиқ-овқат ишлаб чиқаришни кенгайтириш эхтиёжи билан атроф-муҳитни асраш ўртасидаги қарама-қаршилик ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш йўли билан амалга оширилган холос: қишлоқ хўжалиги хосилдорлигини ошириш, чорва молларини маҳсулдорлигини орттириш.

Бироқ, хеч нарсага қарамасдан инсон томонидан яшаш муҳитига етказилган зарар ортиб борди. Хозирги пайтгача ўрмонларни 2/3 қисми кесиб ташланган, биосферада тупроқни 1/3 қатламини йўқотган, деярли барча жойда чўллар ландшафт типи сифатида йўқ бўлиб кетган, ҳайвонот дунёси ўзини ярим турини йўқотган.

XX аср охирига ушбу икки йўналиш ўзида мужассамлашган имкониятларни тугаллаб бўлди, чунки сайёрада ишлов бериш мумкин бўлган ерлар майдони энг

кўпи билан 500 млн га, яъни учдан бирга кенгайтирилиши мумкин холос. Шунинг билан бирга фойдаланилаётган ерлар деградацияга учрамоқда. Мавжуд бўлган маълумотларга кўра 50 йилдан кейин озиқ-овқат ишлаб чиқариш учун 550 млн га ер яроқсиз бўлиши мумкин.

Табиатга инсон фаолиятининг барча турлари,шу жумладан озиқ-овқат махсулотлари ишлаб чиқариш, зарар етказяпти. Қадимги даврларда инсон озиқ-овқати таркибида табиат инъомлари-дарахтлар мевалари, идизлар, балиқлар ва ёввойи хайвонлар гўшти, сув ўсимликлари устун бўлган. Аҳолини ўсиши ва техникани ривожланиши борасида ақл-заковати ва маҳорати устунликка эришиб борди. Бунинг оқибати сифатида атроф-муҳитга етказилдган зарар ортиб борди, чунки дон, сабзавот, мева, гўшт ишлаб чиқариш тобора кўпроқ экин майдонлари, яйловлар талаб қилади.

Хозирги даврда инсониятни катта қисмида табиат инъомлари озиқ-овқат тузилмасида 5% дан ошмайди. Озиқ-овқатни ас осий ишлаб чиқарувчиси бўлган агросаноат мажмуаси ва қисман-ўрмон ва балиқ хўжалигидир. Сайёра аҳолиси ва биосферага етказилган зарар ўсиб борган сари бу улуш мунтазам қисқармоқда.

Аҳолини ўсиб бориши бутун дунёда озиқ-овқат муаммосини кескинлаштирмоқда. Бу муаммо Ўзбекистон учун хам маълум даражада характерлидир.Чунки мустақилликни дастлабки йилида (1991йил) Ўзбекистон аҳолиси 20 млн дан ортиқровқ бўлган бўлса хозирда (2012 йил) 30 млн дан ошди. Бу нарса озиқ-овқат етиштиришга йўналтирилган соҳалар олдига жуда катта вазифалар қўйишлиги турган гап. Тўғри,айнан шу йилларда қишлоқ хўжалиги махсулотларини кўп турларини етиштириш яхши йўлга қўйилди. Бу тўғрида қуйидаги маълумотлар яхши гувоҳлик беради, Фарғона вилоятида 2010 йили етиштирилган бошоқли дон хажми 1990 йил даражасига қараганда 15,9 марта, картошка 7,4 марта, сабзавот- 5,4 марта, полиз-115,9 % га ортган. Ушбу маълумотлар Фарғона вилоятида, бутун республикада бўлгани каби, мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалиги махсулотлари, яъни озиқ-овқат махсулотлари етиштиришда катта ютуқлар қўлга киритилган. Шу туфайли озиқ-овқат хавфсизлиги асосан таъминланганлигидан далолат беради. Шу билан бирга, айтиш керакки, экологик хавфсизлик масаласида бундай фикр юритиб бўлмайди. Чунки озиқ-овқат етиштиришдаги муваффақиятлар экологик холатни яхшиланиши шароитида амалга оширилмади, балки бу соҳада салбий тенденциялар кузатилади.Чунки таҳлил қилинаётган йиллар давомида ер холатини муҳим кўрсаткичи, яъни бонитет балли сезиларли даражада тушиб кетган (вилоят бўйича 66 баллдан 56 гача),бу дегани экологик хавфсизликка путр етган. Аграр соҳада табиий омилларга, айни холатда ер ресурсларига, салбий таьсир кўрсатиб хўжалик юритиш пировордида сохада барқарор ривожланиш тамоилларига зиддир. Шунга кўра, Фарғона вилояти қишлоқ хўжалигини ривожлантириш орқали озиқ-овқат муаммосини хал қилиш иқтисодий омиллар билан экологик омилларни уйғунлаштиришни талаб қилади.

АГРАР СОХАДА ИННОВАЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ – ИНТЕНСИВ РИВОЖЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА

М.Адҳамов – проф.,ФарДУ

В статье рассматриваются вопросы интенсивного развития аграрных отраслей на основе инновационной деятельности.

In this article the issues of intensive development of agrarian branch on bases if innovative activity is reviewed.

“Юксак технологиялар асри” деб ном олган XXI аср – компанияларининг реал бахоси уларнинг моддий активлари билан эмас, балки номоддий активлари даражаси билан ўлчаниши диққатга сазавордир. Бундай активлар инновацион ғоялар, технологиялар ҳамда компанияларнинг бирлашиши ва ахборот ресурсларидан фойдаланиш стратегияларини яратиш билан ўлчанмоқда, чунки бозордаги ўзгаришларга тез мослаша оладиган, таркиби, бизнес юритиш усуллари, маҳсулот ва хизматларнинг диверсификацияси орқали компаниялар иқтисодий муваффақиятга эришмоқдалар. Демак, бундай жараёнлар – интелектуал ва инновацион маҳсулотларни иқтисодий ўсишнинг бош омилига айланиб бормоқда. Аграр соха тармоқ ва хўжалик субъектларининг стратегик ривожланиши ҳудди шундай интеллектуал маҳсулот негизида интенсив ривожланиш босқичига кириб бориши лозим.

Аграр соҳага ҳам инновацион жараёнлар тез кириб бормоқда. Масалан, мамлакатимиз боғдорчиликда интенсив мева (айниқса тез пишар олма нави) боғларининг барпо этилиши мева боғларининг хосилга кириш муддатини ва ишлаб чиқариш харажатларини анчага камайтирди. Натижада мева боғларининг касалликка чидамлилиги ва агротехник ишлов мезонларини бирмунча камайтирди.

Аграр соҳага ҳам интернет технологиялар ва ахборот коммуникация тизимининг кириб келиши шу соҳа бўйича тегишли қарор қабул қилиш имкониятларини кенгайтирди ва ишлаб чиқаришда зарурий технологияларни танлашда вақтни қисқартирди. Ахборот коммуникацион технологияларнинг ривожланиши қишлоқ хўжалигида маҳсулот сифати ва истеъмоллик даражасини белгилашга имкон яратмоқда. Буларнинг барчаси аграр соҳа фаолияти ва ривожланишини инновацион тамойиллар ва механизмларга асосланган юқори технологик хўжалик субъекти сифатида тасаввур этиш кераклигини кўрсатмоқда.

Бизнингча, аграр соҳа тармоқ ва субъектлари фаолиятида инновацион ўзгаришлар тенденциялари қуйидагилар билан боғликдир:

- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва сотиш бозорининг шаклланишига олиб келувчи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозорларининг глобаллашуви;
- экспортбоп қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш миллий ҳудудий бозорларнинг либераллашуви ҳамда бошқарувдаги ўзгаришлар натижасида “сотиш бозорида” янги рақобатчилар ва истеъмолчиларнинг пайдо бўлиши;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозорида глобал алоқанинг шаклланишига имкон яратувчи жаҳон интеграцияланган технологик тизимга ўтиш жараёнлари;
- қишлоқ хўжалиги тизимида интенсив ривожланишга асос яратувчи “қишлоқ хўжалик инновацион технопарклар”ни яратиш ва муқобиллаштириш;
- инновацион жараёнларни комплекс амалга оширишда жаҳон тажрибалари (айниқса, Жанубий Корея “чеболлари мўжизаси”)ни ўрганган ҳолда аграр сохани интенсив ривожланиш концепциясини такомиллаштириш;
- мамлакатимизда аграр сохани интенсив ривожлантиришнинг молиявий асосини шакллантириш ва бу орқали агротармоқ ва ҳудуд ривожланишининг иқтисодолларини белгилаш;
- агросаноат корхоналарида инновацион фаолиятни шакллантириш ва бу орқали маҳсулотнинг илмий-иқтисодий кўрсаткичлари рақобатбардошлигига эришиш йўл-йўриқларини яратиш ва бошқалар.

Юқорида таъкидланган аграр соҳада инновацион фаолиятни ташкил этишнинг илмий-методологик асосларини такомиллаштиришда университетларда шаклланиб бораётган инновациялар марказлари “Фан – таълим – ишлаб чиқариш” тизимини бир тармоқ ёки ҳудуд, ёки мамлакат доирасидан чиқиб глобаллашуви, корхона ва тадбиркор буюртмаси асосида янги лойиҳа ва ишланмаларни яратиш воситаси бўлиб қолади.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш лозимки, бозор иқтисодиётига ўтишнинг “ўзбек модели” да кўрсатилишича, давлат бош ислохотчи бўлгани каби, аграр соҳада инновацион жараёнларни ташкил этиш ва уни амалга оширишда доимо уни қўллаб-қувватлаш мақсадга мувофиқдир. Аграр соҳада ҳам интенсив ривожланиш фақатгина инновациялар орқали амалга оширилиши давр талабидир.

ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Н.Ахмедова – магистрант, ФарДУ

В данной статье предусмотрена цель проведения мер и ряд мероприятий стабильного развития фермерских хозяйств в период модернизацией аграрной сферы в Республике Узбекистан. Эти меры служат важным фактором при стабильном развитии фермерских хозяйств, внедряя современные инновационные агротехнологии.

This article envisages carrying out the campaign of the stable development of farming in the condition of modernization of the agrarian branch in the Republic of Uzbekistan. This campaign is a main factor for stable development of farming through creating innovative agricultural technology.

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётининг барқарор ривожланиши, фермер хўжаликлари фаолиятини амалга оширишнинг қандай ва қай даражада йўлга қўйилганлигига кўп жихатдан боғлиқдир. Шу боис, юртимизда фермер хўжаликлари фаолиятини замон талаблари асосида ташкил этиш ҳамда мунтазам такомиллаштириш масалаларига эътибор қаратишни тақозо этмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистонни 2012 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, «фермерларимизнинг онгу тафаккурида ўз ери ва ишлаб чиқараётган маҳсулотига нисбатан эгалик хиссиёти йилдан-йилга тобора мустаҳкамланиб, уларнинг ўз меҳнати натижасидан манфаатдорлиги ошиб бормоқда. Энг асосийси, одамларимизнинг онги ва дунёқараши тубдан ўзгармоқда, бебаҳо бойлигимиз бўлган ер ва сув ресурсларидан самарали ҳамда оқилона фойдаланиш учун масъулият туйғуси кучаймоқда. Сўнгги йилларда қабул қилинган қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар фермер хўжаликлари ваколатларини сезиларли равишда кенгайтирди».

Албатта, қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотлар фермер хўжаликларни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада кучли ҳуқуқий асос яратиш моддий техник базани мустаҳкамлаш, фермерларнинг ер майдонларининг мақбуллаштириш борасида амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирлар фермер хўжаликлари самарадорлиги ва рентабеллиги ўсишини таъминлади. Натижада фермерлар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда ҳал

қилувчи кучга айланди. Бугунги кунда етиштирилаётган ғалланинг 80 фоиздан ортиғи, пилланинг 98 фоизи ва пахтанинг 99,5 фоизи фермер хўжалиги хиссасига тўғри келади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрда қабул қилинган "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ана шу мақсадга хизмат қилади.

2012 йил якунларига кўра мамлакатимиз ялпи ички махсулоти 8,2 фоиз, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 7,7 фоиз, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳажми 7 фоиз, қурилиш ишлари ҳажми 11,5 фоиз, чакана товар айланмаси ҳажми 13,9 фоиз, хизмат кўрсатиш ҳажми 14,2 фоизга ўсди. Давлат бюджети ЯИМга нисбатан 0,4 фоиз миқдорида профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси белгиланган прогноз кўрсаткичларидан ошмади. 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурда ЯИМни 8 фоизга, саноатни 8,4 фоизга,қишлоқхўжалигини 6 фоизга, асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмини 11 фоизга, хизмат кўрсатиш сохасини 16 фоизга ошириш кўзда тутилган.

Аграр соҳани модернизациялаш шароитида фермер хўжаликларини барқарор ривожлантириш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

- фермер хўжаликларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, ишлаб чиқариш ҳаражатларини қисқартириш ва тежаш мақсадида мавжуд ресурслардан самарали фойдаланишнинг аниқ тадбирларини ишлаб чиқиш;
- фермер хўжаликларининг қишлоқда янгидек ривожланаётган ижтимоий-сиёсий куч сифатида мамлакат иқтисодиётидаги ўрнини янада ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқариш;
- фермер хўжаликларини барқарор ривожлантиришнинг устувор йўналишларини такомиллаштириб, уларни амалга оширишнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини ёритиб бериш;
- давлат томонидан фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш тизимини тартибга солиш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш бўйича аниқ чора-тадбирларни жорий этиш;
- фермер хўжаликларида мулкий муносабатларни танлаш, кам ҳаражат талаб қилувчи ва экологик барқарорликни сақлаб турувчи технологияларни қўллаш бўйича йўлланма хамда таклифлар ишлаб чиқиш;
- фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектлари ишини янада ривожлантириш ва ушбу соҳада рақобат муҳитини шакллантириш бўйича тавсияномалар ишлаб чиқиш.

Ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш пировардида фермер хўжаликларининг замонавий инновацион агротехнологияларини жорий қилиш орқали барқарор ривожланишини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ТАБИАТИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ КАРТАСИНИ ЯРАТИШДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ

О.Абдуғаниев, Ю.Аҳмадалиев,
Ҳ.Абдувалиев - ФарДУ

В данной статье даны рекомендации по анализу и внесению на картографическую основу показателей, отражающих экологическое состояние ландшафтов Ферганской области и разделению их на экологические районы.

In a mentioned article recommendations were given about analyzing the determiners which reflex ecologic situations in landscapes and map substantiating, learning an agreement about ecologic provinces.

Ўзбекистонда геоэкологик нуқтаи назардан энг кучли ўзгаришга учраган ҳудудлардан бири Фарғона вилояти ҳисобланади. Қулай табиий шароити ва ресурслардан фойдаланиш имкониятининг нисбатан юқорилиги аҳолининг зич жойлашуви, аҳоли пунктлари сонининг кўплиги ва зичлиги (5 та шаҳар, 556 та шаҳарча), саноатнинг ривожланганлиги, ердан 2-3 марта ҳосил олинадиган интенсив деҳқончиликнинг ривожланганлиги табиатга антропоген босимнинг республика бўйича энг юқори даражада бўлишига олиб келди. Шунинг учун ҳам Фарғона вилоятида табиатини муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини такомиллаштириш, аҳолининг экологик маданиятини кўтариш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича олиб борилган кўп йиллик тадқиқотлар инновацион лойиҳага қуйидаги *мақсад*ни қўяди – Фарғона вилояти табиатини муҳофаза қилиш картасининг оригинал вариантини тайёрлаш, уни чоп этиш ва амалга тадбиқ этиш. Ушбу мақсад қуйидаги *вазифаларни* бажаришни талаб этилади.

- 1: 200 000 масштабли Фарғона вилояти ландшафт картасининг нусхасининг электрон вариантини тайёрлаш ва уни генерализация қилиш;
- 1: 200 000 масштабли Фарғона вилояти геотизимларининг ўзгарганлик индекси картасининг электрон вариантини тайёрлаш;
- Фарғона вилояти ландшафтларидаги экологик вазиятни акс эттирувчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш ва картографик асосга тушириш, уларни экологик районларга ажратиш;
- Табиатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини экологик районлар бўйича амалга оширишнинг амалий томонларини очиб бериш;
- Фарғона вилояти табиатини муҳофаза қилиш картасини ташкилот, корхона ва муассасаларда тақдимот қилиш.

Ландшафт картасини тайёрлашда вилоят ландшафтлари типологик ёндашув асосида таснифланади, рақамланади ва чегаралари чизиқлар билан ажратилиб, контурлари сифатли ранг усулида акс эттирилади ҳамда тартиб рақами сонлар билан кўрсатилади. Демоэкологик картани тайёрлашда дастлаб ҳар бир ландшафтдаги аҳоли сони ва зичлиги ҳисобланади. “Ер сиғими” (О.Рахматуллев, 2008) ва “Экологик из” (К.Вебстр, 2004) кўрсаткичларини умумлаштириб, вилоят ландшафтларининг “Экологик сиғими” ҳисобланади. Сўнгра, ушбу кўрсаткич бўйича ландшафтлар 7 поғонали шкалада миқдорли ранг усулида тасвирланади.

Геотизимларнинг антропоген элементлар билан бандлиги картасини тайёрлаш учун дастлаб ҳар бир ландшафтнинг қанча фоиз майдони антропоген, яъни ландшафтнинг сунъий элементлари билан бандлиги ҳисобланади. Сўнгра, ушбу кўрсаткич бўйича ландшафтлар 7 поғонали шкалада миқдорли ранг усулида акс

эттирилади. Табиатни муҳофаза қилиш картаси комплекс, мураккаб легендали карта бўлиб, у мазкур ҳудудда экологик вазиятни акс эттирувчи кўрсатгич ва омиллардан фойдаланган ҳолда ландшафтлар 5 даражадаги экологик вазият мезонлари шкаласи асосида баҳоланади ва экологик вазияти бир хил даражадаги ландшафтларни бирлаштириш усули билан экологик районлар ажратилади. Илмий асосланган ва амалда синовдан ўтган табиатни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари эса экологик районлар бўйича тавсия этилади.

Илк бор муайян бир вилоят миқёсида табиий мажмуалар – ландшафтларнинг экологик ҳолати замонавий географик ахборот тизимлари (ГАТ) технологиясини қўллаш орқали баҳоланади. Бу эса нафақат геотизимларнинг компонентлари, балки уларнинг мажмуали ҳолатини оператив равишда баҳолаш, унинг даврий ўзгариш мониторингини олиб бориш ва тегишли чора-тадбирлар тизимини жорий қилиш имкониятини беради. Маълумки экологик вазият регионаллик хусусиятига эга. Республикамизда табиий ресурсларидан оқилона фойдаланиш, бузилган табиат комплексларини қайта тиклаш ва атроф-муҳит ҳолатини муҳофаза қилиш йирик маъмурий бирликлар доирасида бошқарилади. Фарғона вилояти эса ўзининг биологик хилма-хиллиги, табиат-жамият муносабатлари ўртасидаги номутаносибликлар туфайли юзага келган экологик муаммолар яққол намоён бўлган тажриба ҳудуди сифатида ишлатилиши мақсадга мувофиқдир.

Таклиф қилинаётган ишланманинг инновацион *афзаллиги* қуйидагиларда кўринади*:* биринчидан, “Фарғона вилояти табиатини муҳофаза қилиш картаси”нинг йирик масштабда (1:200000) тузилиши геомажмуаларнинг реал ҳолатининг охирги маъмуломтлар асосида атрофлича кўрсатилганлиги; иккинчидан, замонавий ГАТ технологияларидан фойдаланиш ва уларнинг электрон версиясини бериш унинг аниқлигини оширади ва тез ўзгарувчан экологик вазиятларга тез мослаштириш имкониятини яратади; учинчидан, таксономик бирликлар маъмурий туман эмас, балки табиат геомажмуаларининг олинганлиги; тўртинчидан, антропген юкни “Ер сиғими” ва “Экологик из”ни ҳисоблаш орқали берилганлиги, маҳаллий экологик фарқларни аниқлашда дастлабки таҳлилни баландлик минтақаларига, энг қуйи босқичда эса ландшафт турларига асосланганлиги балан белгиланади.

ЕРЛАРНИ ЯХШИЛАШДА ЮҚОРИ САМАРАЛИ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ

О.Н.Сулаймонов қ.х.ф.н., доц., А.А.Базаров - ФарПИ

В статье освещены пути улучшения почвы для роста, развития и урожайности хлопчатника, внедрения инновационных технологий для улучшения соляной почвы.

In the present article improvement of ground for growing, developments and raising the productivity of the cotton, introduction of innovative technologies for improvement of the salty soil are reflected.

Республикамизнинг суғориладиган ерларининг кўп қисми турли даражада шўрланган. Масалан, Марказий Фарғона ҳудуди тупроқларида табиий ёки қишлоқ хўжалик техникаларини кўп марта кириши натижасида ва сурункасига суғориш туфайли ўсимликларнинг асосий илдизи ўсадиган қатламларида тупроқ заррачалари ҳаддан ташқари зичлашиб кетган.

Айрим олимларимиз бунга сабаб натрий-магнийнинг хлор ва олтингугурт бирикмалари, грунт сувлари юзасида ҳосил бўлишини таъкидлаган бўлса, бошқа олимларнинг фикрича ўсимликларнинг ўзи тупроқни шўрланишига сабабчи дейди. Чунки ўсимликлар ҳайдов ости қатламдаги тузларни илдиз орқали сўриб олади, натижада ўзини ўзи нобуд қилади, тупроқ грунт суюқлигидан юқорига натрий тузи транспирация натижасида тупроқ юзасига кўтарилади, таҳминан 0-2 см тупроқ қатламида зич қатқалоқ ҳолатида, тузнинг горизонт қатламини ҳосил қилади. Бу тузли горизонтлар Фарғона вилоятининг Марказий Фарғона ҳудудлари (Бувайда, Учкўприк, Риштон, Боғдод, Олтиариқ, Тошлоқ, Ёзёвон, Охунбобоев туманлари)дан то Андижон вилоятининг Улуғнор туманигача тарқалган. Бу ерлардаги зич қатламларини қишлоқ хўжалигидаги мавжуд техникалар билан юмшатиш осон эмас, улар тўлиқ қотмаган бетонга ўхшайди. Бу ўз навбатида тупроқларнинг шўрланишига ва ҳайдов ости қатлами нотекис бўлган жойларда ботқоқликларни ҳосил бўлишига олиб келади. Бу ерлар деҳқонлар тили билан айтганда аэродромлар деб ном олган.

Бундай зич қатламларни парчалаш анча мураккаб бўлиб, жуда катта маблағ ва энергия сарфини тақозо этади. Шунинг учун ҳам бу масала ҳозирда муаммо бўлиб турибди. Шунга қарамай, кейинги вақтда бу қатламларни парчалаш учун чуқур юмшатиш қурилмалари қўлланилмоқда. Бу усуллар ўз навбатида катта ҳаражат ва энергия сарфини талаб этади, натижада мазкур ишлов жуда қимматга тушмоқда.

Юқоридаги муаммони ечиш учун Фарғона политехника институти олимлари томонидан газодинамик тўлқинлар ёрдамида ишловчи цилиндрсимон тешиклар кавлайдиган қурилма яратилди.

Бу қурилмада ёнилғи ва ҳаво аралашмаси қувурларда детонацион тўлқинлар зарбаси ҳосил қилади. Детонацион тўлқинлар эса ўз навбатида вертикал йўналишда цилиндрсимон тешиклар тешишда асосий ишчи орган хизматини ўтайди. Детонацион тўлқинлар генераторнинг ишини қуйидагича изоҳлаш мумкин: ёнилғи ҳаво аралашмаси ёндириш камерасига узатилади. Ёндириш камераси, ички диаметри 50 мм ли қовурғали қувурдан иборат. Камеранинг бошланиш қисмидан ёнилғи ҳаво аралашмасини олиб келувчи қурилма, алангани тўсувчи клапан, жойлашган бўлиб, охирги қисмидаги фланец эса кичикроқ диаметрли қувур билан уланган. Ёндириш камерасида генератор ишини бошловчи бошқарувчи тизимдан свеча электроди 50 Гц гача частотадаги юқори вольтли электр импульси таъсирида ёнилғи-ҳаво аралашмасини алангаланишига олиб келади. Юқори газ оқимидаги учқун ҳимояси учун ёндириш свечаси цилиндрсимон экранга футоркага жойлаштирилади. Аланга, алангани тезлаштирувчи турбулизаторга ўтади. Ҳайдаш қувури узунлиги 3м, ички диаметри 25 мм металл стандарт қувурдан иборат (1-расм).



1-расм. Детонацион тўлқинлар генератори схемаси.

1 – ёнилғи ҳаво аралашмасини узатувчи қурилма, 2 – аланга тўсувчи клапан, 3 – ёндириш камераси, 4 – футорка, 5 – свеча, 6 – турболизатор, 7 – қувур, 8 – сигнализация датчиги, 9 – ёнган газ, 10 – детонацион зарба, 11 – тупроқ.

Аралашмани тайёрлаш тизими бензин билан ҳаво аралашмасини белгиланган таркибда ҳосил қилиш ва ишчи органларига узатиш учун мўлжалланган.

Очиқ томони билан ерга қаратилган ва вертикал йўналишда кирувчи детонацион қувур, цилиндрсимон тешик кавлайди. Кавлаш тезлиги тажрибаларнинг кўрсатишича 1,5 м/мин га тенг.

Детонацион ишлов берилган тупроқ CO, CO_2 ва азот оксидларини қабул қилади. Азот оксиди тупроқдаги минерал ўғитлар самарадорлигини оширади ва CO_2 гази ўсимликни нафақат илдизи, балки барглари орқали озиқлантиради.

Тупроққа газодинамик ишлов бериш усулини суғориладиган оч тусли бўз ерларни мелиоратив ҳолати яхшилашга тадбиқ этишда тупроқнинг агрофизик-агрокимёвий хоссаларига, ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсирини аниқланади ҳамда детонация жараёнида ажралиб чиққан гази таркибидаги CO_2 ўсимликларнинг фотосинтез жараёнини кучайтириши ва бошқаларни асосланади.

Суғориладиган оч тусли бўз тупроқларда унинг юзасини газодинамик тупроқ юмшатгич ёрдамида юмшатишда ғўзанинг ўсиши, ривожланиши учун мақбул шароит яратилади.

Детонацион ишлов беришда чигитнинг униб чиқиши, ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги ҳамда суғориладиган оч тусли бўз тупроқлар хоссаларини яхшилашга эришилади. Газодинамик тупроқ юмшатгич (ГДТЮ) қурилмаси билан тупроққа ишлов бериш технологияси ишлаб чиқилади, яъни ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши учун мақбул шароит яратилади.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ - ТАРАҚҚИЁТ ШАРТИ

О.Юсупов, и.ф.н., доцент - ФарДУ

В статье рассматривается развитие фермерских хозяйств как главной фактор модернизации сельского хозяйства. Анализируется состояние экономики фермерских хозяйств в современных условиях и обобщается опыт передовых хозяйств.

Development of farming enterprises as a main factor of modernization of agriculture is discussed in the article. The analyses is given for the conditions of the economy of farming enterprises in present conditions and experience of advance enterprises is highlighted.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ислох қилиш бўйича аниқ мақсадга қаратилган катта ишлар амалга оширилиши натижасида қишлоқ хўжалиги тубдан ўзгарди. Ишлаб чиқариш жараёнини модернизациялаш ишлари амалга оширилмоқда. Ширкатларни фермер хўжаликларига айлантириш жараёни амалда ниҳоясига етди. Хусусий фермер хўжаликлари, ўз моҳиятига кўра, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий шаклига, соҳани барқарор ва самарали ривожлантиришни таъминлайдиган етакчи кучга айланди.

2013 йил 1 январ ҳолатига кўра республикамизда 66 мингдан ортиқ фермер хўжалиги фаолият юритмоқда, уларда 1,6 миллион киши ёки соҳада банд бўлган аҳолининг қарийиб 90% меҳнат қилмоқда, қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг қарийиб 85% ана шу хўжаликлар хиссасига тўғри келади.

2012 йили мамлакатимиз бўйича тайёрланган ялпи пахта ҳосилининг 99,5%, ғалланинг 85% фермер хўжаликлари томонидан етиштирилди. Юртимизда тайёрланаётган ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида фермер ва деҳқон хўжаликларининг улуши 94 %дан кўпроғини ташкил этмоқда.

Айтиш жоизки кейинги йилларда фермер хўжаликларини хар томонлама қўллаб-қувватлаш айниқса, уларни замонавий техника, тегишли ресурслар билан таъминлаш, қишлоқда зарур инфратузилмани ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор берилаётгани соҳада қўлга киритилаётган ютуқларининг муҳим омили бўлмоқдир.

Бугунги кунда фермер хўжалиги ҳақли равишда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг етакчи бўғинига, уни ташкил этишнинг асосий шаклига айланди.

Кун сайин мустаҳкамланиб, ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган фермерлик харакати Ўзбекистонда ўзини тўла оқлади.

Бироқ фермер хўжаликларини иш фаолиятларига салбий таъсир қилаётган ва ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ошишига тўсқинлик қилаётган омиллар оз эмас. Шулардан бири баҳо масаласи. Муаммо шундаки, шу пайтгача фермер хўжаликлари ўзлари етиштирган пахта ҳосилини ўзлари сота олмайди. Фермерлардан ўртада воситачи бўлган юридик шахсга эга бўлган тайёрлов ташкилотлари сотиб олади. Ички бозор ва ташқи бозордаги олди - сотди ишларни ана шу ташкилот бажаради. Чет эл бозоридаги талабига қараб баҳо қалқиб туради. Баҳода катта ўзгаришлар бўлмаслиги учун маркетинг хизматини йўлга қўйиш, ички ва ташқи бозордаги нарх-наволарни ўрганиб боришни йўлга қўйиш даркор. Шунингдек, фермер ва деҳқон хўжаликлари билан маҳсулотни топширган вақтидаёқ нақд пул билан ҳисоб-китоб қиладиган махсус тайёрлов ташкилотларини тузиш вақти келди деб ҳисоблаймиз. Фермер хўжаликларини янада самарали фаолият кўрсатишлари учун молиявий, транспорт ва бошқа жиҳатлардан енгиллик бермоқ даркор.

Қишлоқ жойларида коммунал хизмат кўрсатиш ишларини тубдан яхшилаш лозим. Қиш пайтларида газ таъминоти пасаяди, электр вақти-вақти билан ўчирилади, сув таъминоти етарли эмас. Ана шу ва бошқа камчиликларни бартараф этилган фермер хўжалиларини ривожланиши яна юқори поғонага кўтарилади.

АГРАР СОҲАНИ ИЛМИЙ АСОСДА РИВОЖЛАНТИРИШДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ

С.Абдисаматова – 2-Фарғона ижтимоий-иқтисодиёт коллежи

Статья освящает вопросы совершенствования механизма внедрения достижений научно-технического прогресса в аграрную сферу.

The article covers the questions of improvements of the mechanism of introduction of the outcomes of scientific researches into agrarian sphere.

Қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида фан-техника ютуқларини жорий қилиш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш инновацион дастурлар асосида олиб борилиши лозим. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги «Ишлаб чиқаришга инновацион лойиҳалар ва технологияларни жорий этишни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-916-сонли қарори бевосита фан билан ишлаб чиқаришнинг ўзаро алоқаларини мустаҳкамлаш ва уни молиялаштиришнинг

таъсирчан бозор тамойилларига мос механизмларини жорий этиш бўйича қатор амалий таклифлар ишлаб чиқилганлиги билан ажралиб туради.

Илмий тадқиқот ишларини янада ривожлантиришда қабул қилинаётган меъёрий ҳужжатларнинг амалий натижалари стратегик жиҳатдан ўта муҳимдир. Демак, ҳозирги шароитда давлатнинг фаол иштироки ва етакчилик роли сақланиб қолиши зарур. Қишлоқ хўжалигида фермер хўжаликларининг устувор ривожланиши ва ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда илмий тадқиқот ишларини уларнинг фаолият йўналишлари – мелиорация, деҳқончилик, чорвачилик, агротехнологик тадбирлар, маҳсулотларни ташиш ва қайта ишлаш ҳамда иқтисодий-ҳуқуқий жиҳатлари бўйича ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Шу нуқтаи назардан ҳам бугунги кунда венчур компаниялари, турли фондлар, инновация корхоналарининг шакллантирилиши, дастлабки фаолияти жараёнида уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг аниқ амалий механизмлари ишлаб чиқилмоғи лозим. Қишлоқ хўжалигида илмий тадқиқот ишларини молиялаштиришга устуворлик берилиши бевосита илмий тадқиқот натижаларини жорий этувчилар молиявий ҳолати нобарқарорлиги сабабли давлат томонидан қўллаб-қувватланиши кўлами ҳар томонлама кенгайтирилишини талаб этади.

Бироқ, бугунги кунда илмий тадқиқот ишларини амалга оширишнинг ҳуқуқий жиҳатлари тўлиқ шаклланмаган. Бу эса бевосита фан ва фан-техника сиёсати тўғрисида қонун ишлаб чиқишни талаб этади. Ушбу қонунда иқтисодиётнинг барча тармоқлари хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш билан фан-техника ютуқларининг ўзаро узвийлигини таъминлайдиган механизмлар тўлиқ аксини топмоғи лозим.

Бинобарин, фан-техника ютуқларини амалиётга жорий қилиш бир бутун мажмуа сифатида олиб борилмас экан, кўзланган натижаларга эришиш қийин. Шунинг учун илмий ечимларни жорий қилиш бўйича махсус дастурлар тузилиши, улар республика миқёсида концептуал, ҳудудлар, вилоятлар, туманлар ва хўжаликлар миқёсида аниқ ва мақсадли йўналишни ва амалга оширилиши мумкин бўлган тадбирлар мажмуасини қамраб олиши лозим.

Фан-техника ютуқларини комплекс дастур орқали жорий қилишдан кутиладиган натижалар қуйидагилардан иборат бўлмоғи лозим: аграр соҳанинг иқтисодий самарадорлигини ошириш; қишлоқ хўжалигини ривожлантириш тадбирларини фан-техника ютуқларини жорий қилиш орқали илмий асосда олиб бориш; ҳудудлар иқтисодиётини ривожлантиришни тезлаштириш; аҳоли даромади паст бўлаётган ҳудудларда турмуш даражасини кўтариш; қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини илмий тавсиялар асосида такомиллаштириш; қишлоқ аҳолисининг билими ва касбий маҳоратини ошириш; чет эл инвестициясини кўпроқ жалб қилиш; қишлоқ хўжалиги маҳсулотини жаҳон бозорига чиқариш ва бошқа шу кабилар.

Бунинг учун биринчи навбатда, олимлар ва илмий тадқиқот муассасаларини илмий ечимлар натижаларига қараб рағбатлантириш, илмий ечимлар жорий қилинишидан олинаётган фойданинг бир қисмини қайта илм-фанга йўналтириш механизмини яратиш муҳим аҳамиятга эга. Бундай механизм бир томондан, муаллифлар ва илмий тадқиқот ташкилотлари ўз маҳсулотларини амалиётга жорий қилиш жараёнида бевосита иштирок этишларини ташкил этиб, бу борада мониторинг олиб бориш имкониятини яратса, иккинчи томондан, муаллифнинг илмий ечимлар устида иш олиб боришга қизиқишини оширади, учинчидан, янги мавзулар бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб бориш учун молиявий манба яратади.

Шундан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалиги тармоқлари бўйича илмий-тадқиқот ишларини чуқурлаштириш, фермер ва деҳқон хўжаликларининг инновацион фаолиятини ошириш орқали соҳага йўналтирилаётган инвестициялар ҳажмини кўпайтириш талаб этилади. Таҳлиллар кўрсатишича, умумиқтисодиётга йўналтирилаётган инвестиция маблағлари таркибида аграр соҳа улуши 2000 йилда 5,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2008 йилга келиб, 3,1 фоизга тушган. Албатта, бу аграр соҳа ривожланишига ва тугалланган илмий-тадқиқотлар натижаларини амалиётга жорий этиш жараёнига салбий таъсир қилмоқда. Бундан ташқари, инвестиция миқдорининг камайиши аграр соҳада илмий тадқиқотларни молиялаштириш ҳажми камайиши билан бирга рўй бермоқда. Бундай ҳолатлар илмий тадқиқот ишлари ҳамда уларнинг натижаларини амалиётга жорий этиш жараёнини яхшилашни, молиялаштиришнинг янги манбаларини топишни талаб этмоқда.

Қишлоқ хўжалигидаги илмий тадқиқотларни молиялаштиришни инновацион лойиҳалар асосида олиб бориш механизмини кенг миқёсда жорий қилишда илмий ғоя, илмий ечим, конструкторлик ишлари, ишлаб чиқариш, маҳсулотни қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш бир тизимга солинади. Маълумки, бозор муносабатлари даврида маҳсулотни сотиш биринчи даражали вазифага айланмоқда. Инновацион лойиҳа асосида иш олиб боришда ҳам лойиҳа тизимидаги асосий бўғин – маҳсулот сотишдан инвестор ўз инвестициясини қайтариб олиши керак. Ушбу лойиҳада илмий ғоя, илмий ечим ниҳоятда зарур ва бу борада лойиҳада илмий муассасаларни молиялаштириш механизми ўз-ўзидан ҳал бўлади. Аммо қишлоқ хўжалигидаги илмий тадқиқотларни олиб боришда бу механизм орқали молиялаштириш усулидан етарли даражада фойдаланилмаяпти.

Қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси (аввалги Фан ва технология маркази) орқали танлов ўтказилиб, молиялаштириш механизмининг такомиллаштиришни талаб қилади. Мавжуд механизмда илмий маҳсулотдан фойдаланувчи нодавлат субъектларнинг илмий тадқиқотларни молиялаштиришдаги иштирокини моддий рағбатлантириш тизимини яратиш зарур. Илмий маҳсулотдан фойдаланаётган субъектларнинг илмий тадқиқотларни молиялаштиришдаги иштирокини таъминлаш бўйича тавсия этилаётган услубдан фойдаланиш илмий изланишлар учун ажратилаётган маблағлар кўламини ошириш, институтлар ва илмий муассасалар моддий-техника базасини мустаҳкамлаш имкониятини беради.

Хулоса қилиб айтганда, қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислоҳотларнинг навбатдаги босқичидаги асосий вазифа соҳадаги мавжуд салоҳиятдан юқори даражада фойдаланиб, қишлоқ хўжалигини илмий асосда ривожлантиришдан иборат.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

С.Исмоилова, Д.Чилматова – ФарДУ

В статье описан один из способов использования информационных технологий для эффективного управления в аграрном бизнесе.

This article is about more effective way of managing agriculture through Internet.

Маълумки, XX асрга нисбатан XXI асрда ахборот алмашинуви тараққиёти жадал суръатларда ривожланмоқда. Дунёнинг бир мамлакатида яратилган янгилик бошқа бир мамлакатда фойдаланиб улгурмасдан туриб эскириб қолмоқда.

Тез суръатлар билан ривожланиб бораётган мамлакатимизда ҳам барча соҳага илғор техника ва технологияларни жорий қилиш ҳукуматимиз олдида турган муҳим, долзарб масалалар бири сифатида эътиборга олиниб, амалга оширилмоқда.

Юртимиз иқтисодиётида қишлоқ хўжалигининг тутган ўрни беқиёс. Соҳа ривожига қатор инновацион технологиялар жорий қилинган. Уларга мисол қилиб бошоқли дон маҳсулотларини йиғиб олишда фойдаланилаётган "CASE", "CLASS", "MAGNIUM" русумли илғор комбайнларни, пахта толаси сифатини халқаро стандартлар бўйича текширувдан ўтказувчи "сифат марказлари", қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда фойдаланилаётган инсон саломатлигига зарар етказмайдиган илғор биологик ҳамда кимёвий ўғитлаш технологияларидан фойдаланишни, етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлашда фойдаланилаётган илғор технологиялар ва замонавий музлатгич хоналарини мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Албатта, бу саъйи-ҳаракатлар мақтовга сазовор. Лекин ҳар қандай соҳада инсон омили ўзининг алоҳида ўрнига эга. Қишлоқ хўжалигида ишловчи фермер, тракторчи, мироб ва бошқа ким бўлишидан қатъий назар ўз вазифасига маъсулият билан ёндошмаса юқорида санаб ўтилган ислоҳотлар ўз самарасини бермайди.

Ушбу мақолада қишлоқ хўжалигида инсон омили таваккалчилигини камайтиришда инновацион технологиялардан фойдаланиш ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Бизнингча кузги ер ҳайдаш ишларидан тортиб, ҳосилни йиғиштириб, истеъмолчига етказгунга қадар барча босқичларни илғор инновацион компьютер технологиялари GPS новигаторлари ёрдамида назорат қилиш ва бошқариш тизимини йўлга қўйиш зарур. Мисол учун Риштон туманида жойлашган "Барака" фермер хўжалигини 200 гектар ерини "MAGNIUM" тракторида ҳайдаш учун 2 кун жадвал бўйича ажратилди. GPS новигаторлари назорати ёрдамида Риштон туманида жойлашган "Барака" фермер хўжалигига тегишли 200 гектар ер майдони махсус белгилар билан белгилаб олинади. Ҳайдаш ишлари соат нечада бошланиб, қачон тугатилаётганлиги, қанча миқдорда ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари сарфланганлиги GPS новигаторлари ёрдамида назорат қилиш мумкин. Агар объектда белгиланган иш ўз вақтида бошланмаса, ёки узоқ муддат тўхтаб қолса, назорат марказида ўтирган ходимга огоҳлантириш хабари келади. Ходим эса ўз навбатида объектнинг раҳбари ёки бевосита тракторчига уяли алоқа воситасида алоқага чиқади. Сабаблар ўз вақтида аниқланиб, бартараф этилади. Маъсулиятсизлик ҳолатлари аниқланса, тегишли интизомий жазо чоралари қўлланилади. Худди шу тизимни экинларни экишда, ерларни қайта тайёрлашда, кимёвий ва биологик ўғитлаш тадбирларини ўтказишда, ҳамда ҳосилни ўз вақтида йиғиб-териб олишда фойдаланиш мумкин. Бунинг учун вилоят, туман миқёсида назорат марказларини ташкил этиш, уларни керакли компьютер технологиялари ва дастурлари ҳамда интернет тизими билан таъминлаш зарур. Назорат марказлари ёрдамида амалга оширилган ишлар ерларни ҳайдашдан тортиб, то ҳосилни йиғиштиришгача бўлган жараён хотирада сақланади, бунинг ёрдамида меҳнатни ташкил этишнинг самаралилик даражаси ва унга тўсқин бўлаётган аниқланади, бартараф этилади.

Маълумки қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда ҳоҳ у ер ҳайдаш бўлсин, ҳоҳ у ҳосилни ёиғиб олиш бўлсин кечикмаслик, ўз вақтида амалга ошириш ўта муҳим аҳамиятга эга. Айтиб ўтилган инновацион технологиялар ёрдамида ушбу

муаммога барҳам берилади ва унумдорликни керакли даражага етказишга эришилади.

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ш.Абдисаматов – катта ўқитувчи, ФарДУ
А.Қамбаров – талаба, ФарДУ

В статье рассматриваются вопросы совершенствования механизма оказания услуг фермерским хозяйствам.

The author of the article analyses the issues of improvement of the mechanism of providing service to farming enterprises.

Бугунги кунда нафақат кишилар ҳаётининг маиший жиҳатлари, балки аграр тармоқнинг ривожланиши, миллий иқтисодиётнинг самарадорлиги ҳам фермер хўжаликларига сервис-хизмат кўрсатиш тизими билан боғлиқ бўлиб бормоқда. Шунинг учун ҳам бу тоифадаги хўжаликларга сервис-хизмати кўрсатиш тизими изчил ривожлантирилмоқда. Бу эса қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг муттасил ошиб боришига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Республикада иқтисодиётнинг турли мулкчилик шакллари билан бир қаторда фермер хўжаликларида ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида ҳукумат томонидан амалга оширилаётган изчил тадбирлар, хизмат соҳасидаги алоҳида олинган тармоқларни ривожлантириш бўйича қабул қилинаётган қатор дастурий йўналишлар хизмат кўрсатиш ва сервис, шунингдек, маиший хизмат кўрсатиш соҳалари юқори суръатлар билан ривожланишига олиб келмоқда.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 майдаги «Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини 2006-2010 йилларда ривожлантириш ҳақида»ги ПҚ-325-сонли, 2007 йил 21 майдаги «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилга қадар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳақида»ги ПҚ-640-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майдаги “2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш давлат дастури тўғрисида”ги ПҚ-1754-сонли қарори бунга муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ушбу қарорларга асосан, фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи сервис-хизматларнинг замонавий илғор турлари – телекоммуникация хизматлари, уяли телефон алоқаси, молия-банк хизматлари, лизинг тартибидаги кредитлар ажратиш, суғурта ва бошқа замонавий хизмат турлари шартнома асосида жадал суръатда ривожланмоқда.

Республикамиздаги фермер хўжаликлари бир хил шароитда жойлашганликларига қарамай, уларда кўрсатилаётган хизматлар бир-биридан кескин фарқ қилади. Бу тоифадаги хўжаликларнинг аксарияти қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш, уни истеъмолчига етказиб беришга қадар бўлган барча жараённи ўзлари амалга оширадилар. Бу кўпинча сервис хизмати кўрсатувчи муассасаларнинг йўқлиги, хизматлар нархлари юқорилиги, сервис хизматидан фойдаланиш ортиқча харажатларни вужудга келитириши сингари сабаблар билан изоҳланади.

Фермер хўжаликларини қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш ва уларга турли йўналишда хизмат кўрсатишни етарли даражада йўлга қўйиш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

- республикамизда кичик ўлчамдаги қишлоқ хўжалиги техника воситаларининг эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;
- фермер хўжаликлари билан машина-трактор парклари ўртасидаги шартнома муносабатларини такомиллаштириш;
- техника воситалари лизинг асосида берилишини таъминлаш;
- фермер хўжаликларидаги сервис хизматлари соҳасига инвестициялар киритилишини рағбатлантириш.

Таъкидлаш жойизки, мазкур тармоқни ривожлантиришда ҳали мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаяпти.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурларни тубдан қайта кўриб чиқиш ва қишлоқ жойларда уларни аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигининг, ҳаёт даражасини оширишнинг муҳим омили сифатида жадал амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар кўриш зарур.

Бу борадаги энг асосий вазифа вазиятга тадбиркор нуқтаи назаридан қараш, яъни соҳани ривожлантириш учун нима тўсқинлик қилаётгани ва давлат томонидан қандай ёрдам кераклигини аниқлаш лозим. Хусусий секторга қишлоқ жойларда кўрсатилаётган хизматлар турларини кенгайтириш учун зарур шарт-шароитларни яратишга ҳам алоҳида аҳамият бериш даркор.

Республикамиз қишлоқ хўжалиги иқтисодиётида фермер хўжаликлари муҳим ўрин эгаллашга қарамасдан, уларнинг янада самарали фаолият кўрсатишига моддий-техника ресурслари билан таъминлаш даражаси салбий таъсир кўрсатмоқда. Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника ресурслари таркибига ҳом ашё, ёнилғи-мойлаш материаллари, эҳтиёт қисмлар, уруғлар ва кўчат, минерал ва органик ўғитлар, техника воситалари ва бошқалар киради.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулот етиштириш учун зарур бўлган моддий-техника воситаларидан фойдаланиш ўзига хос хусусиятларга эга. Бу жараён мавсумий характердалиги ўрим-йиғим комбайнлари, сеялкалар ва бошқа техника-машиналардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқаради. Фермер хўжаликлари фаолиятида моддий-техника ресурслари табиий шароитлар таъсирини ва уларни сақлаш бўйича қилинган сарф-харажатларни ўрганиш талаб этилади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан замонавий технологиялар билан таъминланишга боғлиқ бўлиб бормоқда. Бу ҳолат фермер хўжаликларини моддий-техника воситалари билан таъминлаш йўналишларини такомиллаштириш билан узвий боғлиқ.

Фермер хўжаликлари фаолиятини самарали олиб боришлари учун қулай шароитлар яратиш талаб қилинади. Бунда агро соҳада сервис хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштиришнинг аҳамияти янада ошиб бораверади.

Сервис хизмати кўрсатувчи корхоналар моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун давлат томонидан узоқ муддатли имтиёзли кредитлар ажратиш, лизинг хизматлари тизимини кенг жорий этиш, сервис соҳасида соғлом рақобат муҳитини кучайтириш мақсадида муқобил турдаги турли мулкчилик шаклдаги хизмат кўрсатувчи корхоналарни ташкил этиш учун қулай инвестицион муҳит яратиш бўйича чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш ҳамда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида интеграция ва кооперация жараёнини ривожлантириш зарур.

Умуман олганда, мамлакатимизда қишлоқ хўжалик техникасини ишлаб чиқариш даражасининг пастлиги, мавжуд хорижий техника воситаларининг

қимматлиги, лизинг муносабатларини кенг ёйилмаганлиги сабабли ишлаб чиқариш воситалари бозори етарли даражада ривожланмаган. Бунинг учун фермер хўжаликларига хизмат кўрсатиш даражасини ошириш зарур, жумладан, ердан мустақил равишда ижара асосида фойдаланиш, сув ресурсларидан фойдаланишда ҳавзали бошқарув тизимига ўтиш ҳамда сув истеъмолчилари уюшмаларини тўғри ташкил этиш ва ривожлантиришга устуворлик бериш, давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етиштирадиган фермерларни уларга хизмат кўрсатувчи тижорат банклари орқали тўғридан-тўғри кредитлаш, лизинг асосида имтиёзли равишда техника воситалари билан таъминлаш, қайта тиклаш ва ишлатиш харажатларини давлат томонидан қоплаш каби тадбирлар фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, уларнинг ресурслар ва хизматларга бўлган талабини тўлақонли қондириш имкониятини беради.

СУНЪИЙ КОВАКЛАР- ИРРИГАЦИЯ ЭРОЗИЯСИГА ҚАРШИ КУРАШДА ЎЗИГА ХОС САМАРАЛИ ВОСИТАДИР

Ш.Холматова – қ-х.ф.н., доц.,
К.Абдуллаев, Р.Махсудова, З.Тўраева - ФарДУ

Ирригационная эрозия вызывает смыв почвы, перераспределение в ней гумуса, азота, фосфора и других питательных элементов, нарушение водно-воздушного режима, микробиологических процессов, накопление питательных веществ. Одним из способов борьбы с ирригационной эрозией является кротование.

The irrigational erosion causes soil washout, redistribution in it of humus, nitrogen, phosphorus and other nutritious elements, violation of a water-air mode, microbiological processes and accumulation of nutrients. The article presents one of the of way for overcoming the irrigational erosion - moling.

Тупроқни эрозиядан ҳимоя қилиш ва атроф муҳитнинг ифлосланишига қарши кураш Ўзбекистон деҳқончилигинигина эмас, балки жаҳон деҳқончилигининг ҳам муҳим муаммоларидан бири ҳисобланади. Дарҳақиқат, ишлаб чиқаришнинг тез ривожланиши натижасида эскирган машиналар ўрнини янгиси эгалласа, тупроқнинг ўрнини эса ҳеч нарса боса олмайди. Шундай экан, уни асраб авайлаш, мунтазам яхшилаб бориш лозим.

Ўзбекистон ҳудудида тупроқ эрозиясининг ҳамма турлари мавжуд. Улар орасида республика миқёсида энг кўп зарар келтирадиганлари дефляция ва ирригация эрозиясидир. Ирригация эрозияси айниқса типик бўз тупроқлар тарқалган минтақада ривожланган. Республакамиз бўйича бу турдаги эрозиядан 618 минг гектар ер зарар кўрмоқда, шундан 238 минг гектардан кўпроғида кучли ҳолатдаги эрозия жараёнлари мавжуд. Ювилиши натижасида бир экин даласи ҳудудидаги ҳосилдорлиги ҳар хил тупроқ турлари: қияликни устки қисмида механик таркиби енгил, ўртасида ўрта ва униг поёни-текислик қисмида оғир тупроқлар ҳосил бўлади. Гумус, азот, фосфор ва бошқа озиқ элементлар айнан шу механик таркибига ўхшаш тақсимланиб,тупроғи ювилиб пастга тушган қисмида тўпланади. Булар тупроқнинг сув-ҳаво режимини бузади, озуқа элементларини тупроқда сақланишини ёмонлаштиради ҳамда унинг микробиологик жараёнларни салбий томонга ўзгаришига олиб келади. Республикамиз ҳўжаликлари бу офатдан жуда катта зарар кўрмоқда. Шу сабабли ҳар йили 0,5 млн тонна пахта ҳосили йўқотилмоқда.

Ирригация эрозиясига қарши курашнинг турларидан бири маълум чуқурликда тупроқ остидан ўтказилган қувурсимон сунъий ковакликлардир. Ирригация эрозиясига қарши курашда тупроқ остидан ўтказилган қувурсимон сунъий коваклрнинг самарасини 2010 йилдан бошлаб олиб борилган тажрибаларимизда синаб кўрдик. Бу борадаги тадқиқотларимиз Фарғона вилояти Қўштепа тумани худудидаги бўз тупроқлар тарқалган далаларда олиб борилди. С-6524 нави синаб кўрилган бу тажрибада ғўза одатдаги усулда (эгат орқали) ҳамда 12-15 см, 22-25 см ва 32-35 см чуқурликларда ҳосил қилиниб, тупроқ остидан ўтказилган қувурсимон сунъий ковакликлар орқали маъдан ўғитлар эритилиб сув билан суғорилди.

Тадқиқотлар давомида қуйидаги натижалар олинди: ғўза одатдаги усулда эгат орқали суғорилганда гектарига 13,2-14,4-16,2 тонна тупроқ ювилди. Ювилган тупроқ ўсимликлар чуқурлиги 12-15 см бўлган қувирсимон сунъий коваклар орқали сувда эритилган ўғитлар билан суғорилганда 7,07-7,45-7,67; 22-25 см чуқурликда қувурсимон сунъий ковакликлар ҳосил қилиб суғорилганда эса 6,6-6,15- 7,96; 32-35 см чуқурликдаги қувурсимон сунъий ковакликлар воситасида ўғитлар эритилган сув билан суғорилганда 6,8-5,8-6,06 тоннани ташкил этди. Демак ғўза оддий усулда эгат орқали суғорилгандагига нисбатан қувурсимон сунъий ковакликлар ҳосил қилиб суғорилса,тупроқ икки маротаба камроқ ювилар экан.Бу эса бир йилда ҳосил бўладиган тупроқ миқдори билан баробар.

Маълумки, бир сантиметр тупроқ ҳосил бўлиши учун 400-500 йил керак. Буни эътиборга олсак қувурсимон сунъий ковакликлрнинг аҳамияти ниҳоятда катталиги маълум бўлади. Тадқиқот учун ўтказилган тажрибаларда қўлланилган ҳар бир тадбирнинг моҳияти олинган ҳосил билан белгиланади. Назорат вариантида (ғўза одатдаги усулда суғорилганда) пахта ҳосили 3 йилда гектарига ўртача 30,8 центнерни ташкил қилган бўлса, тупроқ остидан 12-15 см чуқурликда қувурсимон сунъий ковакликлар ҳосил қилди. Ўғитлар сувда эритиб берилганда 34,5 центнерга, ўғитлар 22-25см чуқурликдаги қувурсимон сунъий ковакликлар орқали сувда эритиб берилганда 34,9 центнерга, бу тадбир 32-35 см чуқурликдаги қувурсимон сунъий ковакликлар ёрдамида амалга оширилганда 35,0 центнерга етди. Ғўза тупроқ остидан 12-15 см чуқурликда қувурсимон сунъий ковакликлар ҳосил қилиб, ўғитлар эритилган сув билан суғорилганда ҳар гектар ҳисобига 3,7 центнер, шунингдек 22-25см чуқурликда қувурсимон сунъий ковакликлар қўлланилганда 4,1 центнер, 32-35 см чуқурликдаги қувурсимон сунъий ковакликлар фойдаланилганда эса 4,2 центнер қўшимча ҳосил олинди. Таъкидлаш керакки, 12-15, 22-25 ва 32-35 см чуқурликдаги қувурсимон сунъий ковакликлар қўлланилган бўлаклардан олинган ҳосил орасида деярли фарқ бўлмади. Демак энг яхши вариант 12-15 см чуқурликдаги сунъий ковакликлар қўлланилган вариантдир. Ғўзага улар орқали ўғитни сувда эритиб берган яхши. Қувурсимон сунъий ковакликлар ғўза орасига ишлов бериш билан биргаликда амалга оширилади. Ғўзани бу усулда суғориш одатдаги суғоришга нисбатан гектарига 1150 $м^3$ оқава сув тежалишини таъминлайди. У шунингдек, ирригация эрозиясини камайтириб, тупроқ нами кўпроқ сақланишига, пироворд натижада ҳосилдорлик ошишига олиб келади, шу билан бирга, иқтисодий самарадорликни ҳам анча яхшилайди.

ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДА ЭКОДЕМОГРАФИК ҲОЛАТНИ БАҲОЛАШ ВА КАРТАЛАШТИРИШДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Ю.Аҳмадалиев, О.Абдуғаниев, Ҳ.Джўрабоева - ФарДУ

В данной статье рассмотрены вопросы изучения эко-демографической ситуации в сельских местностях Республики Узбекистан и даны рекомендации по решению проблем.

In the article recommendations were given about the solution of learning program intentionally and researching eco- demographic situations in countryside's of our Republic of Uzbekistan.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилган иқтисодий ислоҳотларнинг барча босқичларида аграр соҳани ривожлантириш асосида қишлоқ аҳолиси фаровонлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Фарғона вилояти қишлоқ аҳолиси ўсиш суръатлари ва салмоғи бўйича республиканинг ўртача кўрсаткичидан юқорилигича қолмоқда. Вилоятда "аҳоли–хўжалик–ҳудуд" кўрсаткичларининг номутаносиблиги йилдан-йилга катталашиб бормоқда. Мазкур вилоят республикамиз ҳудудининг атиги 1,5 фоизини ташкил этгани ҳолда, бу ерда мамлакатимизда яратилаётган ялпи ички маҳсулотнинг 10,2 фоизи ишлаб чиқарилиб, мамлакат аҳолисининг 11 фоизидан ортиқроғи яшамоқда. Аҳолининг 50 фоиздан кўпроғи ўта зич ҳолда қишлоқ ҳудудларда истиқомат қиладиган Фарғона вилояти шароитида бу ҳолат қатор ижтимоий-экологик муаммоларни юзага келтириши мумкин. Бу каби ҳолатлар яқин келажакда қишлоқ жойларда аҳоли турмуш тарзини шаҳар ва шаҳарчаларга нисбатан пасайишига, иш билан боғлиқ ҳолдаги меҳнат миграциясининг кучайишига, ер ресурсларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган геоэкологик муаммоларга сабаб бўлиши мумкин.

Қишлоқ жойларда ишлаб чиқаришнинг асосий воситаси бўлган ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг ҳудудий тизимини такомиллаштириш орқали қишлоқ аҳолисини турмуш тарзини юксалтириш, қишлоқ аҳолисининг бандлиги ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган геоэкологик муаммоларни бартараф этиш йўлларини ишлаб чиқиш, Фарғона вилоятининг қишлоқ жойларида юқоридаги ижтимоий-экологик муаммоларни бартараф этиш йўлларини кўрсатиб бериш учун қуйидаги илмий тадқиқотларни амалга ошириш режалаштирилмоқда:

- Фарғона вилоятининг қишлоқ ҳудудларида аҳоли динамикаси туғилиш, ўлим ва табиий кўпайиш) кўрсаткичларини, бугунги ҳолати ва ҳудудий фарқларини ҳамда 5, 10, 15 йиллик башоратларини амалга ошириш;
- Фарғона вилоятининг 15 та маъмурий туманида қишлоқ аҳолисининг ҳудудий тарқалиши (1 км^2 га аҳоли зичлиги)ни таҳлилий ўрганиш;
- Қишлоқ ҳудудларида аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғориладиган экин ерлар миқдорини ва 1га ерга тўғри келадиган жами аҳоли ҳамда меҳнатга яроқли аҳоли сонини таҳлил қилиш;
- Қишлоқ жойларнинг табиий-ландшафт имкониятларини аниқлаш: агроиқлим, сув билан таъминланганлик, релъеф ва тупроқ кўрсаткичларини қиёсий баҳолаш;
- қишлоқ ҳудудларида агродемографик, агроирригацион, агрокимёвий, агротехник антропоген босимларни меъёрлаштириш, унда ишлаб чиқаришнинг ижтимоий жиҳатдан зарур, иқтисодий жиҳатдан унумли, экологик жиҳатдан зарарсиз бўлиш тамойилига амал қилиш.

Фарғона вилояти ўзининг қишлоқ жойлари, “қишлоқ агломерациялари” қишлоқ аҳолисининг табиатдан фойдаланиш маданияти қишлоқлар тизими, шаклланиш хусусиятлари, номланиши билан “аҳоли-табиат-хўжалик” тизимида узоқ йиллар давомида ижтимоий-экологик мувозанатни сақлаб келганлиги билан характерланади. Шунинг учун ҳам мазкур мувозанатни ўзгариш сабабларини очиб бериш, баҳолаш ва яхшилаш учун чора-тадбирлар ишлаб чиқишда вилоят қишлоқ жойларини тажриба ҳудуди сифатида ишлатилиши мақсадга мувофиқдир. Бу борада олиб борилган тадқиқотларда ер ости ва ер усти сувларини ифлосланиши, атмосфера ҳавосини ифлосланиши, аҳолини умумий касалланиши, гўдаклар ўлими каби индикаторлар шаҳарлар ҳисобига ўзгариши эътиборга олинмаган. Шунинг учун мазкур лойиҳада қишлоқ жойлардаги экологик вазиятни баҳолашда табиий ландшафтларнинг ўзгариш даражаси, агродемографик босим, қишлоқ хўжалиги антропоген таъсир турларининг миқдори инновацион индикатор сифатида олинган. Бундай ёндашувнинг яна бир афзаллик томони бу кўрсаткичлар ландшафтлардаги табиий ўзгаришни эмас, балки иқтисодий-хўжалик объектлари тиғизлиги таъсирида ўзгариши эътиборга олинганлигидир. Бунда антропоген таъсирнинг қишлоқ жойлар табиати, аҳолиси ва иқтисодиётига кўрсатадиган таъсирларини мониторинг қилиш, башоратлаш, зарур ҳолларда иннавоцион тарзда ўзгартириш имкониятлари туғилади.

Фарғона вилояти қишлоқ жойларида агрогеодемографик ҳолатни такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилаётган дастур-мақсадли тавсиялар мажмуаси маъмурий туманлар доирасида яратилади. Бундай тавсиялар ландшафтшунослик соҳасида яратилган тавсиялардан фарқли равишда вилоятнинг ҳар бир маъмурий бошқарув идоралари мавжуд бўлган туманларига йўналтирилиши уларни амалиётга тадбиқ қилиш имконияти борлиги билан бошқа тадқиқотлардан фарқланади.

IV ШЎЪБА. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШ.

РАЗВИТИЕ ИННОВАЦИОННОЙ АКТИВНОСТИ СРЕДИ МОЛОДЁЖИ ПРИ СОДЕЙСТВИИ ЦЕНТРА МОЛОДЁЖНЫХ ИНИЦИАТИВ «КЕЛАЖАК ОВОЗИ»

А.Акбаров
Ферганское областное отделение
Центра молодёжных инициатив ЦМИ «Келажак овози»,
Партнёр проекта UnIvEnt

Под инновацией (англ. "innovation" - нововведение, новшество, новаторство) понимается использование новшеств в виде новых технологий, видов продукции и услуг, новых форм организации производства и труда, обслуживания и управления. Инновации как правило являются результатом труда научных сотрудников исследовательских учреждений и различных подразделений производственных комплексов. Но нередки случаи, когда инновационные разработки встречаются среди работ молодёжи, которая по новому смотрит на обыденные вещи и предлагает креативные и неординарные решения.

В целях поддержки одарённой молодёжи, в научных разработках при Центре молодёжных инициатив «Келажак овози» был создан «Центра инновационных идей». Для деятельности данного центра, были созданы базы данных проектов, а также механизмы по реализации инновационных идей молодежи в государственных структурах. Основная цель проекта - создание системы по разработке проектов и привлечению к сотрудничеству в сфере реализации проектов победителей конкурса ЦМИ «Келажак овози» организаций различных сфер и направлений, а также государственных ведомств. В настоящее время создается база данных по реализации проектов молодежи в народном хозяйстве, легкой, тяжелой и химической промышленности, медицине, автомобилестроении и других отраслях. С 2012 годы Центр инновационных идей стал со-организатором таких выставок как «BestSoftUzbekistan», «ICT EXPO - 2012», в работе которых участие приняли активисты ЦМИ «Келажак овози», со своими разработками. В дальнейшем все это создаст условия для самостоятельной эффективной деятельности молодежи в сфере образования, занятости и предпринимательства в международных обменов.

Ферганское областное отделение ЦМИ «Келажак овози», при содействии UnIvEnt, осуществляет всестороннюю поддержку молодёжи создавать свои проекты, вносить свои инновации и анализировать результаты научных исследований на производственных мощностях Ферганской области. Данные инновационные проекты проверяются высококвалификацырованными специалистами. Для всестороннего развития и улучшение организации научно-исследовательской деятельности; а также передача инновационных проектов и новых технологий на предприятия путем создания открытой, доступной информационной базы данных по инновациям ЦМИ «Келажак овози» и UnIvEnt организует поездку в страны Европы, что в дальнейшем способствует формированию у молодежи активной жизненной

позиции, готовности к участию в общественно-политической жизни страны и государственной деятельности.

В дальнейшем для активизации инновационной активности среди молодёжи со стороны ЦМИ «Келажак овози», совместно с проектом UnIvEnt, планируется провести ряд тренингов для развития инновационного мышления у молодёжи.

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН КРЕДИТЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Қ. Қундузова - ФарПИ
Ш.Жумақулов - ФарДУ

В работе рассмотрена действующая система кредитования коммерческими банками деятельности малого бизнеса и частного предпринимательства, даны предложения и рекомендации по его совершенствованию.

In the article acting system of crediting of small business and entrepreneurship by commercial banks is described; proposals and recommendations on its improvement are given.

Жаҳонда молиявий – иқтисодий инқироз кетаётган бир шароитда мамлакатимиз аҳолисини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилиш ва мамлакат ялпи ички маҳсулотини ишлаб чиқаришни кўпайтиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш муҳим ўрин тутади. Шуни эътиборга олган ҳолда мамлакатимиз хукумати томонидан кичик бизнес субъектларни ривожлантириш борасида зарурий шарт шароитлар яратилмоқда. Жумладан, 2011 йилнинг юртимизда “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилиниши муносабати билан банк тизимида ҳам қатор устувор вазифалар амалга оширилди. Жумладан, тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар, шу жумладан, микрокредитлар ажратиш механизмлари такомиллаштирилди ва янада соддалаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришни кўпайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2011 йил 11 мартда имзоланган ПҚ-1501-сонли Қарори, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2011 йил 24 августда чиқарилган ПФ-4354-сонли Фармони ва бошқа бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун турли имтиёз ва қулайликлар берилди, имтиёзли кредитлаш тизими соддалаштирилди.

Хусусан:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кредитлар ажратиш ҳақидаги аризаларини кўриб чиқиш муддати уч банк иш кунидан ошмайдиган муддат қилиб белгиланди;
- тижорат банкларига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришда кредитнинг умумий суммасида қарз олувчининг гаров таъминотини расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олиш ҳуқуқи берилди;

- кичик бизнес субъектларидан тижорат банкларида миллий валютада ҳисоб варақ очгани учун тўлов ундириш бекор қилинди;
- имтиёзли кредитлаш ҳажмини кенгайтиришни рағбатлантириш мақсадида тижорат банкларининг имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредитлар ажратишдан оладиган даромадлари 2016 йилнинг 1 январига қадар фойда солиғидан озод қилинди.

Фарғона вилоятида олиб борилган амалий ишлар натижасида хисобот йилида тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми ўтган йилга нисбатан қарийб 55 фоизга ошиб, 253269,6 млн. сўмни ташкил этди. Биргина жорий йил 1 январь ҳолатига жами манбалар ҳисобидан ажратилган кредитлардан 2,1 млрд. сўм саноат соҳасига, 20,7 млрд. сўм қишлоқ ҳўжалиги соҳасига, 1,4 млрд. сўм савдо-воситачилик соҳасига, 0,8 млрд. сўм қурилиш соҳасига, 1,6 млрд. сўм маиший ҳизмат кўрсатиш соҳасига ва 3,3 млрд. сўм бошқа соҳаларга йўналтирилди. Шунингдек, 598 та мижозларга 6,3 млрд. сўм миқдорда микрокредитлар ажратилди. Давлат дастурига мувофиқ, турли соҳа ва йўналишлар учун кредитлар ажратиш истиқболли кўрсаткичларининг бажарилиши таъминланди. Жумладан:

- озиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчиларга 6,1 млрд. сўм;
- ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадларига 1,7 млрд. сўмга;
- хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 1,5 млрд сўм;
- шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига қорамол сотиб олиш учун 1216 млн. сўм;
- тижорат банкларида ташкил этилган Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармалари маблағлари ҳисобидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларига 2,4 млрд. сўм;
- оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш учун 280 млн. сўм миқдоридаги кредитлар ажратилди.

Яратилаётган шароитлар натижасида фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари сони йил сайин ортиб бормоқда. Вилоятда кичик бизнес субъектлари томонидан ҳисобот йилида 74964 та янги иш ўринлари яратилди. Жами иқтисодиётдаги банд бўлганлар сонига нисбатан улуши 78,8% ни ташкил этди. Бу эса кичик бизнес субъектларининг аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил қилиш муаммосини ҳал этишда муҳим ўрин эгаллашини кўрсатмоқда.

Натижада кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ўтган хисобот йилида 61,2 фоизни ташкил этди. Кичик бизнесда маҳсулот экспортининг ҳажми 82,4 млн. долларга етди. Мамлакатимизда ўтган хисобот йилида кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ҳар қачонгидан кўра янада муҳим аҳамият касб этди. Чунки бугунги кунда кичик бизнес субъектлари янги-янги иш ўринларини яратиш билан бирга бизнинг шароитимизда иш билан банд аҳоли даромадининг ортишини ҳам таъминламоқда.

Тадқиқотларимиз натижасида хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш, шу асосада аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш жойларни яратиш мақсадида банк тизимида қуйидаги ишларни амалга ошириши зарур:

- биринчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар, шу жумладан микрокредитлар ажратиш механизмларини такомиллаштириш ва соддалаштириш. Бунда, оилавий бизнес ва ҳунармандчиликни ривожлантириш, бошланғич капитални шакллантириш ҳамда ишлаб чиқаришни

модернизация қилиш мақсадида узоқ ва ўрта муддатли кредитларни ажратиш механизмлари қайта кўриб чиқилиб, ҳозирги давр талабларига мослаштирилиши зарур;

• иккинчидан, тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратиладиган кредитлар, шу жумладан микрокредитлар биринчи навбатда бошланғич капитални тўлдириш учун ҳамда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш мақсадида ўрта ва узоқ муддатларга ажратилиши зарур;

• учинчидан, тижорат банкларида ташкил этилган Имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган имтиёзли кредитларни асосий қисми биринчи галда узоқ ва бориш қийин, шунингдек ортиқча меҳнат ресурсларига эга бўлган туман ва шаҳарларда жойлашган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига қаратилган бўлиши мақсадга мувофиқ;

• тўртинчидан, ҳар бир тижорат банкининг ажратган кредитлари ҳажми, шу жумладан кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлари ҳажми (ойма-ой, иқтисодиёт секторлари кесимида) бўйича прогноз кўрсаткичларини назорат қилиш зарур;

Юқоридагилардан хулоса қилган холда айтиш жоизки, тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка, хусусан уларнинг модернизациялаш ва технологик янгиланишига молиявий кўмак бериш мамлакатимизда янги иш ўринларини яратилиши ва аҳолининг бандлигини таъминланишида, ички истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмларининг кўпайишида ҳамда минглаб оилалар даромадларини ортишида муҳим аҳамият касб этади.

ЭФФЕКТИВНОЕ УПРАВЛЕНИЕ ПРОЦЕССАМИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИНОВАЦИЙ В СФЕРЕ УСЛУГ

М.Салманова - Ферганской областное отделение ассоциации деловых женщин “Тадбиркор аёл”

Мақолада хизмат кўрсатиш соҳасида инновациялардан фойдаланиш жараёнларини самарали бошқариш масалалари ёритилган.

In the article considered problems of management of effective using innovations on service sphere.

Предпринимательство – это прекрасная возможность для людей с творческими идеями, которые готовы приложить усилия для их реализации, людей которые любят преодолевать препятствия, брать на себя ответственность за создание собственных источников дохода.

Практически нет ограничений бизнес-идеям, но сможет ли конкретный человек претворить свою бизнес-идею в реальность, зачастую, совершенно другой вопрос, так как, к сожалению, нет никаких гарантий, что данный конкретный бизнес станет успешным. Конечно, лучше всего начать бизнес в той сфере, где уже есть определённый опыт. Есть возможность использовать знания, опыт, навыки, круг знакомых, которые могут помочь найти источники финансирования, поставщиков и клиентов. Однако очень многие женщины, которые обращаются в Ассоциацию деловых женщин с просьбой помочь начать какой-либо бизнес – это женщины,

которые ещё не имеют никаких навыков в данной сфере, многие из них не имеют даже особых понятий о том, что такое предпринимательство. Ещё больше становится женской молодёжи, которые очень хотят стать предпринимателями, не имея ни малейшего представления об этой сфере. Приходят также женщины у которых несколько сфер интересов, но они не уверены в какой из них лучше начать предпринимательскую деятельность. Исходя из этого, Ассоциация на протяжении многих лет своей деятельности выработала свой «модуль общения» и работы с данной категорией лиц. В первую очередь, это организация профессиональных курсов, где женщины и девушки могут получить какие-либо профессиональные навыки. Для той же категории лиц - проведение теоретических курсов по «Основам бизнеса», где за сравнительно короткий промежуток времени они могут научиться проводить маркетинговое исследование, для того, чтобы могли изучить рынок, в котором они собираются осуществлять свою дальнейшую деятельность, написать свой бизнес-план, научиться работать с учреждениями, которые выдают кредитыи, в конечном счёте уметь работать с данными финансовыми ресурсами.

Всех этих женщин, независимо от их возраста, уровня образования и степени навыков необходимо научить превращать свои сильные стороны, образование и навыки в возможности для бизнеса, а также научить исследовать рынок, чтобы понять какой тип бизнеса сейчас востребован в той местности, где они проживают.

Было время, когда каждая вторая женщина хотела открыть свой швейный цех по пошиву одежды, со временем таких цехов стало настолько много, что многие не выдерживая конкуренцию стали закрываться. Даже на сегодняшний день многие женщины приходят с просьбой помочь в организации именно швейного производства, это, наверное уже «вопрос менталитета», когда женское предпринимательство ассоциирует именно с швейным делом. Конечно, это очень нужная сфера, но здесь проблема упирается в качество предоставляемых услуг. Шьют многие, но хорошо шьют не все. Значит вопрос в тех инновациях, которые внедряются нашими женщинами-предпринимателями. Это, в первую очередь, передовые технологии, где речь идёт не только об оборудовании, которое используется в работе, но и о технологии моделирования изделий.

На сегодняшний день очень большая возможность для развития женского бизнеса кроется именно в сфере услуг. Для этого в Узбекистане создана очень мощная правовая база, достаточно обратиться к Закону Республики Узбекистан «О семейном предпринимательстве», принятом 26 апреля 2012 года, где предоставлены большие возможности и для наших женщин, многие из которых хотят развивать свой бизнес именно в домашних условиях. Особенно в сельской местности, где семьи живут в больших домах на земле и располагают свободной площадью льготы, предоставленные данным Законом являются хорошим подспорьем для развития женского бизнеса.

Кроме этого, сфера услуг, на сегодняшний день, требует не только количественного, но и качественного изменения. Это связано и с теми традициями, которые, существовали в нашем обществе на протяжении многих лет, когда «Общепит», учреждения бытового обслуживания работали в условиях отсутствия какой-либо конкуренции. Сегодня, когда кафе и рестораны, различные кондитерские магазины и другие учреждения, оказывающие услуги населению растут «как грибы», работать в том темпе, как раньше, уже приведёт к жёсткой конкуренции. Кроме того, растёт благосостояние и культура населения, занятых людей становится с каждым днём всё больше и больше и все они хотят и могут пользоваться услугам, которые предоставляют предприниматели, занятые в сфере сервиса. От них

требуется постоянная работа над собой, внедрение всё новых и новых инноваций в данную сферу.

Именно поэтому, Ассоциация деловых женщин постоянно работает над повышением квалификации своих тренеров, внедрением инновационных подходов к процессам обучения взрослых. Постоянно внедряются инновационные тренинги. «Оформление торжеств» является одним из хороших видов бизнеса в Узбекистане. Однако в условиях сельской местности даже он стал инновационным. В нынешнем году профессиональные курсы по данной тематике были организованы для 30 девушек проживающих в различных кишлаках области. Более половина из них также прошли курсы по «Бизнес основам» и хотят начать у себя данный вид предпринимательской деятельности. Им также даются навыки работы с Интернетом, для того, чтобы они могли постоянно работать над собой, черпая различные инновационные идеи и применяя их на практике.

Более 40 девушек, в рамках проекта Учебного Центра «Bernina-Tikuvmash» с данной Швейцарской компанией обучились в городе Ташкенте работе на новых швейных машинах этой компании и на сегодняшний день многие из них поставили свою работу на совершенно другой качественный уровень. Это всё благодаря внедрению новых технологий как в плане оборудования, так и кройки и шитья изделий.

Большое поле деятельности для тех женщин, которые оказывают услуги населению, занимаясь таки видом бизнеса, как «Выпечка кондитерских изделий». Это очень востребованный бизнес, однако, и он требует постоянного внедрения инноваций. Для этого постоянно проводятся курсы по выпечке для девушек и женщин, которые хотят наладить данный вид бизнеса. За 6 месяцев нынешнего года данные курсы прошли также 30 женщин области. Данные тренинги также направлены на то, чтобы знания и навыки, которые получают участницы, соответствовал международному уровню.

Также большие приоритеты даются тем предпринимателям, которые хотят развивать сеть таких услуг как парикмахерские, то есть «Салоны красоты», прачечные, химчистку и так далее. Это сфера в большинстве своём принадлежит именно женщинам. В данном случае без внедрения инноваций в данную сферу услуг не сможет развиваться ни один бизнес, так как развитие его диктует сама «Мода», за которой нужно следить и поспевать. Это также требует от Ассоциации деловых женщин постоянной работы над повышением уровня знаний и образования как тренеров так и женщин, которые посвятили себя бизнесу.

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ: МУАММОЛАР ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

С. Бобожалалова – ўқитувчи, ФарДУ

В условиях расширения процессов интеграции, усиления международной конкуренции важным фактором обеспечения высоких и устойчивых темпов роста экономики, является постоянное движение Узбекистана по пути укрепления своих конкурентных преимуществ на основе перехода к инновационной модели экономического развития.

In the context of extension of the process of integration, increased international competition, an important factor in ensuring high and sustainable rates of economic

growth, is the constant movement of Uzbekistan towards strengthening of own competitive advantages on the basis of transition to innovative model of economic development.

Мамлакат тараққиётининг ҳозирги босқичида иқтисодиётни эркинлаштириш, ўтказилаётган бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш асосида мулкдорлар синфини шакллантириш, аҳолининг умумий бандлигини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш миллий иқтисодиётимиз олдида турган энг долзарб муаммолардан биридир.

Инновацияларнинг юқори суръатларда жорий этилиши, технологик ўзгаришларнинг тезкорлиги хизмат кўрсатиш ва иш билан бандлик соҳаларининг жадал суръатларда ўсиши ҳамда товар ва хизматларнинг нархлари ўртасидаги кучли рақобат, бир томондан, улар маҳсулотига нархларнинг пасайишига, бошқа томондан, истеъмолчиларнинг юқори сифатли маҳсулот ва хизматларга эга бўлиш имкониятларига, шунингдек, давлат бюджетига солиқ тушумлари маблағларининг жалб этилишига олиб келади. Буларнинг барчаси кичик корхоналарнинг жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишида тутган ўрни нақадар муҳим эканлигини белгилаб беради.

Кичик бизнесни ривожлантириш концепцияси қуйидагилар асосида шакллантирилмоғи зарур:

- кичик бизнесни ривожлантиришнинг минтақа тармоқ дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, барча тармоқларда хусусий корхоналар, жамиятлар, ширкатлар тузиш бўйича шахсий ташаббусларни рағбатлантириш;
- кичик корхоналарнинг кредит манбалари ва сармояларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, давлат томонидан кредитни кафолатлаш жамғармаларини яратиш;
- кичик бизнесга хизмат кўрсатувчи бозор инфратузилмаларини янада кенгайтириш ва ривожлантириш;
- кичик корхоналарнинг хом ашё, технологиялардан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, кичик бизнес корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни сотишнинг самарали тизимини яратиш;
- кичик бизнес корхоналарини ташкил этиш ва улар фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий негизини такомиллаштириш;
- кичик бизнес учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ривожлантириш;
- бизнес хавф-хатарларидан ҳимояланиш тизимини таъминлаш учун суғурта хизматининг аҳамиятини ошириш.

Кичик бизнесни ривожлантириш концепциясида асосий эътибор, биринчи навбатда, иқтисодий салоҳиятга эга бўлган кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш, тармоқ ва ҳудуд учун зарур, аммо паст рентабелли соҳаларнинг ривожи учун қулай имкониятлар яратиш, республиканинг ижтимоий–иқтисодий сиёсати йўналишлари ва мақсадларига мос фаолият юритаётган хўжалик тузилмаларини рағбатлантириш, ҳудудий аҳамиятга эга маҳсулот ишлаб чиқарувчи кичик корхоналарга солиқ имтиёзлари белгилаш, лизинг хизмати ва инвестицион хатарларни суғурталаш тизимини кенгайтириш ва молиявий имкониятлари чегараланган кичик бизнес корхоналарининг банк кредитларидан фойдаланишига йўл очувчи шароитларни таъминлаш вазифаларига қаратилмоғи керак.

Албатта, бозор муносабатлари бир текис ва силлиқ кечадиган жараён эмас. Бунинг учун иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий-ҳуқуқий муҳит муттасил шаклланиб, реал ҳаётий вазиятга мослашиб бориши керак. Айни вақтда иқтисодиётда хусусий

мулк таъсири кучайиб, иқтисодий ўсишни таъминлашнинг бош омилига айланиши зарур. Хусусий мулк мавқеини янада ошириш учун қуйидагиларга асосий эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқдир:

- эркин иқтисодиёт тамойилларини кенг жорий этиш орқали очиқ иқтисодий муҳитни қарор топтириш:
- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида минитехнологияларни кенг жорий этиш учун хусусий тадбиркорликнинг ихчам шаклларини ривожлантириш ва бунинг учун давлат кўмагини кучайтириш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва саноат товарлари нархларининг шакланишида маълум нисбатни таъминлаш;
- фаолият натижаларидан олинадиган даромаднинг эркинлигини таъминлаш.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини иқтисодий ўсишни таъминлаш, экспорт салоҳиятини ошириш, бозорни тўйинтириш, энг муҳими, бандликни таъминлаб, даромадларни кўпайтиришга хизмат қилиши лозим. Шу боис давлат кичик бизнес субъектларини, уни беқарор қилувчи бозор конъюктурасидан ҳимоялаши ва, иккинчидан, ўз сиёсатида унга барқарорлик берувчи ички омилларни кучайтиришга эътибор қаратиши мақсадга мувофиқдир.

СПЕЦИФИКА УПРАВЛЕНИЯ КАДРАМИ В ПЕРИОД ВНЕДРЕНИЯ ИННОВАЦИИ НА ПРЕДПРИЯТИИ

Х.Саттарова – ФерГУ

Корхоналарда инновацияларни татбиқ қилиш босқичида ходимлар бошқаруви ўзига хос хусусиятларга эга. Менежер, албатта уларни инобатга олиши даркор. Мақолада инновацияни ўзлаштириш жараёнини самарали бошқариш бўйича маслаҳатлар берилган.

Personnel management has its specific features in period of adoption of innovation. The article presents recommendation in effective management in this period.

Постоянное развитие организации возможно лишь при своевременном внедрении инноваций. Известно что любая инновация проходит длинный путь, начиная от стадии зарождения идеи до её коммерческой реализации и получения прибыли. Одним из своеобразных стадий является стадия непосредственного практического внедрения инновации в производство. Это связано с тем, что именно на этой стадии велика роль человеческого фактора. Поэтому, результат данной стадии связан с грамотной организацией деятельности менеджера. Так менеджер должен знать следующую информацию.

При введении инноваций персонал предприятия обычно проходит через три последовательные стадии — «размораживание», «изменение» и «повторное замораживание».

Для начала изменений необходимо искусственно расшатать «разморозить» стабильную систему, в которой привык работать персонал. Любое нововведение приведёт к ситуации сопротивления и беспокойства со стороны работников.

На стадии «изменения» и руководство и сотрудники пробуют практиковать новые отношения, методы работы и формы поведения. Эта стадия включает два этапа:

- «идентификацию», когда участники процесса испытывают предложенные нововведения;

- «усвоение», когда происходит внутреннее принятие изменений участниками процесса.

«Повторное замораживание» происходит, когда участники процесса нововведений внедряют в практику изменения, которые апробированы и оценены как эффективные именно для этого предприятия. На этой стадии необходимо подкреплять каждое, даже незначительное достижение подчиненных с помощью награждений, премий, похвал.

Руководителям необходимо помнить, что существует ряд психологических причин, которые могут препятствовать эффективному внедрению инноваций, среди которых важнейшими могут считаться:

- боязнь ухудшения положения или страх потерять то, что имеешь, то есть мнение, что в результате проводимых преобразований могут ухудшиться условия труда, его оплата, доходы;
- отсутствие убежденности в необходимости изменений: если люди не в полной мере информированы, а цель преобразований им недостаточно объяснена, они чаще всего рассматривают существующую ситуацию как удовлетворительную, а усилия изменить ее - как бесполезные и досадные;
- недовольство переменами, насаждаемыми сверху: обычно людям не нравится, когда с ними обращаются, как с пассивными объектами; они возмущаются изменениями, насаждаемыми сверху, относительно которых не могут высказать своего мнения;
- недовольство неожиданностями: люди не хотят, чтобы их держали в неведении относительно подготавливаемых действий, возмущаются решениями руководства относительно важных перемен, если они принимаются неожиданно;
- страх перед неизвестностью — обычно люди не любят жить в неопределенности и могут предпочесть несовершенное настоящее неизвестному и неопределенному будущему;
- нежелание иметь дело с непопулярными проблемами: эта причина особенно касается руководителей организаций, которые часто стараются оттянуть выполнение неприятных и непопулярных действий, даже понимая, что не смогут делать это вечно;
- страх перед неспособностью выполнить что-либо и неудачей — многих людей волнует, смогут ли они приспособиться к изменениям, сохранить эффективность своей работы или даже ее повысить в новой ситуации; некоторые чувствуют себя неуверенно и сомневаются, смогут ли они сделать требуемые усилия и освоить новые навыки и умения;
- нарушения установленного порядка, привычек и взаимоотношений, ведь после организационных изменений привычный и хорошо отработанный порядок и навыки работы могут стать ненужными, а знакомые взаимоотношения — трансформироваться или полностью разрушиться;
- отсутствие уважения и доверия к лицу, проводящему изменения: люди относятся с подозрением к переменам, проводимым руководителем, которому они не доверяют и которого не уважают, или внешним лицам, компетенция и мотивы которых неизвестны или непонятны.

Кроме того, руководитель должен взвесить все управленческие риски, чтобы потом не возникла ситуация «хотели как лучше, а получилось как всегда», сотрудники должны понимать, хотеть и иметь возможность претворить в жизнь изменения, которые в дальнейшем могут повлиять на них определенным образом, сотрудников, которые готовы преодолевать все тяготы и неопределенность,

сопутствующие изменениям, можно воспитать только в случае, если руководители сами не будут бояться действовать, ошибаться и исправлять собственные ошибки.

Руководитель должен ясно осознавать, что и с какой целью подлежит преобразованию, он обязан спрогнозировать трудности и ловушки, которые могут встретиться на пути внедрения нововведения.

ИННОВАЦИЯЛАРНИ САМАРАЛИ ЖОРИЙ ЭТИШДА ХОДИМНИНГ ИННОВАЦИОН ОНГИ ВА ТИПИНИНГ АҲАМИЯТИ

Ф.Солиев – ФарДУ
Н.Акбарова – Фарғона шаҳар имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган КҲК

В этой статье показана роль инновационного сознания персонала как одного из важнейших факторов успешной разработки и внедрения инновации.

The authors shows the role of innovative mind of staff as one of important factors of effective development and using of innovation.

Инновацион жараённи иштирокчилар томонидан психологик нуқтаи назардан идрок қилиниш муаммоси тўлиқ ўрганилмаган бўлса-да, унинг маълум томонлари амалий тадқиқ этилган. Инновацияларни самарали жорий этишда ходимнинг инновацион онги муҳим етакчи омил сифатида қайд этилади.

Ходимлар томонидан ишлаб чиқариш корхонасида содир бўлаётган ўзгаришларнинг қай даражада идрок қилиниши корхонанинг муваффақиятли фаолият кўрсатишини таъминлашга хизмат қилади. Мутахассислар фикрига кўра, жорий этилиши керак бўлган ғояни инновацион деб, ходимларга таништирилиши аънанавий ғояларга нисбатан бироз қийинроқ кечади. Шуни таъкидлаб ўтиш жойизки, таклиф этилаётган ғоя ҳеч қандай эътирозларсиз қабул қилинса, у холда ушбу ғоя инновацион саналмайди. Инновацион ғоя кўплаб қаршилик ва тўсиқларга учрайди, чунки аксарият иштирокчилар англамаган холда инновацияларга тайёр бўлмайди ва шунинг учун унга мойиллик кўрсатмайди. Ғояга нисбатан қўлланилган қаршилик ва тўсиқларнинг тескари эффекти ҳам мавжуд. Агар инновацион жараён иштирокчилари ғояни янги деб топмасалар, уни амалиётга жорий этиш ҳеч қандай самара бермайди. Шунинг учун ҳам инновацион фаолиятнинг асосий самарадорлиги иштирокчиларнинг инновацион онгига боғлиқ бўлади.

Ходимдаги инновацион онгнинг мавжудлиги инновация жараёнини 100 фоиз самарали кечишини таъминламайди, бироқ у муваффақиятли инновацион менеджментнинг зарурий шарти ҳисобланади. Шундай қилиб, корхона мутасадилари корхона заҳирасидан фойдаланиш ҳуқуқи ва имкониятларига эга бўлган ҳар бир ходимда инновацион онгни ривожлантиришга ҳаракат қилиши керак. Инновацион онгнинг ривожланмаганлиги, режалаштирилган инновацион жараённи белгиланган тизимда амалга оширишга хавф туғдириши мумкин.

Одатда корхоналар иерархик бошқарув тизимига эга, бу эса инновацияни жорий этилишига халақит қилувчи биринчи тўсиқ хисобланади, чунки корхона мутасадилари фақат қатъий белгиланган ўзгармас вазифаларни бажаришга одатланган бўладилар. Корхона ходимларида инновацион онгнинг етишмаслиги ёмон холатда ғоянинг амалий ҳаётга тадбиқ этилмай қолиб кетишига, яхши холатда эса, жорий этилган янгилик билан махсус хизматнинг шуғулланишига ва ишни яна

одатдагидай шаблон асосида, эркинлика йўл қўймаган холда бошқариш ҳамда лойиҳани жорий этишни маълум бир қаътий муддатларда бажариш кузатилади.

Шуни таъкидлаш жойизки, инновациялар узоқ муддат давомида сарфланган ҳаражатини қоплаши, унга нисбатан анъанавий муносабатда бўлиш эса унинг рентабеллигига путур етказиши кузатилади.

Бунинг оқибатида инновацион зиддият келиб чиқади. Инновацион зиддиятни янгилик тарафдорлари ва унга қариши томонлар ўртасидаги салбий эмоционал муносабатлардаги қарама-қарши хати-ҳаракатлар деб талқин қилиш мумкин.

Жамиятда шундай шахслар типлари мавжудки, уларни инновацион онги турлича ривожланишига эга бўлади, янгиликни қабул қилишда улар ўртасида зиддиятлар келиб чиқади. Масалан, новатор ва консерваторлар жамиятнинг икки қутиби сингари ҳар қандай янги ғояни енгил, осойишта ёки рад этиш билан қарши оладилар.

Новаторлар жон дилдан ҳар қандай янгиликни хоҳ у янги маҳсулот ёки янги хизматлар бўлсин уни олқишлар билан кутиб олади. Новаторлар турмушнинг янги шароитлари билан осон мослашадилар, уларда ижобий натижаларни кўра биладилар. Улар янгиликларни қабул қилиш билан бирга, барча тавакалчиликларни ўз зиммаларига оладилар. Айнан ана шундай кишилар тоифасидан янги ғоялар тўғрисида даслабки фикрлар, баҳолар олинади. Новаторларнинг доимий мотиви сифатида уларда янги малакани эгаллашга бўлган эҳтиёж ётади. Инновациядан олинган салбий натижа уларни ранжитмайди, пессимистликка олиб келмайди. Ишдаги ҳар қандай янги функциялар дарҳол уларда қизиқиш уйғотади. Лекин шунга қарамай уларни узоқ вақт давомида бир янгилик билан ушлаб туриб бўлмайди.

Янгиликларга қарши муносабатлар қутибида консерваторлар гуруҳи жойлашган. Улар янги ғояларни тан олишлари учун максимал даражада ўзгалар тажрибасини эгаллашлари лозим бўлади. Инновацион ғояларни қувватлаш қарори аксарият холатларда ўзга кишилар турткиси ёрдамида қабул қилинади. Улар ишлаб чиқаришда жорий қилинажак инновацион лойиҳаларни таввакал қилиб қуватлашдан ўзларини олиб қочадилар. Бундай эҳтиёткорлик уларнинг тарихий-демографик детирминантларига бориб тақалади. Шунингдек, даромад даражаси ҳам консерваторликка мойил бўлишга сабаб бўлиши мумкин, чунки даромаднинг етишмаслиги тавакал қилишликни чегаралайди (корхонадаги ўзгаришлар даромадга таъсир кўрсатишидан қўрқадилар). Шунинг учун консерваторлар билан коммуникатив тушунтириш ишлари олиб бориш бефойда, уларнинг даромад даражасини бир оз оширган маъқул.

Юқоридаги шахс типларидан ташқари инновацион ғояларни ишлаб чиқаришга жорий этишда гедонист ва аскет шахс типларини ходимлар орасида мавжудлигига аҳамият бериш лозим. Қадимги Юнонистонда гедонизм ҳақидаги фалсафий таълимот кенг тарқалиб, ушбу таълимотга кўра инсон ҳаётининг ҳар бир лаҳзасидан қониқиш ҳосил қилишни билиш тарғиб қилинган эди. Гедонистлар янгиликка ўч, қулайлик ва шинамликни ёқтирувчи ҳисобланади. Инновацион жараёнда уларга қулай шарт-шароитлар яратиладиган бўлса, бундай типли шахслар эмоционал кўтаринкилик билан фаолият юритади. Шунинг учун ҳам ишда кўтарилишлари осон кечади. Гедонинизмча ҳаёт тарзи юқори ижтимоий иерархик гуруҳларга хослиги билан ажралиб туради.

Аскетлар инновацион ғояларнинг эмоционал таркибий қисмига эмас балки унинг функцияларига эътибор беради. Корхона ёки ташкилотда жорий қилинмоқчи бўлган инновацияни бугунги кун ҳаёт фаолияти учун зарурлигига кўра баҳолайди, шунингдек, ортиқча маблағ талаб қилинадиган иш харажатларини ёқтирмайдилар ва

бунга қарши фикр билдирадилар. Аскетлар маънавий жиҳатдан гедонистларга интиладилар, фақат ўз-ўзига бўлган идентификацияси ва иқтисодий имкониятларининг камлиги сабаб аскетик йўналишни танлашга мажбур бўлади. Йўналтирилган психологик маслаҳат бундай типларнинг қарашларига ўзгартириш киритиши мумкин.

In English language teaching, it is not unusual to come across a student who seems to lack certain basic organizational skills. However, many of our language teaching techniques and materials require students to rely heavily on these skills. The use of textbooks and handouts, the assigning of tasks and homework, and the planning of a syllabus or curriculum all presuppose competent organizational skills in our students. Teaching students who lack these skills can be a frustrating experience for teachers and students alike because, without basic organizational skills, students cannot seem to learn-that is, to absorb, retain, and use-the information the teacher is trying to teach. When the teacher has to spend extra time on lessons and repeat information in order to help such students, the pace of the class slows, creating a situation that is not conducive to successful language learning. While few classroom instructors would disagree that good organizational skills are essential to academic success, there is less agreement about how students can acquire these skills. Perhaps the most common assumption is that students arrive in the classroom with these skills already established. In many cases, this is true. The students may have been taught these skills earlier in their educational careers and have successfully learned them, they may have inferred these skills on their own, or they may have learned similar skills in other walks of life and have been able to transfer them to the academic setting. However, many students do not possess organizational skills because they have never been

taught the skills, they did not successfully learn them when they were taught, or they were unable to infer them.Moreover, organizational skills that students have mastered at lower rungs of the educational ladder may fail them in a more demanding program with more complex assignments, a larger number of papers to juggle, and more complicated daily schedules than they have faced before. Weak organizational skills can become especially problematic if a student enters an institution of higher education.

To successfully teach organizational skills to the students, we must ensure that they have the necessary supplies, we must prepare materials, and we must train the students in the skills of verbalization and classification. Of course, there will be great variation in the supplies and materials that are available in different parts of the world. We should remember, it is the system that is important, not the specific supplies.We use what is at hand, and do not be afraid to improvise!

At the beginning of the semester we should require students to have the following supplies:

Notebook paper and a zipper pouch for pens and pencils.A daily planner or calendar.This item will help students manage their time and schedules, which is essential to getting organized. A planner can be as simple as a piece of paper with dates written on every other line.A three-ring binder, an accordion file, or a box. The three-ring binder is for in-class materials and will hold all of the papers that come back and forth from home to class. If a binder is not available, try an accordion file or even a box that is the appropriate size to lay papers in while leaving enough room to allow a hand to reach around the papers to lift them out.A second three-ring binder, accordion file, or box. This second binder, file, or box is for all of the papers that students no longer need to bring to class, and it remains at home to lighten the load the students carry to class every day.Dividers with tabs. The dividers can be regular pieces of paper, card stock, or cardboard; sticky notes or folded over pieces of tape make useful tabs. If we are using a box and the sections are stacked on top of each other, it works best to have a thicker divider, like cardboard, between the sections so students can find materials easily.

Later in the semester, if students are using a three-ring binder, they should also be required to purchase a three-hole punch to keep at home and a smaller hole-punch that they can bring to school. This serves a two-fold purpose. First of all, it shifts a bit of the responsibility onto the students, which, of course, is an essential step in helping them to develop organizational skills. Secondly, it gives them the tools for applying the organizational principles they are learning to other parts of their lives.

АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР(АКТ)ДАН ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА ЗООЛОГИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЭЛЕКТРОН ЎҚУВ МАТЕРИАЛЛАРИ БАЗАСИНИ ЯРАТИШ

М.Шерматов - биология фанлари номзоди,
ФарДУ зоология кафедраси мудири

В статье освещены основные этапы создания базы современных электронно- учебных материалов в преподавании зоологии с использованием информационно –коммуникационных технологий

In this article main stages of creation of base for modern electronic-training materials in teaching of zoology with using of information-communicative technologies are presented.

Республикамизда таълим сохасида олиб борилган ислохотлар натижасида, таълим тизимининг молиявий жихатдан мустаҳкамланишига эришилди. Барча ўқув муассасаларини замонавий ўқув жихозлари, энг сўнгги русумлардаги ахборот техник воситалар билан таъминлаш, ўқитишнинг янада самарали усулларидан фойдаланиш, жумладан, АКТ нинг барча воситаларини таълим сохасига кенг жорий этиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

АКТ дан фойдаланиш кундалик ҳаётимизнинг долзарб талаби ҳисобланиб, фан-техника сохаларига кириб келаётган янгиликларни мунтазам ўзлаштириб боришда муҳим роль ўйнайди. Бу борада олий таълим тизимида ҳам фанлардан электрон ўқув материалларни яратиш, узлуксиз такомиллаштириб бориш ва ундан кенг кўламда фойдаланишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Фан сохаларига доир янгиликлар кўламининг мунтазам ортиб бориши, интернет тизимининг такомиллашиши билан боғлиқ ҳолда ахборот алмашинуви жадаллашган ҳозирга даврда, талабаларга дарсликлар ва фанга оид турли адабиётларда мавжуд маълумотларни ўргатиш билан чекланиб қолиш, уларда замон талабларига мувофиқ кенг қамровли билим ва кўникмаларни шакллантириш имконини бермайди. Кейинги йилларда таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг компьютер технологиялари ва чет тили бўйича узлуксиз малакасини ошириш механизмининг йўлга қўйилиши натижасида, уларни ахборот ва педагогик технологияларни ўзлаштиришлари, фанлардан замонавий билимларга асосланган электрон ўқув материалларни тайёрлаш ва таълим жараёнига қўллашлари учун етарли малакага эга бўлишлари таъминланмоқда.

Олий таълим муассасалари учун муаллифлик ҳуқуқи асосида яратилган биология, шу жумладан зоология фанига оид электрон дарсликлар мавзуни ёритишга етарли маълумотлар кўламига эга бўлса-да, уни замон талаблари асосида мунтазам янгилаб бориш ва муассасаларга етказиш маълум бир вақт талаб этади. Бу борада ҳар бир таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари томонидан мустақил тарзда фанга доир электрон ўқув материаллар базасини яратиш, энг сўнгги янгиликлар асосида такомиллаштириш, айниқса, махаллий худуд фаунасининг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги тушунчалар билан бойитиб боришлари алоҳида аҳамият касб этади.

Зоология фанини бир ўлчам тасвирларига эга дарслик ёрдамида ўрганишда умуртқасиз ҳамда умуртқали ҳайвонларнинг умумий тузилиши, барча органлар қисмларини ва уларнинг функцияларини тушуниш қийинчилик туғдиради. Аксинча ҳайвон танасининг уч ўлчамда тасвирланган ва ҳар бир орган фаолияти акс эттирилган виртуал тақдимоти (презентация) ёки анимациялар талабаларнинг хотирасидан мустаҳкам ўрин эгаллайди. Маълумки, зоология ҳайвон организмларининг тузилиши, ҳаёт цикли ва атроф-муҳит билан ўзаро алоқаларини ўрганувчи фан ҳисобланади. Уни ўрганишда тасвирлар ва диаграммалар кўп учрайди. Ҳайвонларни, айниқса, микроскопик ҳайвонларнинг ривожланиш цикли, организмининг тузилишини ҳамда бошқа ҳаётий жараёнларини китобдан ўқиш орқали ўрганиш билан бирга, кўргазмали тасвирлар, анимациялар ёки виртуал тақдимотлардан фойдаланилса, тасаввурлар янада ёрқин ва тушунарли бўлади. Ҳатто зоологияга қизиқмайдиган талабалар ҳам фанга қизиқа бошлайдилар. Ҳозирда аввалгидек, синф доскасида бўр билан ёзиш ва анъанавий кўргазма расмлардан фойдаланиш вақти ўтди. Талабалар зоология фанига доир шунчаки назарий билимларни тўпламасдан, балки уларни тушуниб олишлари, малака ва кўникма ҳосил қилишлари жуда муҳим масала ҳисобланади. Зоология фанини ўқитиш янада самарали бўлиши учун ўқув машғулотлари давомида ўқитувчилар фанга оид замонавий электрон ўқув материалларидан кенгроқ фойдаланишлари талаб этилади.

Умуртқали ҳамда умуртқасиз ҳайвонлар зоологиясидан намунавий Дастурга мувофиқ назарий ва амалий машғулотлар учун мавзулар бўйича АКТ дастурий таъминотлари (Ms Word, Ms Excel, Ms Power Point, Photoshop, Flash) дан фойдаланиб, ўқитишнинг замонавий электрон ўқув материаллари базасини яратишни қуйидаги босқичларда амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1-босқич. Интернет тизими ҳамда мавжуд ахборот ресурслардан фойдаланиб, мавзуларга оид энг янги маълумотлар асосидаги материаллар, рангли фотосуратлар, видеороликлар, анимациялар тўпланади.

2-босқич. Йиғилган материаллар инглиз ёки рус тилида бўлса, ўзбек тилига таржима қилиниб, таҳлил этилади (зарур ҳолларда чет тили ҳамда соха бўйича мутахассислар кўмагидан фойдаланилади).

3-босқич. Ms Word дастуридан фойдаланиб уларнинг ҳар бирига аннотациялар тайёрланади. Аннотациялар инглиз ва ўзбек тилларида бўлса, мақсадга мувофиқ бўлади.

4-босқич. Ms Excel дастури ёрдамида ҳайвон организмларининг систематикаси, ҳаёт цикли, атроф-мухит билан муносабатларига оид диаграммалар тайёрланади.

5-босқич. Табиатдан ва лаборатория шароитида олинган фото ва видео лавҳалар асосида Photoshop дастуридан фойдаланиб юқори сифатли тасвирлар, Flash дастуридан фойдаланиб анимациялар тайёрланади.

6-босқич. Мавжуд маълумотлар ҳамда фотосуратлардан фойдаланиб Power Point дастури ёрдамида мавзулар бўйича тақдимотлар(презентация) тайёрланади.

Тайрланган барча материаллар мавзулар кесимида сараланиб, мавзуни энг мақбул ёритиб бериш кетма-кетлигида, яъни дарс технологик ҳаритаси асосида тизимли жойлаштирилади. Мавзуларнинг файллари электрон каталог тарзида бўлиши мақсадга мувофиқ.

Олий таълим муассасалари учун (умумий ўрта таълим муассасалари, АЛ ва КҲКлар ҳам фойдаланиши мумкин) яратилган ўқитишнинг замонавий электрон ўқув материаллари базаси фанга доир энг янги маълумотлар, виртуал тақдимотлар, анимациялар ҳамда видеолавҳалардан фойдаланиш, талабаларнинг кенг қамровли билим ва кўникмаларга эга бўлишларига хизмат қилади. Зоология фанини ўқитишга замонавий ахборот ва педагогик таълим технологияларининг кенг жорий этилиши натижасида, таълимнинг сифати ва самарадорлиги ортади.

ИННОВАЦИОН ТАФАККУРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

М.Уралова, Н.Ўринова, п.ф.н., доц. – ФарДУ

В статье освещены некоторые результаты исследования, направленного на изучение условий формирования инновационого мышления у будущих педагогов.

The article describe some results of research on study of conditions of forming of innovative thinking of future teachers.

Бугунги кунда педагогика ҳамда таълим тизими учун педагогнинг ижодий салоҳиятини ривожлантириш масаласи муҳим масала бўлиб турибди. Бунинг сабаби ҳозирги давр, ҳозирги ишлаб чиқариш янгича махсулотларни яратишга қодир, ижодкор, кашфиётчи кадрларни талаб қилмоқда. Бундай кадрларни тайёрлаш учун уларга таълим-тарбия бераётган педагог ўзи ҳам янгилик яратишга қодир бўлиши, унинг ижодий салоҳияти юқори бўлиши керак. Чунки педагогик фаолият узлуксиз

давом этадиган ижод жараёнидир. Ижодий фикрловчи педагог, муайян шароитда энг юқори самара берувчи инновацион педагогик тизимни яратади. Шундай экан, бўлажак педагог – бугунги талабаларда, бир томондан, янгилик яратишга интилиш, ўз яратувчанлик қобиялиятларига ишончни шакллантириш, иккинчи томондан, инновация яратиш жараёни, таълимга инновацион ёндашув ҳақида тасаввур, уларда креативлик қобилиятларни ривожлантириш муҳимдир.

Ҳозирда ФарДУ педагогика кафедрасида ушбу долзарб илмий муаммо устида изланишлар олиб борилмоқда. Университетда TEMPUS дастури UnIvEnt халқаро лойиҳаси доирасида фаолият олиб бораётган Инновациялар трансфери Марказида таклиф қилинган инновацион гуруҳ механизми ушбу изланишларни самарали ташкиллашда муҳим омил бўлди.

Изланишларга профессор-ўқитувчилар билан бир қаторда магистрантлар ҳам жалб этилган. Изланишлар жараёнида:

- “педагогик инновация” моҳиятини ёритувчи, инновациялар яратишнинг психологик, ташкилий, иқтисодий жиҳатларини асослаб берувчи кўплаб адабиётлар тўпланди ва кафедрадаги илмий-методик семинарларда ўрганиб чиқилди;
- педагогика фанини ўқитишда талим олувчиларда креативлик қобилиятларини шакллантирувчи назарий ва амалий вазифалар ишлаб чиқилди ҳамда педагогика фанларидан семинар, лаборатория машғулотлари таълим технологияларига киритилиб, реал таълим жараёнида синовдан ўтказилди;
- тажриба натижалари умулаштирилиб, илмий мақола, мустақил иш, курс ишларида ўз аксини топди.

Кафедрада олиб борилган тадқиқотлар қуйидаги илмий қарашларга асосланди:

- ҳар бир педагог ўз ижодий салоҳиятга эга. Ижодий салоҳият шахснинг интеграллашган сифати бўлиб, ижодий фаолиятнинг бошланғич омилидир. Айнан шу салоҳият шахснинг йўналганлиги, ўз қобилиятларини намоён қила олишини белгилайди;
- ижодий салоҳият, бир томондан, креативлик хусусияти билан боғлиқ бўлиб, янги ғояларни ярата олиш, анъанавий тафаккур схемаларидан қочиш, тафаккурнинг эгилувчанлиги, иккинчи томондан, инсон характерининг хусусиятлари бўлган оригиналлик, ташаббускорлик, ностандартликда намоён бўлади;
- педагогик ижодкорликнинг муҳим шарти ўқитувчининг ўз касбига меҳр қўйганлиги, унда касбий ўсиш, ривожланишга интилиш бўлиши;
- ижодкор педагог вужудга келган вазиятни чуқур таҳлил қилиб, унинг моҳиятини англай олади, оригинал ечимини яратади, ҳаёлий эксперимент ўтказиб уни амалда қўлайди. Бунда яратиладиган янги ғоя ғойибдан келмайди, балки, ундаги педагогик-психологик билимларга таянади;
- қуйидаги шартларнинг бажарилиши педагогик ижодни жадал ва самарали бўлишини таъминлайди:
- фаолиятга ажратилган вақтнинг чегараланганлиги (тиғизлиги);
- педагог ижодининг йўналишини ўқувчилар ижоди ҳамда ҳамкасблари ижодлари йўналишлари билан ўзаро боғлиқлиги;
- натижанинг дарҳол аниқлаб бўлмаслиги ва шунинг учун у прогноз қилишни талаб қилиши;
- ўз ижоди натижаларини оммалаштириши зарурлиги;
- ҳар вақт анъанавий бўлиб қолган педагогик услубларни ноанъанавий вазиятлар билан таққослаш.

Бўлажак педагогларда ижодий тафаккурни ривожлантириш учун:

- улар олдига эвристик масалалар қўйиш;

• таълим-тарбия жараёнини шахсга йўналтирилган, муаммоли таълим, ривожлантирувчи талим ғояларига асосланган ҳолда ташкиллаш;

• талаба (тингловчилар)нинг ижодий фаоллигини ошириб, уларни таълим жараёнида янги, оригинал махсулот яратишга ундовчи ижодий вазифаларни бериш;

• талаба (тингловчилар)нинг ижодий фаолият соҳасидаги тажрибасини кенгайтирувчи усуллардан фойдаланиш. Бунда муаммоли вазиятлар усули етакчилик қилади;

• талабалар (тингловчилар)ни ностандарт масалалар ечишга ўргатиш, уларни босқичма-босқич илмий-изланиш фаолиятига олиб кириш ёшларда илмий муаммоларнинг ечимини топиш бўйича бирламчи тажрибани шакллантиради;

• ижод маҳсулотини рефлексив баҳолаш услубидан фойдаланиш орқали эришишилади.

ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯ

М.Юлдашева, Д.Камбарова - ФарДУ

В статье говорится об интерактивных методах обучения иностранным языкам и использовании инновационных технологии в учебном процессе.

In this article is given the using of innovation technologies and interactive methods of teaching in English classroom.

Ҳар бир жамиятнинг келажаги унинг ажралмас қисми ва хаётий зарурати бўлган таълим тизимнинг қай даражада ривожланганлиги билан белгиланади. Бугунги кунда мустақил тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатимизнинг узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш, янги сифат босқичига кўтариш, унга илғор педагогик ва ахборот технологияларни жорий қилиш ҳамда таълим самарадорлигини ошириш асосида яратилди.Таълимнинг бугунги вазифаси ўқувчиларни кун сайин ошиб бораётган ахборот таълим мухити шароитида мустақил равишда фаолият кўрсата олишга, ахборот оқимидан оқилона фойдаланишга ўргатишдан иборатдир. Бунинг учун уларга узлуксиз равишда мустақил ишлашда имконияти ва шароитини яратиб бериш зарур. Мамлакатимиз ривожланишининг муҳим шарти замонавий иқтисодий, фан, маданият, техника технология ривожи асосида кадрлар тайёрлашнинг такомиллашган тизимининг амал қилишга эришишдир.Ҳозирги кунда таълим самарадорини ошириш учун билмларни мустаҳкам эгаллашдан ташқари замонавий педагогик технологияларни ва интерфаол усулларни биладиган, улардан ўқув ва тарбиявий машғулотларни ташкил этишда фойдаланиш қоидаларни биладиган ўқитувчилар керак. Ҳозирги кунда таълим муассасаларда фаолият кўрсатаётган ёш иқтидорли педагог ва илмий кадрларда малака ва кўникмаларни ҳосил қилиш мақсадида турли трейнинглар, семинарлар, инновацион технологиялар махсус курси йўлга қўйилди.

Шу вақтгача анъанавий таълимда талаба ёки ўқитувчиларни фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатиб келинган эди. Бундай усул талаба ёки ўқувчиларда мустақил фикрлаш ижодий изланиш ташаббускорликни сўндирар эди. Ҳозирги кунда таълим жараёнида интерфаол услублар (инновацион педагогик ва ахборот технологиялари) дан фойдаланиб таълимни самарадорлигини кўтаришга бўлган қизиқиш эътибор кундан кунга кучайиб бормоқда. Замонавий технологиялар қўлланилган машғулотлар талаба эгаллаётган билимларни ўзлари қидириб топишларига мустақил ўрганиб тахлил қилишларига хатто хулосаларни хам ўзлари

келтириб чиқаришларига қаратилган. Хозирги даврда содир бўлаётган инновацион жараёнларда таълим тизими олдидаги муаммоларни хал этиш учун янги ахборотни ўзлаштириш билимларни ўзлари томонидан бахолашга қодир зарур қарорлар қабул қилувчи мустақил ва эркин фикрлайдиган шахслар керак.

Шунинг учун хам таълим муассасаларининг ўқув тарбиявий жараёнида замонавий ўқитиш услублари интерфаол услублар инновацион технологияларнинг ўрни ва ахамияти беқиёсдир.

LANGUAGES ARE PART OF THE CULTURAL RICHNESS OF OUR SOCIETY AND THE WORLD WHERE WE LIVE AND WORK

N.Abbasova, G.Yakubova – FSU

Мақолада чет тилларини ўқитиш жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланиш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижалари ёритилган.

В статье освещены результаты исследования по использованию инновационных методов обучения в процессе преподавания иностранных языков.

The importance of learning languages has become more significant over the last decade. Teaching and learning languages, especially English language, has become more essential mostly in the last two years in our country. So, it is developing to create a new methods of teaching languages like project works and different types of authentic materials.

There has been a substantial change in where and how learning takes place in the past few years. About 20 or 30 years before teaching mainly took place in the classroom. The teachers used chalk and talk and the textbooks.

Technology amounted to tape recorders and film strips. However, later learning began to move away from the teacher's direct control and into the hands of learners through the use of individualized learning group, and projects work.

The contexts and recources for learning have also seen many changes. Learning is not confined to the classroom, it can take place at home or in other places as well as at school using computers and other forms of technology. Today's teachers and learners live in a technology – enhanced learning environment. Videos, computers, and the internet are accessible to almost all teachers and learners and in many universities they have a multimedia centre that supports online learning.

Technology has facilitated the shift from teacher-centered to learner-centered and blended learning students now spend time interacting not with the teacher but with other learners using chat rooms that provide access to more authentic input and learning processes and that make language learning available at any time.

Thus, the greatest amount of time and energy is still devoted to the grammar and vocabulary aspects of language. In spite of using direct teaching, worksheets or editing exercises, it would also be a good way of teaching to use project works and videos during the lesson.

Project work is not a new methodology. Its benefits have been widely recognized for many years in the teaching of different subjects.

Projects allow students to use their imaginations. We can do projects on almost any topics: factual or fantastic. They help to develop the full range of learner's capabilities. Project work can be used at every level from absolute beginners to advanced and with all age.

Project work is an essential part of the teaching.

Additionally, we can, also use films during the lesson. A film is a means of expression, a language and an art based on modern technology.

Films play a vital role in furnishing students with background knowledge of the target community, provide strong motivation for students to learn the target language I study at Ferghana State University in English Department. I have been studying here for three years. During this time my English teachers often show us different types of authentic materials on various kinds of topics. Of course, movies that they chose were incorporated into the language class to motivate student's interest in learning to make lesson more interesting.

By watching films students not only had the opportunity to hear and learn how to pronounce English words, but also they had the chance to develop a better understanding of other people's cultures, way of life and history. Students were encouraged to think critically and look beyond the surface of the screen to consider the films intentions, techniques and qualities and in the target language students were encouraged to discuss issues and themes explored in the films to enhance their language skills and widen their vocabulary.

In conclusion using different types of innovation technologies during the lesson makes it more interesting, hold good atmosphere in the classroom between the students, and could motivate them to the lesson.

In the future, as a teacher I will give project work to each student for developing his/her interest in subject. Through this they will become more active learner.

ХАЛҚАРО ХАМКОРЛИКДА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ

Н.Б.Пирматов, т.ф.д., проф.,
Д.В.Бистров т.ф.н., доц.- ТДТУ

В статье рассмотрены вопросы модернизации магистерских программ по ресурсосбережению на основе проекта ТЕМПУС-ТЕРСИД.

The paper deals with the modernization of master's programs on resource objects based on the project TEMPUS TERSID and, by the closer to European standards, and prepare highly qualified specialists.

Маълумки, инновацион фаолиятнинг маҳсули бу инновацион маҳсулот ва инновацион лойиҳа ҳисобланади. Республикамизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш шароитида илмий-инновацион фаолиятнинг салоҳиятини ривожлантиришдаги аҳамияти жуда катта эканлигини ҳисобга олган ҳолда инновацион фаолиятни ривожлантириш учун қуйидагиларни тавсия қилиш мақсадга мувофиқдир:

1. Олий таълим муассасаларининг ишлаб чиқариш корхоналари билан интеграциясини янада кучайтириш;
2. Олий таълим муассасаларида инновацион фаолиятни молиялаштиришнинг асосий манбаларини топиш;
3. Олий таълим муассасаларида халқаро илмий-методик инновацион ҳамкорлик ишларини янада жадаллаштириш.

Олий таълим муассасаларида инновацион ҳамкорликнинг асосий мақсади таълим ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида узоқ муддатли ҳамкорлик

шартномаларини тузиш керак. Шартнома ўз ичига куйидаларни қамраб олиши лозим:

- корхонадаги муаммоларни ҳамкорликда ҳал этиш;
- ҳамкорликда юкори малакали кадрлар тайёрлаш;
- ҳамкорлик ишларини бошкарувини ташкил килиш;
- корхоналарда амалиётлар ўташ;
- корхонада кафедраларнинг филиалларини очиш.

Икки томонлама манфаатдорлик, ҳамкорлик муносабатларини кучайтиришнинг муҳим омили ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш корхоналаридаги ресурслар кадрлар тайёрлаш сифатини оширишга ва илмий-инновацион фаолиятни шакллантириш учун хизмат қилади. Етук мутахассисларни тайёрлаш учун ҳамкорларнинг келишилган шартномаси асосида корхона ва олий таълим муассасаларининг интеллектуал, моддий техник ва бошқа ресурсларини бирлаштириш лозим.

Ишлаб чиқариш корхоналарига етук рақобатбардош кадрларни етказиб бериш учун корхона талаби асосида магистрантларга ўтиладиган ресурс тежаш фанларининг дастурларини Европа стандартларига яқинлаштириш орқали эришиш мумкин.

Тошкент давлат техника университетида (ТДТУ) ТЕМПУС-ТЕРСИД лойиҳаси олиб борилади. Бу лойиҳага асосан ТДТУ магистрантларига ўтиладиган ресурс тежаш фанларининг дастурларини Европа стандартларига яқинлаштириш орқали етук мутахассислар тайёрлаш кўзда тутилган.

Бу лойиҳада Италиядаги Турин политехника университети, Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети, Словения давлатидаги Марибор университети, Латвия давлатидаги Транспорт институти, Греция давлатидаги Аристотел универститети, Руминия ва Германия давлатларидаги университетлар, Тошкент давлат техника университети, Навоий давлат кончилик институти, Қозоғистон давлатидаги Қараганда давлат техника университети, Қозоғистон миллий техника университети, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Истеъдод жамғарма фонди, Навоий тоғ-кон металлургия комбинати, Тошкент мотор заводи ва «Навоиазот» очиқ акционерлик компанияси иштирок этади.

Бу халқаро ҳамкорлик натижасида ресурс тежаш фанларининг дастурлари Европадаги нуфузли олий таълим муассасаларидаги ўқув дастурларига мос равишда модернизациялаштирилади ва келажакда шу дастурлар асосида магистрантлар тайёрланади. Интеграциянинг асосий механизми илмий, таълим ва инновацион соҳада ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар ҳисобланади ва юқорида номлари зикр этилган корхоналар учун келажакда юқори малакали жаҳон стандартларига мос келадиган рақобатбардош кадрлар тайёрлаб берилади.

МОДЕРНИЗИРОВАННАЯ СИСТЕМА ОБУЧЕНИЯ ПРОЕКТИРОВАНИЮ В ТЕХНИЧЕСКИХ ВУЗАХ

Н.И.Гончарова, доц., З.А. Абобакирова - ФерПИ

Ушбу мақолада техника йўналишидаги олий таълим муассасаларида ўқув лойиҳаларининг модернизациялаш бўйича таклифлар келтирилган.

In article offers of modernization of educational designing in technical colleges are resulted.

В подготовке высококвалифицированных специалистов технического направления большое значение придается важному этапу – слиянию образования, науки и производства.

В наше время происходит невиданный прогресс знания, который, с одной стороны, привел к открытию и накоплению множества новых фактов, сведений из различных областей жизни, и тем самым поставил человечество перед необходимостью их систематизации, отыскания общего в частном, постоянного в изменяющемся. С другой стороны, рост знания порождает трудности его освоения, обнаруживает неэффективность ряда методов используемых в образовании, науке и практике.

На стадии учебного проектирования – основном неотъемлемом этапе обучения на технических направлениях рассматривается возможность выполнения проектов в обстановке максимально приближенной к реальной жизни. Теоретический материал увязывается с практической и исследовательской деятельностью, и студенты вовлекаются в активный самостоятельный познавательный процесс; обеспечивается формирование и развитие профессиональных и ключевых компетенций.

При этом бакалавру (магистру) на современном уровне требуется умение проводить учебные (теоретические и экспериментальные) исследования, выделять признаки системности познавательной и практической деятельности, проводить алгоритмизацию этой деятельности. Большая роль при этом отводится моделированию как универсальному методу научного познания, постепенно охватывающему строительство и архитектуру.

Необходимость использования метода моделирования определяется тем, что многие объекты (или проблемы, относящиеся к этим объектам) непосредственно исследовать или вовсе невозможно, или же это исследование требует много времени и средств.

В проектной деятельности таким исследованием является этап эскизирования – творческий процесс, при котором студентами по одной тематике разрабатывается несколько вариантов, из которых выбирается наиболее целесообразный по функциональным (технологическим) и другим факторам. После утверждения наилучшего эскиза, и начинается непосредственно процесс проектирования и вычерчивания всех необходимых чертежей здания в соответствующем масштабе.

При обучении в технических ВУЗах студент выполняет учебные проекты, опираясь на стандартные (типовые решения). Зачастую отсутствие, отвечающих современному уровню, информационных данных, приводит к тому, что студент, выполняя свое задание, не использует в большинстве случаев аналоговых решений, подтверждая правильность своего решения. Ставится задача – создание каталогов современных типовых решений для использования в учебном процессе.

При таком подходе студенты овладевают навыками системной организации необходимой информации и проектной деятельности; проявляют способность к поиску информации, её структурированию и анализу; овладевают способами и средствами научного исследования и анализа, правилами работы в группах, участии в проведении дискуссии и презентации; понимании алгоритма анализа и решения практической ситуации, способности и готовности к ее разрешению; овладевают техниками оценки и выбора приоритетной идеи решения проблемы.

Изучая и анализируя практическую ситуацию при разработке учебных проектов, выделяя и решая поставленные проблемы, студент фактически получает

на руки готовое решение, которое можно применить в аналогичных обстоятельствах в будущей профессиональной деятельности.

Таким образом, переход от устоявшейся системы обучения основам учебного проектирования к модернизированной системе обучения проектированию с применением методологии моделирования способен повысить исследовательский уровень и тем самым в значительной степени повысить эрудированность студентов и качество учебного проектирования.

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЁШ АВЛОДНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШНИНГ ИННОВАЦИОН УСУЛЛАРИ

Н.М.Ўринова, Н.Содиқова – ФарДУ

В статье раскрываются инновационные тенденции в педагогике.
The article presents innovative tendentious of pedagogic.

Ҳар соҳага кириб келгани каби инновациялар педагогикага ҳам инновациялар жадал кириб келмоқда. Ушбу мақолада ижтимоий педагогика фанидаги айрим инновацион тенденциялар талқини берилган.

Илмий-назарий манбаларнинг таҳлили шуни кўрстадики, “Ижтимоий ҳимоялаш” тушунчаси аҳоли муҳтож қатламини иқтисодий, ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш каби аниқ мақсадга йўналтирилган тадбирлар мажмуи демакдир.

Бизнинг фикримизча, уни педагогик нуқтаи назардан талқин этганда, ижтимоий ҳимоялаш аҳоли, шу жумладан, ёш авлоднинг ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва ҳуқуқий манфаатларини кафолатланишини таъминлаш ва уларни турли салбий ижтимоий таъсирлардан ҳимоя қилиш демакдир.

Шундан келиб чиққан ҳолда айнан таълим тизимида ёш авлодни ижтимоий ҳимоялаш – ёш авлоднинг таълим олиш жараёнида республика қонунлари ҳамда халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий имтиёзлардан тўла фойдаланишларини кафолатлашга қаратилган ижтимоий-педагогик фаолиятдир.

Таълим тизимида ёш авлодни ижтимоий ҳимоялашга йўналтирилган инновацион педагогик фаолият қуйидаги босқичларда амалга оширилиб, муайян вазифалар ҳал этилади: 1-босқич: ижтимоий ёрдамга муҳтож ўқувчилар тўғрисидаги ахборотларни тўплаш ва ўрганиш; 2-босқич: махсус индикатор (мезон)ларга мувофиқ ўқувчиларнинг ижтимоий ёрдамга муҳтожлик даражасини белгилаш (диссертацияда таълим тизимида ёш авлодни ижтимоий ҳимоялашга оид индикаторлар рўйхати келтирилган); 3-босқич: ўқувчиларни ижтимоий ҳимоялашга бўлган муаммоларни аниқлаш; 4-босқич: аниқланган муаммоларни ҳал этишда таълим тизимида ёш авлодни ижтимоий ҳимоялашга масъул ва мутасадди ЎҲС ҳамда ушбу жараёнда имкониятларидан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлган субъектларни белгилаш;5-босқич: ёш авлодни ижтимоий ҳимоялашга оид тадбирлар (дастур ва режалари)ни ишлаб чиқиш ҳамда таълим тизимида ёш авлодни ижтимоий ҳимоялашга қаратилган ташаббусларни қўллаб-қувватлаш; 6-босқич: ёш авлодни ижтимоий ҳимоялашга қаратилган тадбирларнинг амалга оширилиши ва уларнинг самарадорлигини ўрганиш юзасидан мониторинг ташкил этиш; 7-босқич: таҳлилий ўрганиш асосида таълим тизимида ёш авлодни

ижтимоий ҳимоялаш жараёнида ЎҲСнинг ишлаб чиқилган тадбирларни ташкил этишдаги иштироки ва ҳиссаларини баҳолаш.

Биз олиб борган тадқиқотимизнинг тажриба-синов ишлари икки босқичда амалга оширилган бўлиб, биринчи босқичда ижтимоий фан ўқитувчилари, мутасадди ташкилот мутахассислари ёш авлодни ижтимоий ҳимоялашнинг мазмун ва моҳияти, унинг аҳамиятини ёшлар онгига сингдиришнинг педагогик асослари билан қуроллантирилди. Тажриба-синов майдончаларида олиб борилган "Кучли давлатдан – кучли жамият сари", "Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари", "Ижтимоий ҳимоя - мустақилликнинг бош мезони", "Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя: чора-тадбирлар, муаммолар ва ечимлар", "Инклюзив таълим – ижтимоий ҳимоя омили", "Ижтимоий ҳимоянинг маънавий асослари", "Маҳалла – ижтимоий ҳимоя воситаси", "Ижтимоий ҳимоя оила орқали" ва бошқа мавзуларда ташкил этилган ўқув семинарлари ўқитувчилар ва мутасадди мутахассисларни ёшлар онгида ижтимоий ҳимоянинг инсонпарварлик, адолатпарварлик мезонларини сингдиришга, ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган ёшларни ижтимоий ҳимоянинг манзилли етиб боришини таъминлашда иштирок этишга тайёрлашга хизмат қилди.

ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР – ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИНГ АСОСИ СИФАТИДА

Н.Тўйчиева - ФарДУ

В статье даны результаты исследования эффективности применяемых инновационных педагогических технологий.

In this article results of the researches on effectiveness of adopted innovative teaching technologies are given.

Шахснинг инновацион фаолияти билимларни эгаллаш, танлаш, таҳлил ва синтез қилиш, амалда қўллашни тақозо қилади. Бу билимлар инвестицияси масаласини ижобий ҳал қилишни тақозо қилиб, интеллектуал салоҳият намоён бўлишини таъминлайди.

Инновацион ғоялар асосида ёшларни ақлий фаолиятга йўналтириш ва ривожлантириш натижасида қуйидагиларга эришилади:

- ўқувчиларнинг ўз салоҳияти ва қобилияти даражаларини билишга эришилиши;
- қобилиятли ўқувчилар билан индивидуал ишлаш дастурларини тузиш;
- атроф-олам, ўраб турган нарсалар ва воқеа-ҳодисаларнинг ўзаро алоқадорлик қонуниятларига ижодий ёндошиб, ундаги ўзгаришларга ижобий муносабатда бўлиш;
- ўқув, шунингдек, муайян фаолиятли, ҳаракатли вазиятларда фаоллик кўрсатиш;
- ўз фикрини, шахсий қарашларини эркин ифода этиш, уларни далиллар билан асослаш;
- мавжуд вазиятдан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда қарорлар қабул қилиш ва унинг оқибатларини баҳолай олиш;
- гуруҳ ёки жамоа билан ишлай олиш кўникмасига эга бўлиш;
- ўзгалар фикрини тинглай олиш ва билдирилган фикрга нисбатан ўз муносабатини билдириш малакасини намойиш эта олиш.

Таълим муассасаларида таълимни самарали ташкил этиш мақсадида инновацион усуллардан фойдаланиш ўқувчиларда кўникма ва малакаларнинг ҳосил бўлишини таъминлайди. UnIvEnt дастурида доирасида ташкилланган консультатив фаолияти давомида ўрганилган инновацион технологиялар талабаларда ижодийлик, билишга бўлган қизиқишни ортганлигини яққол кўрсатди. ФарДУ Инновациялар трансфери марказида олинган маслаҳатларга асосланиб, талабаларга махсус машғулотлар ташкилланди ва натижалар таҳлил қилинди. Бу машғулотларда ўқувчиларда дарсга нисбатан фаоллик ортганлиги аниқланди.

Уларга мавзуларни ўтиш жараёнида кластер усули қўлланилди. Ўқувчилар кластерни давом эттиришда бир бирларини таҳлил этиб, ёзилмаган маълумотларни изланиб муҳокама юритиб топишга ҳаракат қилдилар. Тадқиқотда жами 25 та ўқувчи иштирок этди. Булардан 12 таси яъни 48 % ижодий фикрловчилар, ташкилотчилар 4 та яъни 16%, дивергент фикрловчилар 6 та яьни 24%, фаоллиги унча кузатилмаган ўқувчилар 3та яъни 12 % ни ташкил этди.



Балиқ склети усули: Ўқувчиларга муаммони балиқ скелети асосида таҳлил қилиш топшириғи берилганда, уларда изланиш босқичлари тезкорлик билан амалга оширилганлиги кузатилди, гуруҳий ҳамжиҳатлик кучайди. Тафаккурнинг анализ синтез жараёни яхши тараққий этганлари 9 та яъни 38% , маълумотларни тезлик билан қайта тикловчилар 7 та яъни 28%, диққати барқарор ўқувчилар 6 тани яъни 24%, бироз суст ўқувчилар сони 3та яъни 12% ташкил этди.



Машғулотларни тренинглар асосида олиб боришнинг психологик жиҳатларини ўрганиш натижаси таҳлили тренинг жараёнида педагог қуйидаги шарт-шароитларни яратиши кераклигини кўрсатди:

- синф ёки гуруҳ билан алоқани тиклашда қатъиятлилик ва оқилона иш тутиш;

- ўқув-тарбиявий ишларни ташкиллашда амалий ишга ва шахсий мулоқотга дадиллик билан ўтиш;
- ўқувчиларнинг бирлигини таъминлаб, синфда “биз” деб иш юритишларига ўргатиш
- жамоадаги айрим ўқувчиларнинг хатоларини, камчиликларини тузатишга жамоада соғлом муҳит яратиш;
- бутун синф билан ишлашни ташкиллаш;
- бир-бирига илтифотли бўлишни таъминлаш;
- ўзаро муносабатларда сўз ва мурожаатни ўзаро таъсирчанлигини таъминлаш ва юз мимикаси, табассум, кўз қири билан тартиб ўрнатишни фаоллик билан ишга солиш;
- ўзаро дўстлик, самимийликни ўрнатиш;
- ўқувчиларнинг ютуқларини рағбатлантириб бориш ва ютуқларни кўпайтириш;
- ўқитувчининг ўқувчилар билан мулоқотидан асосий мақсад фақат эзгулик эканлигини барча ўқувчилар тушуниб етишига эришиш.

USE OF INNOVATIVE TECHNOLOGY IN EDUCATION

N.H.Olimova - FerSU,
B.A.Olimov - FerPI

В данной работе освещены особенности использования инновационных технологий в процессе обучения.

Мазкур ишда таълим жараёнида инновацион технологияларни ыщллаш хусусиятлари ёритилган.

The task of technology as a science is to identify the set of patterns in order to identify and use the most effective in practice, consistent educational activities that require less time, material and intellectual resources to achieve any result.

Innovation (born Innovation - innovation) - the introduction of new forms, techniques and skills in the field of training, education and research. In principle, any socio-economic innovation, as long as it has not received the mass, as mass distribution can be considered innovations.

The purpose of innovation is a qualitative change in the personality of the student as compared to the conventional system. This is made possible by the introduction of a professional activity is not well-known practice of teaching and educational program that involved the removal of pedagogical crisis. Developing the ability to motivate action to orient himself to the information received, the formation of unconventional creative thinking, the development of children through the maximum disclosure of their natural abilities, using the latest advances in science and practice - the main goal of innovation. Innovation in education as a significant social practices which lead to moral self-cultivation rights, is important because it is able to provide conversion of all existing types of practices in the society.

Considering the transition to a global society and the establishment of informative knowledge about the relevance of education and social and economic needs of the present and the future can only be achieved if its modernization will be based not only and not so much on the organizational innovations than on changes in substance - in the content and technology training and preparation of scientific research. As a social institution that

reproduces the intellectual potential of the country's education should be capable of advancing development, in the public interest, a particular person and a potential employer.

The use of information and communication technologies makes it possible to significantly speed up the search process and to provide information to transform the nature of mental activity, automate human labor. The basis of information and communication technologies are information and telecommunication systems based on computational tools and is an information resource and the hardware and software that provide storage, processing and transmission of information over a distance.

Innovation characteristic for any professional activity of man and therefore naturally become a subject of study, analysis and implementation. Innovation alone will not occur, they are the result of scientific research of the advanced experience of individual teachers and entire communities. This process can not be spontaneous, it needs to be managed.

The transition to interactive teaching methods and real-time technologies require significant telecommunication resources that can provide the necessary link participants in the educational process, support multi-technology, high-performance telecommunications equipment and network bandwidth data transfer.

The need for innovation-oriented educational activities in modern conditions of society, culture and education is determined by several factors.

Firstly, the ongoing socio-economic changes have necessitated a radical renewal of the education system, methodology, and technology organization of the educational process in educational institutions of various types.

Secondly, the innovation focus of teachers and educators, including the creation, development and use of pedagogical innovations is a means of updating educational policy. Third, the occurrence of secondary schools in the market economy, the creation of new types of educational institutions are a real situation of their competitiveness.

Therefore, education is inherently an innovation. By applying these technologies in innovative teaching, the teacher makes the process more complete, interesting, eventful. At the intersection of the subject areas of natural sciences, such integration is a must for the formation of a holistic world view and world innovations include the introduction of ICT in the educational process, the software supplied to schools interactive whiteboards, modernization projects.

ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Р.Пирназаров, Д.Абдураҳмонов,
О.Жўраева – ФарДУ

В данной статье было рассмотрено значении внедрении инновационных технологий в образование на примере курса «Мировая география».

In this article the importance of adopting innovation technologies in education as a subject "World geography" is reviewed.

Табиатга инсон таъсирининг йилдан-йилга ортиб бориши, ўз навбатида табиат қонуниятларини чуқур билишни, шунингдек, табиат ва унинг ресурсларидан тежаб-тергаб, оқилона фойдаланишни талаб этади. "Жаҳон географияси" дунё табиат комплекслари ва компонентларининг таркиб топиши ва ривожланиш қонуниятларини ўрганувчи фандир. Ушбу фан талабаларга Ер куррасида рўй

берадиган табиий жараён ва ҳодисаларни, географик тизимлар ёки уларни ташкил қилган айрим компонентлар орасидаги ўзаро алоқадорлик ва таъсирни, ўхшаш ва фарқ қилувчи қонуниятларни ўрганиш бўйича билимлар беради.

Бир ўқув йили давомида Республика миқёсидаги барча олий ўқув юртларида талабаларга “Жаҳон географияси” фани ўқитилади. Лекин ҳозирга қадар мазкур фан бўйича “Жаҳон географияси” фанини ўқитишда ноанъанавий дарслар ва интерфаол усуллардан фойдаланиш технологияси бўйича Ўзбекистонда тадқиқотлар олиб борилмаган. Шунингдек, ўзбек тилида ҳозирга қадар “Жаҳон географияси” фанидан янги педагогик технологияларга асосланган дарслик яратилмаган. Бу борада айрим чет эл олимларининг қўлланма ва услубий кўрсатмаларидан асосий манбаа сифатида фойдаланиб келинади. Лекин бу қўлланмалар бир тизимли тарзда “Жаҳон географияси” фанини тўлиқ ўрганиш имконини бермайди.

Материклар ва океанлар табиий географияси жаҳон географияси фани таркибидаги асосий умумкасбий фан сифатида 4-5 семестрларда ўқитилади. Дастурни амалга оширишда ўқув режасида режалаштирилган математик ва табиий-илмий (олий математика, физика, статистика, экология, геология ва геоморфология асослари), умумкасбий (ландшафтшунослик асослари, умумий гидрология) ва ихтисослик (географиянинг асосий муаммолари, географик ўлкашунослик, ижтимоий география) фанларидан етарли билим ва кўникмаларга эга бўлишлик талаб этилади. Республикамиз илмий жамоатчилигида фойдаланиб келинаётган умумгеографик тадқиқот натижаларига бағишланган манбаларда кўпроқ Россия ва Европа ҳудудида олиб борилган экспериментлар натижалари асос бўлган.

Шуни таъкидлаш керакки, мамлакатимизда олиб борилаётган географик тадқиқотлар учун ноанъанавий дарслар ва интерфаол усуллардан фойдаланиш технологиялари фан бўйича тўлиқ жавоб бермаслиги, натижаларни баҳолашда ноаниқликлар келиб чиқишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам мазкур йўналиш бўйича мутлақо янги технология яратиш мақсадга мувофиқ.

Инновацион таълим технологиясини амалга оширишдан мақсад – талабаларда материк ва океанларнинг вужудга келиши, ривожланиши, тузилиши, таркибий қисмлари, рельефи, иқлими, сувлари, тупроқлари, ўсимликлари ва ҳайвонот дунёсини, ландшафтлар, табиий комплекслар ҳосил бўлишида рўй берадиган ходисаларга доир билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифаси - талабаларга умумий табиий географик қонуниятлар, сабаб ва оқибат боғланиши орқали материклар ва океанлардаги воқеа ва ходисаларни келиб чиқиш хусусиятлари, ривожланиш тарихи ва инсон таъсирида ўзгаришларини кўргазмали воситалардан фойдаланиш орқали ўргатишдан иборат. Янги педагогик технологиялар асосида ҳар бир талабага алоҳида берилган вариант бўйича гуруҳларда бир-бирига ўргатиш усулида ўтилган сўнгги 2 йиллик дарс натижалари, шунингдек, лойиҳа давомида дастурга мувофиқ олиб бориладиган экспериментлар ўқитишнинг янги технологиясини яратиш ҳамда ўқув қўлланма ёзиш учун асос бўлади.

Лойиҳада табиий-географик жараёнларни экспериментлардан ўтказиш учун асосий усуллар берилиши кўзда тутилган. Олинган экспериментал маълумотлар асосида ўқитишнинг географик усулларини қўллашнинг янги технологияси ишлаб чиқилади, ўзбек тилида “Жаҳон географияси” ўқув қўлланмаси ёзилади ва унда келтирилган барча амаллар дастурланади. Машғулотларни электрон тарзда олиб борувчи соҳа мутахассислари ҳамда замонавий ахборот тизимларидан изланишда кенг фойдаланувчи тадқиқотчилар учун электрон дарслик ва ишланма яратилади.

“Жаҳон географияси” фанининг айрим муаммоли мавзулари юзасидан Фарғона давлат университетида лойиҳа муаллифи раҳбарлигида талабалар

томонидан битирув малакавий ишлари тайёрланган. Шунингдек, географиянинг амалий ҳамда лаборатория машғулотлари учун дастлабки услубий кўрсатмалар ишлаб чиқилган.

МАЛАКАВИЙ АМАЛИЁТ ЖАРАЁНИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Р.Холиқов, М.Деҳқонбоева - ФарДУ

В данной статье рассматривается использование инновационных педагогических технологии в процессе проведения учебной – квалификационной практики.

This article reviews application of pedagogical technology in the process of the qualified practice.

Сўнги йилларда таълимнинг барча соҳаларида инновацион технологияларни жорий этиш туфайли ўқитиш жараёнида ижобий натижаларга эришилмоқда. Айниқса янги педагогик технологияларнинг замонавий таълим тизимидаги ўрни беқиёсдир. Таълим жараёнининг бевосита давоми ҳисобланган ўқув-малакавий амалиётлари бугунги кунда ананавий усулларда ўтилаётганлиги мазкур жараёнга бир ёқлама муносабатларда бўлиш, амалиётни зарурий дарс жараёни сифатида қараб, унинг талабалар билимини мустаҳкамлашдаги аҳамиятига етарлича баҳо берилмаяпти. Шу ўринда малакавий амалиётларни самарали ташкил этишда инновацион тизимли услубларни қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Биз тавсия этмоқчи бўлган услубни моҳияти шундан иборатки табиёт-география факультети тизимида малакавий амалиёт ўтказишда ва айниқса 1-3 курсларда мавжуд бўлган йўналишлар бўйича амалиёт ўтказиладиган худудни аввало бир тизимга солиш талаб этилади. Масалан 1-курслар учун объект Фарғона шаҳри ва унинг атрофи бўлса, географлар худуднинг табиий географик хусусиятлари ҳақида маълумот тўплашлари, агрокимё ва тупроқшунослик йўналиши талабалари тупроқ мелиоратив холатини, биолог ва экологлар эса ўсимлик, ҳайвонот дунёсини ўрганиб чиқадилар. Натижада ўрганилаётган худуд ҳақида етарли маълумотлар банки юзага келади. Тўпланган маълумотлар асосида малакавий амалиёт жараёнида “Чархпалак”, “Бумеранг”, ”Мулоқот” каби янги педагогик технологиялардан фойдаланиш орқали талабалар етарли билим ва кўникмаларга эга бўлишлари мумкин. Малакавий амалиёт жараёнида масалан “Мулоқот” технологиясини қўллаш катта ижобий самара беради. Бу услубда амалиёт ўтказиладиган худудда гуруҳларни кичик гуруҳларга бўлиб, гуруҳларга берилган алоҳида топшириқлар бўйича музокаралар олиб борилади. Масалан, адирлар худудини ўрганишда қуйидаги технологик жараённи қўллаш мумкин.

Чархпалак методидан фойдаланиб амалиёт ўтказишда йўналишлар бўйича алоҳида ёки уларни бир жойга тўплаб бевосита дала шароитида ўрганилаётган худудда соат стрелкаси бўйича тегишли маълумотларни аксариятини бевосита кузатиш, ўлчаш, аниқлаш, қиёслаш орқали олинган маълумотлар ташкил этади. Пировард натижада кичик худудлар табиатини ўрганиш бўйича қимматли маълумотлар тўпланади. Малакавий амалиёт давомида эса юқори курсларда ўрганиладиган билимлар такомиллаштирилиши, кенгайтирилиши мумкин.



Малакавий маълумотларда инновацион технологияларни қўллаш ва унинг самарадорлигини оширишда амалиёт дарсларини интеграциялаш, йўналишлар бўйича ва курслар бўйича амалиёт ўтказилиши кунларини мутаносиблаштириш, амалиёт ўтказиладиган худудларни транспорт қулайлиги, табиий-географик жараёнлар барқарор бўлишлиги, талаб этилади. Амалиёт сўнгида эса ундан иштирок этган йўналишларни бир жойга жойлаб семинар-тренинглар ташкил этиш талабаларни билим, кўникма ва малакаларини мустахкамлашда катта аҳамиятга эга бўлади.

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ҲАМКОРЛИКДА ЎҚИТИШНИНГ ИННОВАЦИОН ШАКЛИ

С.Ғофурова - ФарДУ қошидаги 2-сон академик лицейи ўқитувчиси

В данной статье раскрыты аспекты инновационных форм коллективного обучения, как одного из самых перспективных направлений новых педагогических технологий.

In article aspects of innovative form of cooperative learning, as one of perspective way of pedagogical technologies is disclosured.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» мазмунида баркамол шахс ва малакали мутахассисни тарбиялаб вояга етказиш жараёнининг моҳияти тўлақонли очиб берилган. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” деб номланган маърузаси Ўзбекистон тараққиётининг кейинги босқичида барча соҳаларда, жумладан, ўта муҳим стратегик жабҳа – ёшлар тарбиясида ҳам амал қилиниши зарур бўлган бош мақсадимизни белгилаб берди.

Юқоридагиларнинг мантиқий давоми сифатида Республикамиз Президентининг 2012 йил 28 майда қабул қилган ***“Малакали педагог кадрлар***

тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори таълимда аниқ ҳамда самарали, истиқболга эга мақсад ва вазифаларни белгилаб берди.

Ушбу қарорнинг бешинчи бандида таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази зиммасига таълим жараёнида илғор педагогик услуб ва технологияларни **("case study", ўқув лойиҳа, ҳамкорликда ўқитиш, "амалий ўйин", интерфаол таълим усули ва бошқалар**), ахборот-коммуникация технологиялари, электрон таълим ресурслари ва мультимедиа тақдимотларидан фойдаланиш борасида чет эл тажрибасини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиб чиқиш вазифаси юклатилган.

Янги педагогик технологиянинг асоси сифатида ҳамкорликда ўқитиш технологияси алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, унинг бир қанча самарали омилларга эга эканлигини барчамиз биламиз. Унинг содда схематик тартибини қуйидагича кўрсатиш мумкин, бунда таълим берувчининг фаолияти кўрсатилган:



Ҳар бир таълим берувчи гуруҳларга бўлиш, уларни жойлаштириш қоидаларини яхши билади. Ўқитувчининг кейинги вазифаси гуруҳларга ўқув топшириғини бериш бўлиб, бу бўйича ўқувчиларга махсус инструктаж, яъни топшириқни қандай бажариш бўйича кўрсатмаларни айтиб ўтади. Бунда мақсад ва натижа аниқ шакллантирилиши керак, чунки шундагина ишнинг хулосасини текшириш мумкин. Қайтар алоқага алоҳида эътибор қаратиш лозимки, бунда ўқитувчи гуруҳдагилардан топширилган вазифани қай даражада тушунганлигини текшириб олади, агарда гуруҳ вазифани нотўғри тушунган бўлса, у ишни ўқитувчи кутгандек бажармайди. Қайтар алоқада савол-жавоб, тезкор сўров, "аукцион", "ўйланг, жуфтликда ишланг, фикр алмашинг" усулларидан фойдаланса бўлади. Шундан сўнг гуруҳларда ишни ташкил қилишга ўтилади: ном танлаш, сардор тайинлаш, мақсадни тўғри қўйиш, топшириққа ўтиш. Буларнинг барчасини гуруҳларнинг ўзи бажаради, ўқитувчи уларни кузатиб, назорат қилиб туради, йўналтиради, керакли ўринларда маълумотларни айтиб туради. Гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, бажарганларини тақдимотга тайёрлайдилар, презентация жараёнида ўқитувчи назоратида гуруҳ аъзолари бир-бирларини тўғрилайдилар,

ўзларини ва бошқаларни баҳолайдилар. Иш сўнггида ўқитувчи бажарилган ўқув топшириғи бўйича ўз хулосаларини айтиб ўтади, ушбу жараёнда ўқувчилар нималар олганлигини, нималарни ўрганганлигини эслатади, топшириқ аввалида қўйилган мақсад ва натижага қай даражада эришганликларини баҳолайди.

Кўриниб турибдики, ҳамкорликда ўқитиш таълим берувчига ҳам, таълим олувчига ҳам осон ва қулай технология бўлиб, ўзининг самарадорлиги билан бошқалардан ажралиб туради. Дарс сўнггида балки ўқитувчи жисмоний ва руҳий толиқишни сезар (қайтар алоқани ўтказади, бутун дарс давомида ҳар бир гуруҳнинг олдига бир неча бор бориб, уларни йўналтириб, назорат қилиб туради), бироқ натижа кутилгандек бўлади: барча ўқувчилар берилган билимларни тўлиқ ўзлаштириб, мустаҳкамлаб, тақдимот ҳам қила оладилар. Ўқитувчига эса бундан ортиқ ютуқ бўлмаса керак.

INNOVATSION TEXNOLOGIYALARNI DARS JARAYONLARIDA QO'LLASHNI O'RNI

U.Xomidova, G.Umarova - FarDU

В статье освещены проблемы внедрения личностно-ориентированной технологии в педагогическую практику.

The paper highlights the problems of introduction of personal-oriented technology into pedagogic practice.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti I.A.Karimov Oliy Majlisning XIV sessiyasida so'zlagan nutqida kadrlar tayyorlashning ahamiyatiga izoh berib shunday degan edi: «Biz oldimizga qanday vazifa qo'ymaylik, qanday muammoni yechish zaruriyati tug'ilmasin, gap oxir oqibat, baribir kadrlarga borib qadalaveradi. Mubolag'asiz aytish mumkinki, bizning kelajagimiz, mamlakatimiz kalajagi, o'rnimizga kim kelishiga yoki boshqacharoq qilib aytganda, qanday kadrlar tayyorlashimizga bog'liq.

Talabalarni zamon talablariga javob beradigan yuqori malakali, raqobatbardosh kadrlar qilib tayyorlash maqsadida ta'lim tizimiga innovatsion loyihalar va pedagogik texnologiyalarni olib kirish maqsadida TEMPUS dasturining UnIvEnt loyixasi doirasida tashkillangan "Innovatsiyaning ta'lim tizimidagi ahamiyti" mavzusidagi treningda ishtirok etib, olingan nazariy ma'lumotlarni amaliyotga joriy etdik.

Malakaviy amaliyot olib borish uchun biriktirilgan Farg'ona akademik litseyi talabalarini dars mashg'ulotlari va seminar-treninglarda innovatsion loyihalar va pedagogik texnologiyalardan keng ko'lamda foydalandik. Mashg'ulotlar davomida talabalarni shaxs tiplarini o'rganib, talabalarni o'quv faoliyatiga individual yondashuv muhumligini isbotladik.

Sinaluvchilarda o'tkazilgan shaxs tiplarini aniqlash metodikasi natijalariga ko'ra sinaluvchilarni 18% xolerik tipiga, 27% sangvinik tipiga, 44% flegmatik va 11% melanxolik tipiga mansubligi aniqlandi. Shaxs tiplarini psixologik xususiyatiga ko'ra xolerik tipidagi shaxslar bir ishga tez kirishadigan va boshlagan ishini oxiriga yetkazadigan bo'ladilar. Sangvinik tipidagi shaxslar juda serharakat, ildam va chaqqon bo'ladilar. Ular har qanday ishga qatnashish uchun doim tayyor bo'ladilar. Har bir ishga ishtiyoq bilan tez kirishganliklari singari, boshlagan ishdan tez qaytishlari ham mumkin. Bu xil temperamentli shaxslar ishga tez va zavq bilan kirishadilar, lekin ish davomida, o'z rollarini tez-tez o'zgartirib turishga moyil bo'ladilar. Flegmatik tipidagi shaxslarni esa psixik jarayonlari sust bo'ladi. Ular bir faoliyatga kirishsalar, uni qat'iyat bilan davom

ettiradilar. Melanxolik tipidagi shaxslar esa hissiyotning sekin, lekin kuchli qo'zg'aluvchanligi va barqaror bo'lishi bilan farq qiladi. Melanxolik temperamentli odam ishga birdan kirishmasligi mumkin, lekin bir kirishsa, boshlagan ishni oxiriga yetkazmay qo'ymaydi.

Shaxs tiplarini o'rganish borasidagi tadqiqotimiz yakuniy xulosalariga ko'ra, ta'lim berish jarayonida shaxs tiplari xususiyatlariga yaqindan yondoshib, o'quv faoliyatini tashkilashda quyidagilarga e'tibor qaratish lozim:

1. O'quv-tarbiya jarayonida didaktik o'yin, muammoli, modulli ta'lim, loyihalash va hamkorlikda o'qitish texnologiyalaridan foydalanish orqali talabalarning yakka tartibda va kichik guruhlarda mustaqil va ijodiy ishlarini tashkil etib, ularni o'z o'quv-bilish faoliyatining subyektiga aylantirish;
2. Talabalarning mustaqil ishi va ta'limini rejali, bosqichma-bosqich tashkil etish;
3. Talabalarning bo'lajak mutaxassislik faoliyatiga ilmiy-metodik jihatdan tayyorgarligini tahlil qilish, ularda ko'nikmalar shakllanishini hisobga olgan holda har bir talabaga o'zini o'zi rivojlantirishning individual ish rejasini tavsiya etish;
4. Ta'lim jarayonini tashkil etish va boshqarish, talabalarda mustaqil tahsil olish va mustaqil fikrlashni shakllantirishga imkon beradigan zamonaviy pedagogik va axborot texnologiyalarini ongli tanlash va amaliyotda qo'llash ko'nikmalarini egallashiga erishish.

Izlanishlarimizning yana bir yo`nalishi talabaga, o'quv faoliyatiga ta'sir etishning ikki qirrasi borligi - birinchisi pedagog qo'llayotgan uslub va usullar bo'lsa, ikkinchisi pedagogning faqat shaxsiy xislatlariga bog'liq bo'lgan ta'sir etish vositalaridan foydalanishi ekanligini isbotladi. Ta'lim jarayoniga zamonaviy axborot texnologiyalarining joriy etilishi quyidagilarga olib keladi:

- ta'lim jarayonini, o'quvchi - talabalarning aniq tayyorgarlik darajasi, qobiliyatlari, yangi materialni o'zlashtirish sur'ati, qiziqish va mayllarini hisobga olib, ko'proq individual ravishda yordam berish;
- ta'lim jarayonida fanlararo aloqalarni kuchaytirish, borliq hodisalarini kompleks o'rganish;
- ta'lim jarayonining moslashuvchanligi, omilkorligi, tashkil topish shakllari va usullarini takomillashtirish hisobiga uni doimiy va dinamik yangilash;
- barcha ta'lim muassasalarida o'qitishning muammoli usullari, kompyuter vositalaridan hamda virtual stendlardan foydalanish;
- ta'lim jarayonining texnologik bazasini hozirgi zamon texnik vositalarini joriy etish yo'li bilan takomillashtirish (E.T.Jumayev).

Xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki, yetuk mutaxasis kadrlarni tayyorlashda shaxs tiplariga asoslanib yangi pedagogik texnologiyalar va innovatsion loyixalardan dars jarayonlarida foydalanish, ta'lim sifatini oshiradi hamda o'quvchi-talabalarni axborotni oson esda olib qolishini ta'minlaydi.

TO CREATE AN INTENSIVE METHOD OF TEACHING PRACTICAL ENGLISH TO THE SPECIALISTS IN THE PRODUCTION

Sh.N.Fayzimatov, docent
U.P.Khaydarova - FPI

Мақолада ишлаб чиқариш соҳасидаги мутахассисларга амалий инглиз тилини ўргатишнинг интенсив услубини яратиш ва уларни амалга ошириш йўллари ёритилган ҳамда мутахассислик мақсадларида инглиз тили ўргатишнинг лойиҳалаш жараёни акс эттирилган.

В статье освещаются интенсивный метод преподавания Практического Английского в области производство, и подчёркивается процесс проекта Английского для Специфических Целей, который может быть использован учителями с аудиторией ESP.

Knowledge of foreign languages helps us to develop friendship and understanding among people. English is very popular now. It's the language of computers, science, business, sport and politics. Globalization is such a commonly used term in the ***21st*** century. It simply means that the world has become integrated economically, socially, politically and culturally through the advances of technology, transportation and communication. The advances in science and technology have allowed businesses to easily cross over territorial boundary lines. Consequently, companies tend to become more productive, competitive thereby raising quality of goods, services and the world's living standard. In such circumstances it is necessary to learn English, to study the achievements of the sciences, scientific research works of experienced specialists of the leading countries, to take an equal step with the developments in the production.

In order to implement the science achievements to the teaching process and use them educators must know English, translate foreign sources and communicate with foreign experts in the activity.

Professors and educators of high technical institutions, teachers of colleges and schools, enterpreneurs who want to achieve the top of business and head of the ventures, engineers, masters of the production must effectively use and utilize the opportunities our state has created to learn foreign languages.

It is our target to create and perfect new pedagogical method of teaching English to teachers of technics, technicians and engineers. An intensive language teaching method will contribute to the production development of our country; it will also help teachers' practically to their scientific creative research works, to exchange opinions with their foreign partners.

Nowadays in our country have been working more than hundred joint-ventures. They are the ventures of the developed countries: "TAPO-Disk", "UzSUNGWOO", "AVTO-OYNA". Their tools and equipment, apparatus and tackles are imported from developed foreign countries. To provide an unceasing work of these tools and apparatus it is necessary to know English. Moreover, all the documents and instructions are in English and German languages. Therefore, future engineers must love and learn these languages. With this purpose we are creating new method of teaching English to the specialists and engineers who work at plant, factories and ventures.

We have following to carry out our target:

1. To create an intensive and effective method of teaching;
2. To learn the psychology of learners: middle-aged and elder specialists;
3. To create English-Russian-Uzbek technical dictionary;
4. To collect the authentic material relating to the production and describing its real process;
5. To make a presentations enriched with sounds, animations and videos.;
6. To make a sample of documents used and filled in in the process of cooperation with foreign ventures and enterprises;
7. To create the base of program software for the dictionaries which are done via technical-scientific articles, journals and works;
8. To design task-based online activities that require learners to use critical thinking and collaborate with specialists and outside experts in their disciplines.

Innovative uses of today's technology, especially computer-mediated communication, real practice in the production can serve as a vital tool to support each of these approaches for teaching ESP. Furthermore, these same technologies can facilitate collaboration between English language and discipline-specific practitioners as well as with ESP learners.

OLIY TA'LIMIDA EKOLOGIK BILIM BERISHDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARNI QO'LLASHNING AYRIM JIHATLARI

Sh.Holmatova, q-x.f.n., dots., Z.To'rayeva – FarDU

В статье освещены некоторые особенности использования инновационных технологий в преподавании экологических дисциплин.

In this article some features of using innovative technologies in teaching ecological subjects are presented.

Ta'limning innovatsion turi uchun ijtimoiy muhit, madaniyatdagi mavjud o'zgarishlarni o'quv faoliyatiga tatbiq etish jarayoni va natijasiga bog`liqdirr. Innovatsion ta'lim turlariga izlanish, munozarali, o'yin texnologiyalari kiradi.

O'yin texnologiyalar talabalarda ekologik madaniyatni shakllantirishda katta ahamiyatga ega bo'lib, ularda aniq ekologik vaziyatlarni tasavvur qila olish, turli ekologik hodisalarni tahlil etish va ekologik xavf-hatarlardan ogoh bo'lish fazilatlarini shakllantiradi. Umuman olganda, ekologik o'yinlar tabiat bilan "jonli" muloqotga kirishishning asosiy vositasi bo'lib, tarbiyalanuvchilarning bilish faoliyatining motivatsion, faoliyatli, qadriyatli bosqichlarini samarali loyihalash imkonini beradi.

Talabalar o'zlarida tabiat oldidagi vazifalarini bilib oladilar. "Umumiy ekologiya", "Ekologiya asoslari" fanlarini o'qitish jarayonida ba'zi texnologik ishlanmalardan foydalandik.

"Tanlov-marafon" ekologik o'yini. Tanlov – marafon shartlari: marafonni fakultetlarda (auditoriyada, zalda tomoshabinlar bilan) yoki tabiat quchog'ida o'tkazish mumkin. Tadqiqotimiz jarayonida birinchi marafon auditoriya sharoitida o`tkazildi. Marafon ishtirokchilari (3-4 kishi) savollarga javob berib, o'qituvchining topshiriqlarini bajarishdi. Har bir ishtirokchiga alohida ballar qo'yildi. O'yin oxirida ballar miqdoriga qarab g'oliblar aniqlandi.

Saylgohdagi "Marafon" talabalarning o'qituvchilar bilan birga saylgoh xududi bilan tanishish maqsadidagi saylidan boshlanib, saylgohda o'sadigan daraxtlarga alohida e'tibor berish topshirig`i berildi. Marafon jarayonida o'quvchilarga taqdim etiladigan tahliliy savollar namunasi:

1. Daraxtning biror tabiiy omil-shamol, quyosh yoki namlik yetishmasligi tufayli nurayotganligi haqida belgi bormi?
2. Daraxt qurtlarning xuruji tufayli quriyotganligi haqida belgilar mavjudmi?
3. Daraxtning so`lib borayotganligi haqida qanday taxminlar qilish mumkin, bu haqidagi fikrlaringiz nimalardan iborat?
4. Shahar bog'i, gulzordagi gullarni uzish tabiatga zarar keltiradi, deb o'ylaysizmi? Daladagi gullarni-chi?

"Nomlar yozilgan kartochka" o'yini. Bu o'yin orqali ta'lim oluvchilarda tabiiy omillar haqidagi bilimlar boyitiladi. So'ngra quyidagi didaktik o'yin asosida o'quvchilar bilimi mustahkamlanadi. O'yin qoidasi: oq qog'ozni olib bo'yiga ikki buklanadi. Buklangan tomonlari yana bukalnadi, buklangan chiziqlarni yana bir yurgizib uch burchak

shakl hosil qilinib, uni yuza tomonlariga o’z ismlarini, quyosh, suv, havo, tuproq, tog, o’simlik, daraxt kabi rasmlarni chizib qo’yish mumkin. Shakl chizilgach unga nimalar chizilgani aniqlanadi.

“Yumaloqlangan qor o’yini”. Ta’lim oluvcholar o`quv stollari qatorlari bo’yicha uch guruhga bo’lindilar. Har bir guruh ishtirokchilari turli daraxt (terak, akatsiya, majnuntol) ning barglari tasviri tushurilgan va orqa tomonida yoki uchta vazifa yozilgan kartochkalarni oldilar. Birinchi guruh piramidasimon terak bargini, ikkinchi guruh o’quvchilari akatsiya bargini, uchinchi guruh o’quvchilari esa majnuntol bargining tuzilishiga oid topshiriqlarni bajaradilar. Topshiriq juftlik asosida bajariladi: birinchi savolga birinchi guruhning dastlabki juftligi javob qaytaradi, ikkinchi savolga birinchi guruhning ikkinchi juftligi javob qaytardi va hokazo.

Maqsadli o’yinlar ekologik ongni shakllanishiga turtki bo’ldi. Qiziqarli mashg’ulotlarda talabalar faol ishtirok etishi ta’minlandi va yuqori samaraga erisholdi.

ПОДГОТОВКА СПЕЦИАЛИСТОВ ПО ДОПРИЗЫВНОЙ ВОЕННОЙ ПОДГОТОВКЕ К ИННОВАЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

Ш.Х.Ханкельдиев - профессор,
А.Хасанов - ФерГУ

Мақолада чақириққача ҳарбий таълим факультети талабаларининг инновацион фаолиятини экспериментал асосланган дастури ҳамда “Чақириққача ҳарбий таълим” факультети талабаларининг ўқув жараёнига ўқитишнинг блок-модул тизимини жорий қилиш асосида ўтказилган экспериментал тадқиқотлар натижалари келтирилган.

It is put in experimental – foundation program of innovation activity of the faculty of precalling military education, and the results of leading experimental research on the base of inculcate into the educational process of for the students of the faculty “Precalling military education” block – module system of education.

Подготовка преподавателя допризывной подготовки к инновационной деятельности может проходить на основе системного и деятельностно-творческого подходов, обеспечивающих функционирование процесса формирования личности специалиста, способного моделировать структуру инновационной деятельности.

Последовательность подготовки специалиста допризывного военного образования к инновационной деятельности должна выглядеть следующим образом:

- овладение основами методологии научного познания, исследования;
- знакомство студентов со специальными и научными предпосылками возникновения инновационных процессов в Вооруженных силах и умение творчески интерпретировать альтернативные подходы к организации обучения;
- параллельное развитие и формирование творческой индивидуализации специалиста, способности выявить, анализировать и решать творческие задачи, самостоятельно переносить усвоенные знания в новую ситуацию;
- освоение технологии инновационной деятельности в области военной подготовки, знакомство с методиками инновационных программ, этапами экспериментальной работы, анализ и прогнозирование дальнейшего развития новшества и трудности их внедрения;

- организация и внедрение новых технологий обучения, коррекция и анализ инновационной деятельности.

На данном этапе осуществляется освоение студентами содержания разработанного инновационного предмета «Допризывная военная подготовка», целью которой является – сформировать научно-методические основы. Внедренные инновационные программы для студентов допризывного военного образования состоят из сдвоенных годичных циклов с использованием блочно-модульной системы. Первый блок направлен на развитие двигательного качества - выносливость, второй – на улучшение силовых возможностей, третий – на совершенствование скоростных и скоростно-силовых качеств, четвертый – на развитие координационных способностей и ловкости.

1-таблица

Экспериментально-обоснованная программа инновационной деятельности студентов факультета допризывного военного образования

ЦЕЛЬ
Содействовать повышению общей физической подготовленности студентов факультета допризывного военного образования
ЗАДАЧА
Развитие физических способностей: выносливости, силовых, скоростно-силовых качеств и координации
СОДЕРЖАНИЕ ПРОГРАММЫ
Блочно-модульная система планирования средств физического воспитания

I блок	**II блок**	**III блок**	**IV блок**
Развитие общей выносливости - 70% от общего объёма времени, выделенного на этот блок. Продолжительность2 месяца, или 8 недельных микроциклов.	Развитие силы и силовой выносливости - 70% от общего объёма времени, выделенного на этот блок. Продолжительность 1месяц, или 4 недельных микроцикла.	Развитие быстроты, скоростных качеств - 80% от общего объёма времени, выделенного на этот блок. Продолжительность 1,5 месяца, или 8 недельных микроциклов.	Развитие координации движений и ловкости - 70% от общего объема времени выделенного на этот блок. Продолжительность 1,5 месяца или 6 недельных микроциклов.

Апробированная программа по блочно-этапному принципу достоверно (при $p<0,05$) эффективнее традиционной системы обучения студентов факультета допризывного военного образования и может быть применена в системе высшего образования (1-таблица).

МУНДАРИЖА

М.Аҳмедов. Фан ва ишлаб чиқариш ҳамкорлигини мустаҳкамлашда халқаро лойиҳаларнинг аҳамияти 3
О.Отакулов. Реализация проекта UnIvEnt в Ферганском политехническом институте 5
С.Г.Магеррамов. Нахичеванский государственный университет: развитие и перспективы 6
K. Hänßgen. The TEMPUS project univent and its realization 9
Paulo Baptista, Maria Beatriz Marques. The management of innovation 11
Қ. Ғозиев. Олий таълимда янги педагогик технологияларни қўллаш самарадорлигини ошириш 16
А.Р.Юнусов. Активизация корпоративной связи между наукой, образованием и производством в Узбекистане 17

I ШЎЪБА. ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА ИННОВАЦИЯЛАР ЯРАТИШ ВА УЛАРНИНГ ТРАНСФЕРИ ЖАРАЁНИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

K.Jamalov. Role of innovations in development of education 21
A.Kazimov. Role of Nakhchivan State University in transfer of innovations 22
А.Асрақулов, А.Тожалиев. Университетларда инновацион фаолликни оширишда хориж тажрибасидан фойдаланиш масалалари 24
Г.Ш.Хонкелдиева. Олий ўқув юртларининг республика саноат комплекси билан интеграцион алоқалари ва уларни такомиллаштириш йўллари 26
Д.А.Ўринов, А.А.Орипов. Олий ўқув юртларида инновацияларни амалиётга жорий этиш жараёнига таъсир этувчи омиллар 27
А.А.Ўринов, Д.А.Ўринов, А.А.Орипов. Ўзбекистонда инновацион фаолиятнинг ривожланишида хориж тажрибаларидан фойдаланиш масалалари 30
И.Н.Исманов, Ж.Х.Камбаров. Инновацияларни молиялаштиришнинг айрим масалалари 33
И.Т.Ёрматов. Развитие инноваций в системе управления персоналом 36
К.И.Курпаяниди. Некоторые вопросы государственного регулирования инновационных процессов 38
К.Р.Хонкелдиева. Олий ўқув юртлари инновацион фаолиятини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари 40
М.Уралова. Фан–таълим–ишлаб чиқариш учлигида таълимнинг ўрни 42
М.Уралова, Х.Саттарова. Замонавий инновациялар трансфери марказлари фаолияти хусусиятлари 44
М.Джаббарзаде. Вопросы эффективного использования инновационного потенциала в развитии региона 46
Р.Хасанова. Маданият ривожланишида таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотларнинг ўзига хос ўрни 48
Х.Сатторова. Инновациялар трансфери марказларининг тренинг фаолияти хусусида 50
Ш.Юсупов. Иқтисодиётни ривожлантиришда инновацион йўналишлари моделлари 52

II ШЎЪБА. САНОАТ ТАРМОҚЛАРИДА ИННОВАЦИЯЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ЖОРИЙ ЭТИШ САМАРАДОРЛИГИ

A.Kh.Odilov. A new mechanism of electrons scattering on two - dimensional defects in inhomogeneous semiconductors 54

A.Kh.Odilov, K.K.Esonov, A.R.Kodirov. A new method of measurement of optical density of transparent covers of polycrystalline solar cells by means of investigation of anomalous photo voltage 55

А.А.Ибрагимов, Ш.И.Домуладжанова. Разработка инновационной технологии переработки молочной продукции 56

А.А.Намозов. Мева пюре-ярим тайёр маҳсулотлари тайёрлашнинг самарали усули 57

А.К.Тожибоев. Разработка системы бесперебойного электропитания с возобновляемыми источниками питания 58

А.Т.Абдукодиров. Об одном методе приведения к каноническому виду дифференциальных уравнений с частными производными пятого порядка 60

А.Т.Абдукодиров. Об одном методе нахождения общего решения дифференциальных уравнений с частными производными пятого порядка 63

Б.Ж.Ахмадалиев, О.М.Маматов, Б.З.Полвонов, Н.Х.Юлдашев. Связь между спектрами низкотемпературной фотолюминесценции и аномальными фотовольтаическими свойствами тонких пленок *CdTe* 65

Б.Игамбердиев, Р.Сутягин. Производство полимер-стеклянных труб из бытовых и промышленных отходов 67

Б.Каримов, Д.Юлдашалиев, Ш.Каримов, В.Рузибоев, А.Кучкоров, М.Саиджонова, Ш.Козимова. Инновационная технология конструктрирования ветроэнергетических установок (ВЭА-2) 68

Б.Каримов, Д.Юлдашалиев, Ш.Каримов, Г.Абдурашидзода, Х.Ахмедова, А.Матусмонов. Инновационные разработки по созданию химических источников тока в Ферганском государственном университете 70

Б.Каримов, Д.Юлдашалиев, Ш.Каримов, И.Муминов, М.Холдоров, Х.Хошимов, С. Масидиқова. Инновационный метод регенерации и сервисное обслуживание солнечных элементов 71

Б.Каримов, Ш.Каримов, Д.Юлдашалиев, Д.Абдуллаева, С.Юнусова, Б.Ахмадалиева, Ш.Исомитдинова. Инновационные разработки по созданию энергосберегаюших ламп на основе светодиодов и повышению энергетической эффективности в Ферганском государственном университете 72

Б.Н.Файзиматов, Р.С.Улуғхожаев, Д.М.Эргашев. Автомобил ойналари юза сифатига абразив ишлов беришда турли хил мойлаб совутувчи технологик воситаларнинг таъсирини аниқлаш 74

Б.Отакулов, Б.Х.Каримов, Д.Юлдашалиев, Ш.Каримов, Ф.Жумаева, М.Камолова, Г.Каримова. Инновационная технология получения кремния для солнечного элемента в Ферганском государственном университете 75

Б.Холматов, Ш.Абдисаматов. Саноат корхоналарининг рақобатбардошлигини оширишда инновацион жараёнлар 76

Е.С.Аббасов, М.А.Умурзакова. Использование альтернативных источников энергии 79

Е.С.Аббасов, М.А.Умурзакова. Вопросы использования плоских трубчатых солнечных коллекторов 81

Е.С.Аббосов, У.Нигматов. Солнечная установка для исследования теплообменных процессов 83

Ж.Д.Мамажонов, Ш.М.Махсудова. Иккинчи тартибли турли тартибда бузилишга эга бўлган аралаш типдаги тенглама учун бир аралаш масала ҳақида 83
Ж.Иброхимов, И.Нишонов, О.Тоштемиров. Қуёшни кузатиш тизими ва уни автоматлаштириш 87
З.Ю.Мамасадикова, Н.Ю.Мамасадикова, А.Р.Боймирзаев. Способ защиты информационного сигнала от несанкционированного доступа в волоконно-оптической линии связи 88
З.Ю.Мамасадикова, Н.Ю.Мамасадикова, А.Р.Боймирзаев. Газоанализатор на основе оптоэлектронного двухволнового генератора 90
I.Nishonov, O.Toshtemirov, J.Ibrohimov. Quyosh energiyasidan foydalanib shahar ko‘chalarini yoritish 92
И.Алиев, А.Намозов, Ў.Рахматов. Фарғона шаҳри реконструкцияси бўйича коммуникация тармоқларини такомиллаштиришнинг инновацион технологиялари 93
К.Махмудов, Б.Игамбердиев. Безопасная система полива 95
Л.Хўжахонова, М.Ахмадалиев. Ёғ-мой гудронини қайта ишлаш 96
M.Ahmadaliyev, L.Hojahonova. Yog‘-moy gudronidan mahsulot olish 97
М.А.Ахмадалиев. Фурфурол-куб қолдиғини қайта ишлаш натижалари 99
М.А.Ахмадалиев. Соединение титана - тетробутокси титанат 100
М.Абдуллаев, А.Мирзаев. Саноат корхоналарида замонавий инновацияларнинг қўлланилиш йўналишлари 101
М.М.Ахмадалиева, М.А.Ахмадалиев. Ёғни парафинсизлаштиришга спиртли эритувчи 102
Н.И.Каримов, И.Н.Каримов, О.М.Мадаминов, А.А.Базаров. Лаборатория қурилмаларида қиздириш элементларини ҳисоблаш 104
Н.Умаралиев, С.Ф.Эргашев, М.И.Маъруфий. Биогаз для газоснабжения домашних, тепличных и фермерских хозяйств 106
O.Toshtemirov, I.Nishonov, J.Ibrohimov. The active clamp 109
О.Х.Кулдашов, А.А.Хайдаров. Интеллектуальные оптоэлектронные сенсоры нового поколения 111
R.Matyoqubov, M.Soliyeva. Fenoloformaldegirofuran tipidagi polimerlarni modifikatsiyalash jarayonini tadqiq qilish 112
Р.А.Сутягин. Технология гранулирования методом окатывания гранул вдоль поверхности шнека 113
Р.А.Сутягин, Б.С.Усманов, Х.С.Нурмухамедов. Устройство барабанного шнекового гранулятора непрерывного действия со съемом осадка 115
С.М.Абдурахмонов. Саноат корхоналари ишлаб чиқариш қурилмаларини инновацион, компьютерли автоматика асосида модернизациялаш 117
С.Отажонов, Н.Алимов. Управление спектральные фоточувствительности нанокристаллических плёнок p-CdTe 118
С.Ф.Эргашев. Муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни янада ривожлантириш борасида фарғона политехника институтида олиб борилаётган инновацион тадқиқотлар 120
С.Ф.Эргашев, Т.Дадажонов, А.К.Тожибоев. Моделирование инвертора на IGBT транзисторах и исследование основных характеристик 123
Т.Бутаев, Г.Урозалиев, З.Юсупов. Пьезоэлементлар асосида электр энергия ишлаб берувчи қурилма 126
Т.Бўтаев, Г.Ўлмасова, М.Махкамова. Ёритишнинг автоматлаштирилган бошқарув тизими 128

Ё.Холибоев. Саноат корхоналарида инновациялар трансфери маркази фаолияти 129
Ю.М.Мамасадиков, А.Р.Боймирзаев, Н.Ю.Мамасадикова. Экспериментальная установка для аналоговой обработки импульсных фотоэлектрических сигналов в волоконно-оптических линиях связи 130

III ШЎЪБА. АГРАР СОҲАНИ ИНТЕНСИВ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ ВА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

V.Babayev, E.Namazov. Organic agriculture in Azerbaijan 133
E.Namazov, V.Mohumayev. Information and communication technology in agriculture of Azerbaijan 135
A.K.Ergashev, B.A.Olimov. Innovative directions of development of agricultural sphere in Uzbekistan 136
А.Салайдинов. Повышение эффективности интенсивного садоводства посредством внедрения инноваций 138
Д.Мадиева. Фарғона вилоятида озиқ-овқат хавфсизлиги ва уни яхшилашни баъзи-бир масалалари 140
З.М.Таджибаев. Фарғона вилоятида аграр соҳани экологиялаштириш ва уни самарадорлиги масалаларига доир 141
Л.Таджибаева. Аграр соҳани экологиялаштириш - ер ресурсларидан барқарор фойдаланишнинг инновацион йўналишидир 143
Л.Таджибаева. Экология билан озиқ-овқат ишлаб чиқаришнинг ўзаро боғлиқлиги ва уни фарғона вилоятидаги ҳолати 144
М.Адҳамов. Аграр сохада инновацияларни жалб этиш – интенсив ривожланиш йўналишларидан бири сифатида 145
Н.Ахмедова. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида фермер хўжаликларини ривожлантириш йўналишлари 147
О.Абдуғаниев, Ю.Аҳмадалиев, Ҳ.Абдувалиев. Фарғона вилояти табиатини муҳофаза қилиш картасини яратишда инновацион ёндашув 149
О.Н.Сулаймонов, А.А.Базаров. Ерларни яхшилашда юқори самарали инновацион технологияларни тадқиқ қилиш 150
О.Юсупов. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш - тараққиёт шарти 152
С.Абдисаматова. Аграр соҳани илмий асосда ривожлантиришда инновацияларнинг ўрни ва роли 153
С.Исмоилова, Д.Чилматова. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда инновацион технологиялардан фойдаланиш 155
Ш.Абдисаматов, А.Қамбаров. Фермер хўжалигида хизмат кўрсатиш ва сервис тизимини такомиллаштириш 157
Ш.Холматова, К.Абдуллаев, Р.Махсудова, З.Тўраева. Сунъий ковакларирригация эрозиясига қарши курашда ўзига хос самарали воситадир 159
Ю.Аҳмадалиев, О.Абдуғаниев, Ҳ.Джўрабоева. Қишлоқ жойларида экодемографик ҳолатни баҳолаш ва карталаштиришда инновацияларнинг аҳамияти 161

IV ШЎЪБА. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШ.

А.Акбаров. Развитие инновационной активности среди молодёжи при содействии центра молодёжных инициатив «Келажак овози» 163

Қ.Қундузова, Ш.Жумақулов. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини тижорат банклари томонидан кредитлаш тизимини такомиллаштириш масалалари 164
М.Салманова. Эффективное управление процессами использования иноваций в сфере услуг 166
С.Бобожалалова. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти: муаммолар ва ривожланиш истиқболлари 168
Х.Саттарова. Специфика управления кадрами в период внедрения инновации на предприятии 170
Ф.Солиев, Н.Акбарова. Инновацияларни самарали жорий этишда ходимнинг инновацион онги ва типининг аҳамияти 172
Э.Т.Мирзажонова, Н.Б.Усманходжаева, У.Г.Хомидова. Формирование инновационной психологии как условие эффективности социальных реформ 174

V ШЎЪБА. ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИГА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ

А.М.Абдуллаев. Механизм реализации инновационной политики в системе высшего образования 177
А.Р.Косимов, Г.И.Акрамова, З.К.Эгамназарова. Особенности тренинговой работы студентов – практикантов университета 179
В.Г. Бояринова. Инновационные технологии в образовании 180
В.Г. Бояринова, И.Х. Домуладжанов. Инновационные методы обучения. 182
G.Kasimova, R.Zakirova. Innovative methods in the focus of young english teachers: microteaching 183
G.Khalmatjanova, I.Uraimova. Innovative educational technologies in teaching process 185
Г.Н.Давлятова, Я.И.Нишанов, А.А.Шамсутдинов. Педагогическое обучение и квалификационная практика в университете 186
Д.С.Усманова. Роль проектов в изучении английского языка 188
Д.Ш.Ибрагимова, К.Шерматова. Применение компьютерных технологий на уроках английского языка 190
З.Исакова. К вопросам эффективной организации процесса создания и трансфера инноваций в вузах 191
З.С.Таштемирова, З.А.Акбарова, Н.М.Каримова. Инновационный подход к организации процесса изучения иностранных языков 193
З.Содиқова. Мактабгача ёшдаги болаларнинг психологиясини ўрганишда инновацион технологиялардан фойдаланиш 195
И.Х.Домуладжанов, В.Г.Бояринова, У.С.Курбанова, И.Г.Мамиров. Внедрение международных образовательных стандартов в высших учебных заведениях 197
Л.К.Мамадалиева, Э.М.Бегматов, Н.Н.Норхожаева. «Параметрлари тақсимланган электр узатиш линияси» лаборатория машғулотини замонавий ахборот технологиялари асосида ўтказиш услубиёти 198
М.Маннопова, З.Содиқова. Мактабгача ёшдаги болалар психологиясида иқтисодий тарбияни сингдиришнинг инновацион усуллари 200
М.Маруфи. Философия учебного портфолио как новый подход оценки и самооценки студентов 201
M.Umaraliyeva, D.Ganiyeva. An approach to teaching organizational skills to adults 205

М.Шерматов. Ахборот-коммуникацион технологиялар(АКТ)дан фойдаланган ҳолда зоология фанини ўқитишнинг замонавий электрон ўқув материаллари базасини яратиш 206
М.Уралова, Н.Ўринова. Инновацион тафаккурни ривожлантириш масалалари 208
М.Юлдашева, Д.Камбарова. Таълимда инновацион технология 210
N.Abbasova, G.Yakubova. Languages are part of the cultural richness of our society and the world where we live and work 211
Н.Б.Пирматов, **Д.В.Бистров.** Халқаро хамкорликда юқори малакали кадрлар тайёрлаш 212
Н.И.Гончарова, З.А. Абобакирова. Модернизированная система обучения проектированию в технических вузах 213
Н.М.Ўринова, Н.Содиқова. Таълим тизимида ёш авлодни ижтимоий ҳимоялашнинг инновацион усуллари 215
Н.Тўйчиева. Инновацион ғоялар таълим самарадорлигининг асоси сифатида 216
N.H.Olimova, B.A.Olimov. Use of innovative technology in education 218
Р.Пирназаров, Д.Абдураҳмонов, О.Жўраева. Таълимда инновацион технологияларни жорий этишнинг аҳамияти 219
Р.Холиқов, М.Деҳқонбоева. Малакавий амалиёт жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланиш 221
С.Ғофурова. Таълим жараёнида ҳамкорликда ўқитишнинг инновацион шакли 222
U.Xomidova, G.Umarova. Innovatsion texnologiyalarni dars jarayonlarida qo'llashni o'rni 224
Sh.N.Fayzimatov, U.P.Khaydarova. To create an intensive method of teaching practical english to the specialists in the production 225
Sh.Holmatova, Z.To'rayeva. Oliy ta'limida ekologik bilim berishda innovatsion texnologiyalarni qo'llashning ayrim jihatlari 227
Ш.Х.Ханкельдиев, А.Хасанов. Подготовка специалистов по допризывной военной подготовке к инновационной деятельности 228

Тираж: _____ *экз.*

Tempus

UnIvEnt
Tempus Project

TEMPUS дастурининг UnIvEnt - «Ишлаб чиқариш корхоналарида инновацияларни тадбиқ этиш борасида университетларнинг ролини кучайтириш» лойиҳаси

ЛОЙИҲА ДОИРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР:

- Инновациялар трансфери марказлари (ИТМ)лар учун Нахчиван давлат университетида - 3-4 ноябрь 2011 йил, Фарғона давлат университети ва Фарғона Политехника институтида - 22 декабрь 2011 йил, Озарбайжон давлат аграр университетида 17 май 2013 йилда алоҳида хоналар ажратилди, жиҳозланди ва иш бошлади;

- Лейпциг (Германия), Аликанте (Испания), Порто (Португалия), Фарғона (Ўзбекистон), Нахчиван (Озарбайжон), Ганжа (Озарбайжон)да барча лойиҳа иштирокчиларининг ишчи учрашувлари бўлиб ўтди;
  2011-2013 йилларда ўтказилган Республика Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаларида ФарДУва ФарПИда яратилган лойиҳалар намуналари тақдимоти UnIvEnt лойиҳаси томонидан молиялаштирилди.

- Европа инновациялар трансфери моделлари ўрганилиб, улар асосида умумлаштирилган UnIvEnt модели ишлаб чиқилди.

- Лойиҳа доирасида Нахчиван (Озарбайжон), Фарғона (Ўзбекистон), Порто (Португалия), Ганжа (Озарбайжон)да семинар ва конференциялар ўтказилди.

- Лойиҳа веб-сайтлари яратилди (www.tempus-univent.eu, www.univent-nsu.com);

- Миллий ва халқаро экспертлар томонидан UnIvEnt лойиҳаси мониторинги амалга оширилди;

- Ўзбекистон ва Озарбайжонда лойиҳада режалаштирилган тренинглар амалга оширилди;

- Илмий нашрлар, оммавий ахборот воситалари ҳамда тарқатма материалларда UnIvEnt лойиҳаси доирасида эришилган натижалар оммалаштирилди.

Tempus

UnIvEnt

Tempus Project

UnIvEnt лойиҳасининг фаолияти